


*Адиб ва жамият*

Акмал САИДОВ,
Гулом МИРЗО


# Сен баҳорни соғинмадингми?..

Устоз Абдулла Орипов ҳақида хотиралар



821.512.133
С 21

*Адиб ва жамият*



Акмал САИДОВ,
Ғулом МИРЗО

# Сен баҳорни соғинмадингми?..

Устоз Абдулла Орипов ҳақида хотиралар

ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»
2019

821.512.133-4(081) – Ўзбек адабиёти.

821.512.133-4 (081)
84(5Ў)6
С 21

С 21 **Саидов, Акмал.**
**Сен баҳорни соғинмадингми?..** [Матн]:
*Устоз Абдулла Орипов ҳақида хотиралар / А. Саидов, Ғ. Мирзо.*
– Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2019. – 224 б.

ISBN: 978-9943-5568-5-0

**Масъул муҳаррир:**
Сирожиддин САЙИИД

Қўлингиздаги китобнинг биринчи қисмидан узоқ йиллар Олий Мажлис депутатлари сифатида ардоқли шоиримиз билан бирга фаолият юритган, олис ва яқин юртлар сафарларида ҳамроҳлик қилиб, ҳаётда доимо ўзаро дўст ва дилкаш ҳамсуҳбат бўлган инсон – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг севимли шоиримиз билан қарийб ўттиз йиллик мулоқотлари асносида қоғозга туширилган эссе, мақола ва хотиралари жой олган.

Иккинчи қисм ардоқли шоиримизнинг кўпсонли шогирдларидан бири – шоир, таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ғулом Мирзо қаламига мансуб эссе, мақола ва суҳбатлардан иборат.

Муаллифларнинг ушбу дил армуғони китобхонларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN: 978-9943-5568-5-0

Ю 46603
392

20 20/131
55 O'zbekiston MK

© А.Саидов, Ғ.Мирзо, 2019
© «MASHHUR-PRESS», 2019

*«Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, достон ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида мангу яшайди»*[1].

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

[1] ***Мирзиёев Шавкат.*** **Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир // Халқ сўзи, 2017 йил 28 февраль.**

## КИТОБ НИМА УЧУН ШУНДАЙ НОМЛАНДИ?

(Сўзбоши ўрнида)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қарши шаҳрида бунёд этилган Абдулла Орипов музейини яқинда зиёрат қилдим. Сўнгра севимли шоиримиз номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги учрашувда иштирок этдим.

Ёшларга Абдулла акам ҳақида ўзим шахсан билган ёрқин воқеаларни сўзлаб бердим. Бу китоб, аслида, ана шу хотираларимни китоб шаклига келтириш ҳақида ўшанда билдирилган таклифларни рўёбга чиқариш йўлидаги дастлабки, камтарона қадамдир.

Ушбу мактабда, аввало, бадиий ижод билан шуғулланадиган – кўзлари ёниқ, истиқболи ёруғ ёш истеъдод соҳиблари билим олаётганига бевосита амин бўлдим. Энг муҳими, ана шу навқирон йигит-қизларнинг барчаси устоз Адулла Ориповнинг ижодини нафақат севиб ўрганмоқда, балки тарғиб қилиш билан ҳам шуғулланмоқда.

Бу ерда сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ўзлари Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ижодининг шайдолари экани айни муддаодир. Айниқса, таълим масканининг инглиз тили ўқитувчилари

Дилнавоз Муродова билан Гулноза Ҳамидова атоқли шоиримиз шеърларини инглиз тилига таржима қилиш борасида астойдил иш олиб бораётганидан ниҳоятда қувондим.

Ушбу таълим даргоҳидаги учрашувда билдирилган таклиф ва истакларни инобатга олиб, Абдулла акам ҳақида турли йилларда матбуотда эълон қилинган мақола, эссе ва тақризларимни жамладим. Натижада ушбу китобнинг биринчи қисми юзага келди. Бу қисм номини танлашда Устознинг **"Сурат ва сийрат"** шеъридаги ушбу сатрларга таяндим:

*Майли, сувратимга боққилу қувон,*
*Лекин сийратимга ташлама назар.*
*Бир ёқдан туганмас бахт берди жаҳон,*
*Бир ёқдан туганмас ўкинч ва кадар*[1]...

Демоқчиманки, улуғ шоиримизнинг бахтли кунларида бирга қувониб, ғамгин дамларида ҳам ёнларида бўлганим менга у кишининг сийратига теранроқ назар солиш имконини берган.

Абдулла Орипов ҳаётининг кейинги йилларида Устозни зиёрат қилиб суҳбатларини олиш учун кўпинча шоир, таржимон ва журналист Ғулом Мирзо билан бирга борганмиз. Ўша самимий гурунгларимиз нафаси уфуриб турган ёдномалар, шунингдек, Ғулом Мирзонинг Абдулла ака ҳаёти ва ижодига доир хотира ва эсселари китобга **"Жондек азиз хотира"** деган номда иккинчи қисм қилиб киритилди.

Халқимизнинг биз тенги авлоди Абдулла ака ижодини, биринчи навбатда, **"Баҳор", "Биринчи муҳабба-**

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Биринчи жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 271.

**тим", "Онажон", "Ўзбекистон", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Сен баҳорни соғинмадингми?"** каби жўшқин туйғуларга бой лирик ва фалсафий шеърлари орқали кашф этган. Бу шеърлар давраларда севиб ўқилган, аксарияти куйга солиниб, мароқ билан куйланган.

Хусусан, улуғ шоирнинг **"Сен баҳорни соғинмадингми?"** шеърига яратилган соғинчбахш қўшиқни илк бор Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев, кейинчалик таниқли хонанда Икромжон Бўронов ижро этган. Ўша қўшиқ ҳар гал янграганида, беихтиёр баҳорни қўмсаб энтикамиз, бизни шундай гўзал таассуротларга ошно этган Абдулла акани соғинамиз. Китобни номлашда Абдулла акамнинг "Сен баҳорни соғинмадингми?" деган ўша машҳур мисрасини танлаганимизнинг боиси ҳам шунда.

Абдулла Орипов нафақат атоқли шоир ва таржимон, айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи, таниқли давлат ва жамоат арбоби, дилкаш ва оқибатли инсон сифатида ҳам хотирамизда абадий сақланиб қолажак.

Қадрли китобхон, Устоз билан узоқ йиллик ўзаро ижодий ҳамжиҳатликдаги фаолиятимиздан эсдалик бўлмиш ушбу мухтасар битиклар сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Акмал САИДОВ,**
*академик*



## БИРИНЧИ ҚИСМ

# *Абдулла Орипов сийрати*

**Абдулла ОРИПОВ**

## СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ

*Уйғонгувчи боғларни кездим,*
*Топай дедим қирдан изингни.*
*Ёноғингдан ранг олган дедим –*
*Лолазорга бурдим юзимни,*
*Учратмадим аммо ўзингни,*
*– Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Узоқларда залворли тоғлар*
*Хаёлимни келдилар босиб.*
*Кечди қанча интизор чоғлар,*
*Васлинг менга бўлмади насиб,*
*Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,*
*– Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Ўнгирларда сакрайди оҳу,*
*Наъматакда саъва миттижон.*
*Қорликлардан сипқарилган сув,*
*Дараларда уради жавлон.*
*Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,*
*– Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Мана, бугун Наврўзи олам,*
*Дўстларимга гуллар тутарман.*
*Қайлардасан, севгили эркам...*
*Қўлимда гул, сени кутарман,*
*Умрим бўйи чорлаб ўтарман,*
*– Сен баҳорни соғинмадингми?*

# АБДУЛЛА ОРИПОВ – ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ҲАССОС ШОИР ВА ТАРЖИМОН

## Мустақил давлатимиз мадҳияси қандай яратилган?

Мустақил юртимиз давлат рамзларини ишлаб чиқиш жараёнлари истиқлолга эришишдан анча олдин бошланган. Шу нуқтаи назардан, мазкур жараённи Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда, қуйидаги уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчи давр** – Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган вақтда давлат суверенитети рамзларининг тикланиши ва улар шаклларини ишлаб чиқиш жараёнидан бошланади.

**Иккинчи давр** – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 31 август санасидан бошланиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган кун, яъни 1992 йил 8 декабргача давом этади.

**Учинчи давр** – Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинган кундан бошланади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳиясининг ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ва амалий аҳамиятга эга бўлган тўртта босқични ўз ичига олади.

**Биринчи босқич** – Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик жараёнларини ўзида қамрайди. Хусусан, Ўзбекистон Давлат гимни тўғрисидаги масала ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг 1990 йил 24–31 март кунлари бўлиб ўтган биринчи сессияси кун тартибига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.[1]

Бу босқичда 1990 йил 31 мартда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги[2] ҳамда 1991 йил 15 февралда "Ўзбекистон Давлат байроғи ва Давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги[3] парламент қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 15 февралдаги қарорига мувофиқ, Конституциянинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссияга янги Давлат байроғи, герби ва мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисидаги низомлар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Бунда кенг жамоатчилик ва депутатлар фикрига таяниш, лойиҳалар юзасидан халқ муҳокамалари уюштириш тавсия этилди. Шу билан бирга, Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилиш юзаси-

---

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Биринчи жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 271.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7087 – В. 170.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. ЎзССР Олий Советининг 1991 йил 14 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари – IV сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7332, – В. 20.

дан комиссия тузилди, унинг экспертлар гуруҳи тасдиқланди. Ушбу гуруҳ таркибига Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша пайтдаги президенти Маҳмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, академиклар Аҳмадали Асқаров ва Бўрибой Аҳмедов киритилди.[1]

Давлат байроғи ва герби эмблемалари чизмаларига таклифларни тайёрлаш учун рассомлар, санъатшунослар Б. Жалолов, Р. Аҳмедов, Ж. Умарбеков, Н. Аҳмедова, шунингдек, Конституциявий комиссия аъзолари, маданият ва санъат арбоблари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос мутахассислардан иборат Олий Кенгашнинг махсус комиссияси тузилди.

Давлат мадҳиясини қабул қилиш бўйича тузилган эксперт комиссияси сафидан эса таниқли артистлар, давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари И. Акбаров, Р. Абдуллаев, С. Жалил, М. Бурҳонов, У. Мусаев, Б. Умиджонов жой олди.

**Иккинчи босқич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларини ишлаб чиқиш бўйича танловлар ўтказиш даври. Давлат рамзлари лойиҳалари танлови борасидаги амалий тайёргарлик ишлари 1991 йил 11 февралда бошлаб юборилган бўлса, ўша йилнинг июнь ойидаёқ Давлат байроғи ва герби лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилинди. Тегишли комиссиялар энг яхши мадҳия матни бўйича ҳам танлов эълон қилди ва бу ишга мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик жалб этилди.

Ўн иккинчи чақириқ Олий Советнинг 1990 йил 24–31 март кунлари бўлиб ўтган биринчи сессияси мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон

[1] Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гуруҳининг таркиби // Совет Ўзбекистони. 1991 йил 14 май.

Компартияси Марказий Комитетининг секретари, депутат Ж. Ҳамидов ахборот бериб, Ўзбекистон Давлат мадҳияси тўғрисидаги масала меҳнаткашларнинг жуда кўп хатлари ва таклифларига биноан республика халқ депутатларининг муҳокамасига ҳавола этилаётганини таъкидлади.

Бу масала пайдо бўлишининг боиси нимада? Сессияда таъкидланганидек, аввалambор, у ҳаётнинг мураккаб ва кескин иқтисодий, ижтимоий ва маънавий муаммоларидан, миллий онгнинг тезкорлик билан ўсиб бораётганлигидан келиб чиқди.[1]

Мадҳия мустақил давлатнинг белгиси, ҳамду саноси ва айрилмас нишонасидир. Ўзбекистон ССРнинг биринчи Гимни 1947 йилда яратилган, матн муаллифи Темир Фаттоҳ, мусиқа муаллифи Мутал Бурҳонов бўлган. 1978 йилда Давлат гимнининг матни қисман таҳрир қилиниб, қайтадан тасдиқланган. Ўша гимн матни муаллифлари – Темир Фаттоҳ билан Туроб Тўла, мусиқаси муаллифи эса Мутал Бурҳонов бўлган.

Ж. Ҳамидов "Гимн мазмунининг янгиланиши Ўзбекистон Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар, яъни жамиятнинг сиёсий асослари ва Коммунистик партиянинг ўрни ҳақидаги моддаларга ҳам боғлиқ"[2] эканини қайд этган.

Бу масала Ўзбекистон Компартиясининг мафкура комиссиясида кўриб чиқилиб, Олий Советнинг те-

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – В. 204-205; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: "Ўзбекистон", 1991. – Б. 402–403.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – В. 204–205; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24-31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: "Ўзбекистон", 1991. – Б. 403.

гишли комиссиялари Ўзбекистон Давлат гимнининг матни ва мусиқасини яратиш борасидаги ташкилий ишларни бошлаши тавсия этилган ҳамда қуйидаги таклифлар киритилган: "Шу ишлар ниҳоясига етганда гимннинг янги матни халқ муҳокамаси учун эълон қилинсин. Сўнгра республика Олий Советининг сессиясига киритилсин. У Ўзбекистон ССР Конституциясининг 180-моддаси асосида Ўзбекистон Олий Совети томонидан тасдиқланиши керак"[1].

Депутатлар ўшанда бу борада тақдим этилган қуйидаги қарор лойиҳасини қабул қилган: "Ўзбекистон Олий Советининг Маданият, фан ва халқ таълими, маданий меросни асраш, Миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларига Ўзбекистон Давлат гимнининг янги матни ва мусиқасини тайёрлаш ишларини ташкил этиш топширилсин. Давлат гимни янги матн ва мусиқасининг лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйиш учун эълон қилинсин"[2].

**Учинчи босқич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳияси лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш. Ушбу жараёнда фуқаролар ва мутахассислар томонидан таклиф этилган Давлат байроғи ва герби эмблемаларининг вариантлари, мадҳия матни ҳамда мусиқаси матбуотда ёритилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Давлат рамзларини ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия муҳокама давомида барча вилоятлардан

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7086 – В. 188, Сақлаш бирлиги – 7087 – Л. 224, Сақлаш бирлиги – 7096 – В. 204–206.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7087 – Б. 170.

кўплаб мактублар, хилма-хил лойиҳалар, таклиф ва истаклар битилган хатлар олди. Муҳокамаларда турли касб эгалари, ёшу қари фаол қатнашди. Давлат байроғи ва герби лойиҳаларини ишлаб чиқишда Б. Жалолов, Т. Комилов, С. Қурбонов, И. Сатторов, А. Сатников, Б. Нишонов каби мутахассис ва ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Тўртинчи босқич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамаси натижаларининг Олий Кенгашда умумлаштирилиши. Бу ўринда, аввалambор, Давлат рамзлари бўйича танлов ва умумхалқ муҳокамасининг дастлабки олти ой ичида эришилган натижалари Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августда иш бошлаган олтинчи сессиясида кўриб чиқилганини таъкидлаш лозим.[1]

Лекин тақдим этилган давлат байроғи эмблемаси лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги парламент қарорини қабул қилишда қатнашган кўпчилик депутатларни қониқтирмади. Шу боис бу йўналишда ижодий ишлар давом эттирилди.

Сессиядан кейин ҳам махсус комиссия кўриб чиққан давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиб (200 дан ортиқ), бу борадаги баҳсларнинг охири кўринмайдиганга ўхшади. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш топширилган парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров бу

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. ЎзССР Олий Советининг 1991 йил 14 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари – IV сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7332, – Б. 20.

ҳолатни Қўмита аъзоларининг демократик иш услубини соддароқ тушунганликлари билан боғлайди.[1]

Шунда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифларнинг асосий ғояларини умумлаштириб, Давлат байроғидаги учта асосий рангни – мовий, оқ ва яшил йўл-йўлларни ўз қўли билан чизиб комиссияга тақдим этди. Биринчи Президентимизнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қабул қилишда асос вазифасини бажарди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти еттинчи сессиясида Ўзбекистон Давлат рамзларининг вариантлари қандай тайёрланаётгани тўғрисида Конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М. Салоҳиддинов ахборот берди. Шундан кейин танловда ғолиб деб топилган Давлат байроғи лойиҳасининг уч варианти парламент муҳокамасига қўйилди. Қизғин муҳокамалардан сўнг бу вариантларнинг иккинчиси кўпчилик овоз билан асос сифатида қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди.[2]

Янги лойиҳада уч рангдан иборат байроқнинг юқоридаги мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири киритилди. 1991 йил 30 сентябрда Давлат байроғининг эмблемаси парламент қарори билан қабул қилинди[3]. 1991 йил 18 ноябрда эса **"Ўзбе-**

---

[1] *Қодиров П.* Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик омили. – Т., 1999. – Б. 49.

[2] Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи, 1991 йил 2 ноябрь.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. 1990 йил 31 августдаги навбатдан ташқари – VI сессия ва 1991 йил 30 сентябрдаги VII сессия материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7337, – В. 172; Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992, 1-сон, 1-модда.

**кистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди[1].

Айни вақтда сессияда Конституциявий комиссиянинг эксперт гуруҳига Давлат герби эмблемаси лойиҳаларини тайёрлаш ишларини давом эттириш топширилган эди. Сессиядан кейин эксперт гуруҳи Давлат герби лойиҳаси бўйича тақдим этилган бир қанча намуналарни ўрганиб чиқиб, улар асосида герб лойиҳасининг учта вариантини матбуотда эълон қилди.

Бунда биринчи ва иккинчи вариант асосчилари бош тасвир сифатида Ҳумо қуши тасвирини танлайди. Бунга қадар, Ҳумо қуши тасвири Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳрида мавжуд эди.

Халқ оғзаки ижодиётида Ҳумо қуши – давлат қуши, бахт келтирувчи қуш, олийжаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида қаралиши бу тасвирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемасига туширилиши учун энг муҳим далил бўлди. Лойиҳа рассоми қушнинг қаноти баланд кўтарилиб турган пайтини тасвирлаган бўлиб, ўз навбатида, бу гўёки давлат қуши Ўзбекистонни ундаги тоғлар, адирлар, водийлар, боғлар билан бирга қучоқлаб тургандек кўриниш беради.

Давлат герби эмблемаси учинчи вариантининг бош тасвири, лойиҳа асосчилари сўзи билан айтганда, миллатни гуллаб-яшнатувчи мустақиллик рамзи – олтин қуёш келтираётган шер тасвирига эга эди. Бу эмблеманинг марказий қисмида мамлакат тинчлиги рамзи – мовий рангда мусулмон дунёсига мансублик

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари – VIII сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6пр, Сақлаш бирлиги – 7338, – В. 21–23; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

рамзи – ярим ой, юқори қисмида қизил рангда зарҳал тусда ёзилган "Ўзбекистон Республикаси" ёзуви ва саккиз қиррали мусамман тасвири, пастида Ўзбекистон заминида етиштириладиган неъматлар тасвирлари туширилган эди.

Дастлабки танлов эълон қилинган кундан тўққиз ой ўтгач, эксперт комиссияси ишлаб чиқилган Давлат герби эмблемаси лойиҳасининг асосий икки вариантини матбуотда эълон қилиб, уларни халқ муҳокамасига қўйди. Олий Кенгашнинг 1992 йил январь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида Ҳумо тасвирланган лойиҳа кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Давлат герби учун асос қилиб олинди.

Шу билан бирга, сессия пайтида, кейинчалик келган мактубларда ҳам бу лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилди ва уни такомиллаштириш учун аниқ таклифлар киритилди. Натижада аввалги лойиҳадаги Ҳумо қушининг боши эгик ҳолдаги тасвири ўзгартирилиб, Ҳумонинг дадил кўтарилган боши ва гавҳардай порлаб турган кўзлари янги лойиҳада акс эттирилди.

Лойиҳадаги Бахт қушининг атрофи ҳувиллаган уйдай очиқ қолдирилгани билан боғлиқ нуқсонни бартараф этишда Ўзбекистоннинг аввалги давлат герби тасвирларидан ва танловга келган бошқа лойиҳаларнинг айрим фазилатларидан фойдаланиш зарур деб топилди. Ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган эзгу ниятни ифодалайдиган, шунингдек, Ўзбекистондай ниҳоятда гўзал табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб турадиган қуёш тасвири ва ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалла ҳамда асосий бойлигимиз пахта тимсоли киритилди[1].

[1] *Очилов Ў. С.* Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. – Б. 45.



Publisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK 2020/131 55

Ана шу таклифлар инобатга олинган ҳолда, 1992 йил 2 апрелда матбуотда Давлат гербининг Ҳумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳаси эълон қилинди. Дастлабки танловда иштирок этган учинчи лойиҳа элементларидан бири, яъни собитлик ва барқарорликни ифодалайдиган саккиз қиррали юлдуз – мусамман тасвири ҳам янги лойиҳаларнинг юқори қисмига туширилди. Мусамман ичига қандай тасвир бериш масаласида мунозара бўлганлиги учун ҳам, янги танловга лойиҳанинг икки варианти қўйилди. Биринчи вариантнинг иккинчи вариантдан фарқи – уларнинг бирида ой ва юлдуз тасвири туширилганида эди[1].

Мазкур вариантлар матбуотда эълон қилингач, 1992 йил 2 июлда парламентнинг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлагунга қадар ўтган уч ой давомида Олий Кенгашга жойлардан 543 та мактуб ва 6 та телеграмма келган. Уларнинг барчаси ўрганилганда, Давлат герби эмблемасининг ой ва юлдузлик биринчи вариантига 168 минг 938 киши тарафдор экани, иккинчи вариантини эса 9 минг 642 киши қўллаб-қувватлагани маълум бўлди. Яъни, мактуб йўллаганларнинг 90 фоиздан ортиғи муҳокамага қўйилган Давлат герби эмблемаси лойиҳаларининг биринчи вариантини маъқуллагани аниқланди[2].

Парламент кўпчилик овоз билан биринчи вариантни Ўзбекистон Республикаси Давлат герби эмблемаси сифатида тасдиқлади. 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"[3]ги қонун қабул қилинди.

---

[1] *Қаранг:* Халқ сўзи. 1992 йил 2 апрель.

[2] *Қодиров П.* Ўзбекистон Республикасининг янги давлат герби ҳақида // Халқ сўзи. 1992 йил 2 май.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – В. 204–205; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: "Ўзбекистон", 1991. – Б. 402–403.

Шу билан бир қаторда, Давлат мадҳиясининг шеърий матни ва мусиқасини тайёрлаш учун Олий Кенгаш депутатлари ижодкор зиёлилар билан ҳамкорликда икки ярим йил давомида иш олиб борди. Ушбу давр ичида Давлат мадҳияси шеърий матнининг танловида 60 дан ортиқ шоирлар, мусиқа танловида 30 га яқин композиторлар иштирок этди[1].

Маълумки, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида мустақил давлатнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди ва қабул қилинди. Конституциямизнинг 5-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга", деган конституциявий қоида муҳрлаб қўйилди.

Жаҳон давлатлари эмблемаларининг Конституцияда тасдиқланиши, албатта, моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади:

**биринчидан,** АҚШ, Япония, Швеция, Греция каби бир қатор давлатларнинг Конституцияларига давлат эмблемалари тўғрисида бирор модда киритилмаган;

**иккинчидан,** Россия, Беларусь, Қозоғистон, Грузия сингари давлатларда давлат байроғи, герби ва мадҳияси Конституция ҳамда конституциявий қонунларда мустаҳкамланган;

**учинчидан,** кўпгина давлатлар Конституцияларида давлат эмблемаларининг тавсифи махсус модда билан тасдиқланган. Хусусан, Озарбайжон, Жазоир,

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, Рўйхат – № 6 пр, Сақлаш бирлиги – 7096, – В. 204–206; Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари. Биринчи сессия, 1990 йил 24–31 март: стенографик ҳисобот. – Т.: "Ўзбекистон", 1991. – Б. 403–404.

Германия, Испания, Италия, Туркия, Эстония каби давлатларнинг Конституциялари моддаларида – фақат байроқ; Австрия, Арманистон, Куба, Литва, Молдова, Польша сингари давлатларнинг конституциявий моддаларида эса байроқ ва гербнинг тавсифи берилган;

**тўртинчидан,** шундай Конституциялар ҳам борки, уларда давлат эмблемалари алоҳида бўлим ёки бобларда белгиланади. Мисол учун, Хитой Конституциясининг 4-бўлими, Эрон Конституциясининг 2-боби айни шу мавзуга бағишланган[1].

Ушбу сессия мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу борада ахборот берган атоқли адиб П. Қодиров, жумладан, қуйидагиларни қайд этди: "Давлат мадҳияси Ўзбекистон мустақиллигини маънавий жиҳатдан бутун жаҳон олдида тасдиқ этадиган, халқимизнинг ўзига хос миллий ғурурини ифода қиладиган жуда муҳим омил ҳисобланади... Давлат байроғи ва Давлат гербини тайёрлашда биз бутун ижод соҳаси, тасвирий санъат намояндалари билан иш олиб борган эдик... Бу ҳақда мен газеталардаги мақолаларда айтганман... Мана шу бизнинг изланишларимиз натижасида 3 та вариантдан иборат Давлат мадҳияси сизларнинг бугун муҳокамангизга киритиляпти. Уларни биз газеталарда... радио, телевидениеларда эълон қилдик"[2].

П. Қодиров Давлат мадҳияси вариантларининг магнит лентасига ёзилганини депутатларга қўйиб

---

[1] *Қаранг*: Конституция Грузии; Конституция Казахстана; Конституция Болгарии; Конституция Марокко; Конституция Франции; Конституция Италии; Конституция Ирана; Конституция Венгрии// Конституции мира. Том 1–7. – Т., 1997–2001.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 235–238.

беришдан олдин мадҳия жанрининг умумий мазмун-моҳияти, шунингдек, Давлат мадҳиясига жаҳон миқёсида қўйиладиган талаблар ҳақида тўхталди. "Давлат мадҳияси қўшиқ каби фақат миллий чолғу асбобларидагина ижро этилса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида, масалан, Европа ёки Осиё мамлакатларида уни ижро этадиган чолғу асбоблари топилмай қолиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, давлат мадҳиялари барча мамлакатларда бор бўлган симфоник ва духовой оркестрларда хор иштирокида ижро этилади. Мусиқа шу талабларга мослаб ёзилади... "Чўли ироқ"ни, "Муножот"ни мадҳия қилсак деган таклиф тушди. Лекин бу яхши кўрган, гўзал куйларимизни бошқа мамлакатларда ижро этиб бўлмаслигини ўзларингиз тасаввур эта оласизлар. Албатта, Ўзбекистон Давлат мадҳиясида миллий руҳ, миллий жаранг бўлиши керак... Давлат мадҳияси бизнинг халқимизга хос жозибали, миллий оҳангларни бошқа давлат халқларига ҳам етказиб берадиган умуминсоний савияда ёзилиши зарур", деди П. Қодиров.

Шу ўринда Ҳиндистон, Туркия, Покистон каби бир қатор давлатларда Ўзбекистон Республикаси Президентини кутиб олганларида Мутал Бурҳонов ёзган мадҳия мусиқаси қандай жаранглаганини юртдошларимиз бевосита ёки радио-телевидение орқали кўриб-эшитгани мисол келтирилди.

"Ҳар эшитганимизда дилимизда миллий туйғу уйғонганини сезганмиз, чунки шу Ўзбекистонга хос оҳанглар жуда жаранглайди", деб сўзида давом этди П. Қодиров. "Бундай фазилатлар биз тақдим этаётган ҳар уч мадҳияда ҳам бор. Бахтиёр Алиев мусиқаси, Абдулла Орипов шеъри; Мирпўлат Мирзо шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси ва Абдулла Орипов шеъри... Мутал Бурҳоновнинг ҳаракатдаги мусиқаси. Ҳар учала

вариантда ҳам Ватанга муҳаббат, истиқлолни улуғлаш, келажакка ишонч руҳи янграб турибди... сайловчиларимиз, жамоатчилик вакиллари турли вилоятлардан, туманлардан юборган фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олганмиз. Юзлаб одамлар ўз муносабатларини билдирган"[1].

Раислик қилувчи биринчи бўлиб Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга сўз берди. Абдулла Орипов Давлат мадҳияси шеърий матнининг ўзи ёзган икки вариантини ўқиб эшиттирди.

**Биринчиси,** кўп йиллар "Баҳор" ансамбли учун жозибали миллий куйлар ёзиб, тажриба орттирган композитор, собиқ СССР Давлат мукофоти совриндори Бахтиёр Алиев мусиқасига шеърий матн:

*"Минг йиллар қаъридан келар карвонинг,*
*Ҳақ йўлга бошлайди одил имонинг,*
*Жаҳонда ягона Ўзбекистонсан,*
*Маърифат, истеъдод бўлғай сарбонинг.*

*Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,*
*Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин,*
*Дўстга дўст, бағрикенг, яшнаган диёр,*
*Сенга ҳам тоабад тангри бўлсин ёр.*

*Ватанга посбондир фарзандлар ҳушёр,*
*Истиқлол сен учун мангу барқарор,*
*Инон ўз кучингга, Ўзбекистоним,*
*Қудратли аждодлар руҳи сенга ёр.*

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 238–239.

*Оқар дарёларинг ҳайқириб оқсин,*
*Қуёшдек порлаган бахт кулиб боқсин,*
*Дўстга дўст, бағрикенг, яшнаган диёр,*
*Сенга ҳам тоабад тангри бўлсин ёр"*[1].

**Иккинчиси,** машҳур бастакор Мутал Бурҳоновнинг элга таниш мусиқасига ёзилган мадҳия матни:

*"Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,*
*Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!*
*Яшнагай то абад илму фан, ижод,*
*Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!*

*Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,*
*Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!*
*Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,*
*Оламни маҳлиё айлаган диёр!*

*Бағрикенг ўзбекнинг ўчмас иймони,*
*Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!*
*Истиқлол машъали, тинчлик посбони,*
*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

*Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,*
*Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!*
*Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,*
*Оламни маҳлиё айлаган диёр!"*[2].

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 238–239.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 238–239.

Сўнгра шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Мирпўлат Мирзо ўзининг таниқли бастакор, кўплаб ёш композиторлар танловларининг совриндори Рустам Абдуллаев мусиқасига ёзган шеърий матнини ўқиб берди:

*"Уйғонар чўққилар устида офтоб,*
*Ям-яшил водийга сочиб олтин нур,*
*Ўзбеклар юрти бу – навқирон, озод,*
*Заминда музаффар ўлкасан, мағрур.*
*Қўлларни қўлларга озод ватан учун берайлик,*
*Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик.*
*Сўнмас руҳимизда матонат асло,*
*Туркистон наслимиз меросдир бардош,*
*Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,*
*Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.*
*Қўлларни қўлларга озод ватан учун берайлик,*
*Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик.*
*Бизни тангри қўллар, дунёлар чорлар,*
*Тарк этмас истиқлол энди умрбод,*
*Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,*
*Муқаддас тупроқни этурмиз обод,*
*Қўлларни қўлларга озод ватан учун берайлик,*
*Эллардан элларга ҳур диёр сифатин тарайлик"*[1].

Шундан кейин депутатлар ҳар учала матн вариантини мусиқалари билан бирга тинглайди. Музокараларда Абдулла Орипов шеъри ва Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган Давлат мадҳиясини қабул қилиш борасида аниқ бир тўхтамга келинди. Танловда иштирок этган муқобил мадҳия вариантлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XI сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 7, – В. 240.

муаллифларини ҳам муносиб тақдирлаш тўғрисида келишиб олинди.

Олий Кенгашнинг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси матни ва мусиқаси вариантлари муаллифларини мукофотлаш тўғрисида"ги қарорига[1] мувофиқ, Олий Кенгаш томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифлари 100 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, Давлат мадҳиясининг вариантлари сифатида тақдим этилган матн ва мусиқалар муаллифларидан Мирпўлат Мирзо ва Рустам Абдуллаевга 75 минг сўм, Абдулла Орипов ва Бахтиёр Алиевга эса 50 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти берилди.

Сессия якунида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси депутатлар томонидан биргаликда ижро этилди. Мазкур сессияда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"[2]ги Қонун қабул қилинди.

Олий Кенгашнинг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида"[3]ги Қарорида ушбу Қонун би-

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 214.

[2] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 189–191; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2010 й., 51-сон, 484-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган XI сессияси материаллари (ўн иккинчи чақириқ). Фонд – М-69, Рўйхат – № 1, Сақлаш бирлиги – 10, – В. 238–239.

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрдан қонунда кўзда тутилган ҳамма жойда ижро этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1978 йил 18 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғрисида"[1]ги ва 1985 йил 29 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги фармонлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланди.

Шундай қилиб, бир томондан, давлат рамзлари жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий келишув рамзи бўлса, иккинчи томондан, озод ва обод Ватанни бунёд қилиш ғояси атрофида бутун жамият кучларини бирлаштира оладиган қудратли қуролдир. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг яратилиши жараёнлари эса, шубҳасиз, юртимизда конституциявий мустақилликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлар ҳисобланади.

## Амир Темур сиймоси Абдулла Орипов ижодида

Буюк Соҳибқирон сиймосининг ўзбек адабиётидаги талқини ҳақида сўз борганда, аввалambор, улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур тўғрисида кўплаб фольклор асарлари яратилгани ва эл орасида айтилиб ҳамда куйланиб келинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай намуналарнинг кўплари, афсуски, ўз вақтида ёзиб олинмаган. Оқибатда аксарияти, халқ оғзаки ижоди табиати тақозосига кўра унутилиб кетган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, №9, 134-модда; №12.

Академик Б. Назаров Амир Темур сиймосини бадиий адабиётда акс эттиришнинг уч тамойили мавжуд эканини таъкидлаб, уларни қуйидагича таснифлаган[1]:

**биринчи тамойил** – Темурийлар салтанати ва темурийзодалар ҳукм суриб турган минтақалар адабиётида бу сиймо кўпроқ идеаллаштириб тасвирланган;

**иккинчи тамойил** – Амир Темур ва темурийзодалардан азият кўрган ҳудудлар адабиётида Соҳибқирон шахси маълум даражада бирёқлама ва нохолис – бузғунчи ва босқинчи сифатида акс эттирилган;

**учинчи тамойил** – Темурийлар оёғи етмаган мамлакатлар назарда тутилувчи жаҳон, хусусан, Ғарб адабиётида Амир Темур қиёфасидаги қудрат ва адолатни тасвирлаш хоҳиши кучли бўлган. Аммо бунда айрим тарихий манбалардаги нохолис маълумотлардан фойдаланиш, асл тарихий манбалар етарли бўлмагани, борларининг ҳам таржима қилинмагани, шу боис бадиий тўқимага керагидан ортиқ ўрин бериш, ўзга миллий руҳни акс эттириш санъатидаги етишмовчилик каби ҳолларни ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Бундай ҳолатлар, умуман, ижобий баҳога молик бу йўналишдаги бадиий асарлар туркумида талқин этилган Соҳибқирон қиёфасини ҳам, Б. Назаровнинг фикрича, тўлақонли ва тарихий ҳақиқат жиҳатидан ёрқин дейишга шошилмаслик учун асос беради.

Олим, шунингдек, шўро даври адабиётида Амир Темур сиймосига муносабатда икки тамойил намоён бўлганига эътиборни қаратган[2].

**Биринчиси:** Соҳибқирон тимсолида Ватан мустақиллиги, эрк, озодлик, бирлашиш ғоялари тарғиб этилди. Абдурауф Фитратнинг 1918 йилги "Темур

[1] *Назаров Б.* Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси // "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь. Тошкент. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – Б. 57.

[2] Ўша манба. – Б. 58.

сағанаси" номли асари шу йўналишда яратилган бўлиб, шўро ҳукумати, сиёсати, адабиётчилари томонидан кескин ва шафқатсиз зарбага учраган.

**Иккинчиси:** Амир Темур қиёфаси шўро сиёсатига мослаб, империя манфаатлари нуқтаи назаридан, тарих ҳақиқатига зид равишда, нохолис тасвирланди. Ёзувчи С. Бородиннинг "Самарқанд осмонида юлдузлар" эпопеяси, қозоқ адиби Абиш Кекилбоевнинг "Афсонанинг тугаши" (1974), озарбайжонлик адиб Исо Гусейновнинг "Қиёмат" (1978) романларини ана шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Бундан ташқари, Ойбекнинг "Навоий", Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" китоблари каби собиқ тузум замонида ёзилган яна бир туркум асарлар борки, уларнинг муаллифлари Соҳибқирон сиймосига йўл-йўлакайгина ишора қиладилар. Ишоралар замирида, Б. Назаров таъбири билан айтганда, "Темурга гоҳ хайрихоҳлик ва муҳаббат, гоҳ мафкура таёғидан қўрқиш туфайли уни турткилаш сезилади"[1].

Умуман, шўролар сиёсати Амир Темур сиймосининг ўша давр адабиётида на ижобий, на зиддиятли ва на мураккаб инсон сифатида талқин этилишига йўл қўймаган. Амир Темур шахсини холис ва ҳаққоний ёритишга жазм этган Иброҳим Мўминовнинг рисоласидан рағбатланган Ойбек умрининг сўнгги йилларида Соҳибқирон ҳақидаги достон устида жадал иш бошлагани маълум.

Ойбекнинг ижодхонасида, А. Рустамийнинг ёзишича, "ислоҳ қилинган араб ёзувида битилган 20 саҳифа-

[1] *Қаранг: Назаров Б.* Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси // "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзусидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – Б. 58; *Назаров Бахтиёр.* Фитрат ва Бунин // Тафаккур, 2015, №4. – Б. 64–70.

лик дастхат бўлиб, Ойбек музейида, алоҳида жуздон (папка)да (акт 460) сақланмоқда. Бу дастхатнинг ўн саккиз саҳифасида Руи Гонсалес де Клавихонинг саёҳатномасидан олинган маълумот битилган". Бу Ойбек Амир Темур тарихи учун бирламчи манба бўлган ушбу китобнинг русча нашрида берилган нодир маълумотларни қайд этганидан, демакки, Соҳибқирон ҳақидаги ижодий асар учун материаллар тўплаганидан далолат беради.

Афсуски, олим И. Мўминовга қарши ҳужумлар адиб Ойбекни ҳам умидсизлантириб қўйган. Оқибатда достон поёнига етмай, чала қўлёзма ҳолида қолиб кетган.

Ўша даврда, яъни XX асрнинг 60-йиллари охирларида Асқад Мухтор "Инсонга қуллуқ қиладурман" номли ҳикоясини ёзган. Аммо Амир Темурнинг мураккаб ички дунёсини ёритишга бағишланган бу ажойиб асарни фақат 90-йилларнинг бошидагина чоп этиш имкони туғилди.

Кейинги даврларда ҳам ушбу йўналишдаги эзгу анъаналар давом этди. Хусусан, XX асрда мустабид шўролар тузумининг мафкуравий тазйиқларига қарамай, ўзбек адабиётида Амир Темур ва темурийларга доир бир қатор асарлар яратилди. Бу борада атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Амир Темур ва темурийлар тарихи мавзуидаги илмий-ижодий асарлари алоҳида диққатга лойиқдир. Адибнинг "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Она лочин видоси" романлари, "Тил ва эл", "Амир Темур сиймоси" каби илмий бадиалари миллий адабиётнинг олтин хазинасидан жой олган.

П. Қодировнинг "Амир Темур сиймоси"[1] романи Амир Темур сиймоси ҳақида миллий ва умуминсо-

[1] *Қодиров П.* Амир Темур сиймоси: илмий бадиа. – Т.: "Ўзбекистон", 2007. – Б. 248. *Саидов А.Х.* Амир Темур мавзуси уммондек кенг // Меҳрга йўғрилган ижод: Тўплам. – Т.: 2008. – Б. 91–95.

ний миқёсларда ҳаққоний ва янгича тасаввур беради. Асарда энг нуфузли тарихий манбаларга асосланган илмийлик билан тажрибали, истеъдодли адибнинг бадиий маҳорати уйғунлашиб, бир-бирининг таъсир кучини оширади.

Шу туфайли роман чиндан содир бўлган оламшумул тарихий воқеаларни ва уларнинг бош қаҳрамони – Соҳибқирон шахсиятини қизиқарли сюжет, романбоп тафаккур ёрдамида улуғвор жозиба билан кўрсатади. Адибнинг бошқа бир асари – "Тил ва эл" илмий бадиаси Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммоларига бағишланган. Шунингдек, П. Қодировнинг "Амир Темур сиймоси. Шоҳрух ва Гавҳаршод" асари нашр этилган.

Шоиру адибларимиздан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг **"Соҳибқирон"**[1] номли шеърий достони адабий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, севимли шоиримиз ижодида Амир Темур номи илк марта 1964 йилда ёзила бошланган ва 1970 йилда тугалланган "Ўзбекистон" қасидасида тилга олинади:

*Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,*
*Илғай олмас барчасин кўзим.*
*Мақтамасман мозийни бироқ,*
*Ўтмишингни ўйлайман бир зум.*
*Забтга олиб кенг Осиёни*
*Бир зот чиқди мағрур, давонгир,*
*Икки аср ярим дунёни*
*Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.*

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар: 4 жилдлик. 2-жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 379–482.

*Айтгум, бу кун, у маним, маним,*
*Ўзбекистон – Ватаним маним.*[1]

Истибдод йилларида бундай мисраларнинг эълон қилиниши наинки даргумон, балки хавфли ҳам эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи қуйидагиларни эслайди: "Ватанимга аталган ўша қасидани "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт қўйди... Хуллас, газетада қасидамни чиқаролмадим. У орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саъй-ҳаракатлари билан "Саодат" журналида чоп этилди. Шунда ҳам "жиндай" таҳрир билан – "дейман" сўзи "демам" деб ўзгартирилди. "Буюк жаҳонгир" сўзлари "оқсоқ жаҳонгир" сўзлари билан алмаштирилди".

Ушбу шеърнинг яна бир ўрнида Алишер Навоийнинг жаҳоний даҳо шоир экани шундай қиёслаш орқали очиб берилади:

*Беш асрким, назмий саройни*
*Титратади занжирбанд бир шеър.*
*Темур тиғи етмаган жойни*
*Қалам билан олди Алишер*[2].

Истиқлол йилларида шоир Амир Темур сиймосига баралла мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Абдулла ака 1995 йилда ёзилган "Соҳибқирон" достонидан ташқари Амир Темур сиймосининг турли жиҳат-

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар: 4 жилдлик. 2-жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 178.

[2] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар: 4 жилдлик. 1-жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 179.

ларини очиб берувчи "Темур боғлари", "Темур тоши", "Оқсарой" каби шеърлар ҳам ёзди. Шоирнинг "Темур" шеъри 1993 йилда ёзилган ва кейинчалик "Соҳибқирон" достонига муқаддима сифатида олинган. Шеърда улкан давлат тузган, жаҳоннинг кўркига айланган Самарқанд, Шаҳрисабздек шаҳарларни равнақ топтирган сиймо образи мужассамлашган.

"Соҳибқирон" достони ўзбек адабиётида буюк жаҳонгир сиймоси талқинига бағишланган салмоқли асар бўлди. Мамлакатимиз театрларида муваффақият билан қўйилди. Бинобарин, А. Орипов тарихий воқеаларга асосланиб, "адолат ва дини ислом ҳимояси деб ер юзини фатҳ айлаган, тартиб ўрнатган" буюк сиймонинг образини яратишни мақсад қилган ва бунга муваффақ бўлган. Драма ўзининг замонавий руҳи билан ҳам ажралиб туради.

Шоир "Соҳибқирон" асарини ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганман", дегани бежиз эмас, бунинг замирида катта маъно бор. Соҳибқироннинг шоир тилидан айтилган қуйидаги сўзлари Ватан ва Миллатни асраш учун ўз авлодларига, яъни бизларга, замондошларимизга даъвати васиятдек жаранглайди:

*Буюк давлат барпо этдим,*
*Тангрига шукр,*
*Золимларнинг тааррузли қўлларини мен*
*Мазлумларнинг этагидан юлқиб ташладим.*
*Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,*
*Монеъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.*
*Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,*
*Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг.*
*Орангизга сира-сира тушмасин нифоқ,*
*Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,*
*Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт,*

*Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо*
*Гар адолат поймол бўлса – тоқат қилолмас.*
*Адолат ва озодликни муқаддас билинг.*
*Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,*
*Ҳар кимларнинг қутқусига дафъатан учманг...*
*Тожу тахтни мендек узоқ сақлай десангиз,*
*Қиличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжиҳат.*
*Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,*
*Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг.*[1]

Асарда Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида кечган воқеалар тасвири орқали "Куч – адолатдадир" деган ақидани ўзига шиор қилиб олиб, тарқоқ улусларни бирлаштириб буюк давлат тузган, ҳамма жойда яратувчилик, бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган, лашкарбошиликни ҳарбий санъат даражасига кўтарган сиймо гавдаланади.

Достонда Соҳибқироннинг саркардалик маҳорати билан биргаликда чуқур инсоний фазилатлари, атрофидагиларга, қўшинига бўлган меҳр-муҳаббати, элу юртига севгиси, деярли бутун умри от устида кечиб чеккан заҳматларининг боиси – миллатнинг, Ватаннинг дардларига малҳам бўлгани, ўз улусининг бахт-саодатини ўзининг ҳаловатидан устун қўя билгани, тарқоқ улусни бирлаштириб, адолат билан бошқара олгани тарихан ҳаққоний лавҳаларда очиб берилган.

Академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек, Абдулла Орипов ўз асарида тарихий жанр талабларига изчил амал қилса-да, бадиият ва тахайюл тизгинини эркин қўяди. Амир Темур даҳоси, табиатидаги мураккаблик ва зиддиятлар ҳамда маънавий дунёдаги қудрат асосларини бадиий кўрсатиш бу асар меҳвари-

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар: 4 жилдлик. 1-жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 379–482.

ни ташкил этади. Абдулла Орипов Темур билан Хизр қиёфасидаги Яссавий баҳсида бу икки буюк зотнинг қалб ва қудратга доир ниҳоятда чуқур қарашларини бадиий гавдалантиради ҳамда уларга муносабатдаги ўзининг залворли фалсафий ғояларини илгари суради. Драмада юксак тарихийлик билан баробар замонавийлик руҳи ҳам терандир[1].

Амир Темур сиймоси талқини шоирнинг мақола ва суҳбатларида ҳам чуқур талқин этилган. Бу жиҳатдан "Халқ сўзи" газетасининг 1996 йил 17 октябрь сонидаги Абдулла Ориповнинг **"Улуғ ғоялар улуғ инсонларни вояга етказади"**[2] деб номланган суҳбати, айниқса, эътиборлидир.

Истиқлол Амир Темур ҳақида адабий жанри ва бадиий савияси турлича бўлган кўплаб илмий ва адабий-бадиий асарлар яратилишига кучли туртки берди. Ўтган давр Амир Темур сиймоси тараннум этилган драматик асарларга ҳам бой бўлди.

Албатта, Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан сўз, илмий изланиш ва ижод қилиш эркинликлари конституциявий кафолатлаб қўйилгани, бунинг натижаси ўлароқ бугунги кунда юздан зиёд нашриёт, бир ярим мингдан ортиқ даврий матбуот воситалари фаолият юритаётган шароитда бутун мамлакат миқёсида ҳар куни, ҳар ойда ва ҳар йили Амир Темур ва темурийлар мавзуида эълон қилинаётган китоблар, тўпламлар, рисола ва мақолаларни тўла қамраб олиш жуда мушкул.

Шундай қилиб, ўзбек адабиётида асрлар давомида Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Бу тарихий ва бадиий асарлар Ўз-

[1] *Назаров Б.* Ҳозирги ўзбек адабиётида Амир Темур сиймоси // "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференция тезислари, 1996 йил 23–26 октябрь, Тошкент. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – Б. 61.

[2] "Халқ сўзи" газетаси, 1996, 17 октябрь.

бекистоннинг бой ҳамда шонли тарихи ҳақида ҳозирги ва келажак авлодга қимматли маълумотлар беради, ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни боғловчи кўприк вазифасини бажаради.

Энг муҳими, ўзбек адиблари Амир Темур мавзуси қанчалик залворли экани, уни тадқиқ ва талқин этиш ҳар қандай ижодкор шахсдан катта масъулият, чуқур билим ва салоҳият талаб этишини теран ҳис этади. Мустақиллик йилларида Амир Темур сиймосини яратиш йўлидаги изчил ижодий жараён, айниқа, тубдан янги, юксак босқичга кўтарилди.

Истиқлол йилларида ушбу мавзуда яратилган асарлар, бир томондан, Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришда беқиёс аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан, улуғ Соҳибқирон ворислари – ўзбекистонлик ёшлар қалбида, онгу шуурида ўзликни англаш, шавкатли аждодлар билан фахру ифтихор этиш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, Ўзбекистон халқига ҳурмат-эҳтиром, шонли тарих, саодатли бугунги кунлар ва ёруғ истиқболга ишонч ҳамда шукроналик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Амир Темур ва темурийларга доир янгидан-янги ноёб манбаларнинг кашф этилаётгани, умуман, Ўзбекистонда ва бутун дунёда Соҳибқирон даҳосига эътибор ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани ўзбек адабиёти намояндалари зиммасига янада кўп ва сара асарлар яратиш масъулиятини юклайди. Бинобарин, "жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк шахслар ҳаётини ўрганиш, улар ҳақида асарлар, фильмлар яратиш авлодлар бўйнида турган катта бурчдир, ҳақиқий виждон ишидир. Бу ҳар қанақасига қўллаб-қувватланишга муносиб бир шижоатдир"[1].

[1] *Муҳаммад Али.* Амир Темур чамани. – Т.: "Ўзбекистон", 2006. – Б. 111.

## Абдулла Орипов ва Алигьери Данте [1]

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповни қутлуғ тўйи билан муборакбод этиш баҳонасида улуғ шоиримиз ижоди, аниқроғи, таржимонлик фаолиятининг айрим аҳамиятли қирралари хусусида тўхталгимиз келди.

Маълумки, охирги бир неча ўн йилликлар давомида "Шарқшунослик" деган атама, ана шу атаманинг мазмун-моҳияти тилимизда, онг ва шууримизда чуқур ўзлашиб, муқимлашиб қолган. Шарқшунослик – фанимизда шаклланган муайян илмий йўналиш бўлиб, унинг замирида Шарқнинг тарихи, маданияти, маънавияти, санъати, тили ва бошқа муҳим жиҳатларини ўрганиш, тадқиқ этиш тушунчаси мужассамлашган. Шарқшунослик нафақат ўзимизда, балки Ғарбда ҳам бир неча юз йилликлар мобайнида яхши ривожланиб келмоқда.

Хўш, "Ғарбшунослик" соҳаси-чи? Бу тушунча нимани ифодалайди ва фанимизда бундай атаманинг ўзи борми? Умуман, бу сўзни кундалик тилимизда қанчалик кўп ишлатамиз? Бу саволларга ижобий жавоб топиш мушкул бўлгани учун улар янада қайсар ва мураккаб туюлади кишига.

Айтмоқчимизки, Шарқни ўрганишга нисбатан Ғарб тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганиш жараёни бизда ҳали тўла шаклланиб улгурмаган. Истисно тариқасида Ғарб тилларини ўрганиш соҳасини кўрсатиш жоизки, мустақиллик йилларида бу йўналишнинг аҳамияти янада ошгани, қўлами эса кескин кенгайгани диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, юртимизда Ғарб тарихи, маданияти, адабиёти ва санъатини ўрганиш жараёни суст

[1] *Саидов А.* Абдулла Орипов ва Алигьери Данте // "Маҳалла", 2011 йил 21 март.

кечаётган бир паллада Абдулла Орипов томонидан Европа маданияти ва шеъриятининг энг ёрқин намояндаларидан бири Алигьери Данте қаламига мансуб "Илоҳий комедия"нинг "Дўзах" достонини ўзбек тилига таржима қилишга қўл урилди.

Достон илк марта 1975 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида нашр этилиб, ўзбек китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинди. Бу нодир китоб мухлислар ўртасида шундай қўлма-қўл бўлиб кетдики, бугунги кунда унинг нусхаларини кутубхоналардан ҳам қидириб топиш амримаҳол.

Кези келганда, Ғарбшунослик жабҳаси ривожига атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов Иоган Вольфганг Гётенинг "Фауст" достони таржимаси билан, шунингдек, таниқли олимларимиз Фозила Сулаймонова ва Нажмиддин Комилов ҳам ўзларининг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги адабий таъсир, Шарқу Ғарб ўзаро баҳрамандлиги ҳақидаги илмий-фалсафий асарлари билан улкан ҳисса қўшганини эътироф этиш лозим.

"Илоҳий комедия" асарининг таржимаси мавзусига қайтиб шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ана шу буюк ва қадимий адабий-фалсафий асарни ўзбекчалаштирган атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ўзбек китобхони ва умуман, маданият ва санъатимиз учун Ғарб адабиётининг ўзига хос кашшофи бўлиб қолди.

Маълумки, "Илоҳий комедия" сиймосида, аввало, башарият аҳли жаннат, аъроф, дўзах қандай қурилгани, қандай гуноҳлар учун қанақа жазо олиниши, аъроф ва жаннатга кимлар кириши ва жаннатнинг роҳати қандай эканлиги ҳақида кенг маълумот олиш имкониятига эга бўлди.

Данте даҳоси у ёки бу кўринишда деярли барча динлар учун хос бўлган нариги дунёни шунчалик аниқ

тасвирлаб бердики, таниқли олимамиз Фозила Сулаймонова қайд этганидек, "жаҳон адабиётининг бирор намунаси, ҳатто Шарқ афсоналари, антик дунё мифлари ҳам унга тенг келолмайди". Айни чоғда, Данте мазкур асарида асосий муаммо сифатида инсон ғоясини биринчи ўринга қўяди ва Уйғониш даврида бу муаммо гуманизм номи остида оламшумул ҳаракатнинг мафкурасига айланди.

АҚШ матбуоти томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, буюк даҳо Алигьери Дантенинг 1307–1321 йилар оралиғида ёзилган "Илоҳий комедия" асари охирги минг йил ичида Ғарбда яратилган энг сара ўнта китобнинг биринчиси сифатида эътироф этилган.

Ўтган минг йилликнинг ана шу ўнта китоби қаторида, шунингдек, Фома Аквинскийнинг "Теология кўлами" (1463 й.), Томас Муррнинг "Утопия" (1616 й.), Иммануэл Кантнинг "Соф онг танқиди" (1781 й.), Фридрих Нитшенинг "Зардўшт шундай дейди" (1883–1885 й.), Зигмунд Фрейднинг "Тушлар таъбири" (1900 й.) каби машҳур асарлари юқори ўринларни эгаллаган.

Табиийки, "Илоҳий комедия"ни таржима қилиш осон иш эмас эди. Асарнинг қурилиши жуда мураккаб бўлиб, унда Дантенинг рақамлар сеҳрига алоҳида урғу берганлиги ёрқин кўзга ташланиб туради. Аввало, асар юзта қўшиқдан иборат учта достонни ўз ичига қамраб олади.

Биринчи достонда 34 та, иккинчи ва учинчи достонлар таркибида эса 33 тадан қўшиқ мавжуд. Қўшиқларнинг ҳар бир банди уч сатрдан иборат ва бу учликлар ҳам ўзаро қофияланиб, ҳам мазмунан занжирдай боғланиб келаверади. Бу тартиб қўшиқнинг бошидан охиригача давом этади.

Аммо таржимон юксак маҳорат соҳиби бўлгани туфайли "Илоҳий комедия"нинг ўзбекча матнида асар-

нинг ана шу мукаммал шаклини тўкис сақлаган, сатрларни, ҳаттоки сўзларни аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлатган.

Шунингдек, Абдулла Орипов томонидан асарнинг бадиий шираси, таъсирчан шеърий образлар силсиласи, ранго-ранг бўёқлари, лирик ташбиҳ ва тамсиллар, таъриф ҳамда тасвирлар тўлалигича тикланган. Бу ҳақда профессор Нажмиддин Комиловнинг қуйидаги фикрлари, айниқса, ўринлидир: "Абдулла Орипов мана шу муаззам ва мураккаб бадиий обиданинг биринчи қисмини салобат ва салоҳият билан ижодий қайта яратиб, адабиётимиз хазинасига хазина қўшди".

"Илоҳий комедия"нинг яна бир бадиий нозик жиҳати – унинг муаллиф танлаган ички мусиқаси ҳам ўзига хос салобати ва юксак жаранги билан ўзбекча матнда бешикаст сақлаб қолинган. Буни нафақат адабиётшунос олимларимиз, балки Дантенинг ватандошлари ҳам тасдиқлайди.

Абдулла Орипов 1984 йилги Италия сафари таассуротларига бағишланган "Дантенинг безовта руҳи" номли мақоласида: "Мен уларга (италияликларга – А.С.) "Дўзах"нинг бошланиш қисмидан ўзбекча парча ўқиб бердим. Залдагиларнинг баъзилари итальян тилида жўр бўлишди", деб ёзади.

Дарҳақиқат, "Дўзах"нинг бошланиш қисмидаги:

*Мени қон қақшатган водийдан ошиб,*
*Тоғнинг унгурига етдим ва шу он*
*Юксак тепаликка бордим ёнашиб.*

*Боқдим, сайёралар бўлди намоён.*
*Уларнинг раҳнамо нури басма-бас*
*Порларди тоғларнинг кифтида шоён.*
*Гўё тун қўрқуви бўлганди абас,*

*Даҳшатлардан холи руҳим ҳам, биллоҳ,*
*Олганди анчайин енгил хуш нафас.*

Сатрларни ўқир эканмиз, бу гўзал асар италияликларга ҳам, ўзбекларга ҳам бирдек қадрли адабий обидага айланганини яна бир карра ич-ичдан ҳис этдик.

Бугунги кунда олимларимиз Данте Шарқнинг буюк алломалари Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ибн Рушд асарлари, ислом маърифатидан баҳраманд бўлганлигини, Шарқ халқларининг илму ҳунаридан завқланганлигини таъкидлашмоқда. Аммо биз узоқ йиллар мобайнида бундан бехабар эдик. Ҳаттоки, буюк файласуф В. Гегелнинг "Нур Шарқдан" деган холис эътирофидан ҳам кўп йилларгача мутлақо хабаримиз йўқ эди.

Шу маънода, шубҳасизки, XX асрнинг иккинчи ярмида Абдулла Орипов томонидан "Илоҳий комедия" ўзбек тилига ўгирилишига қадар, бундай асар мавжудлиги-ю, унинг атоқли муаллифи ҳақида ҳам биримиз нимадир билсак, бошқа биримиз ҳеч нарса билмас эдик.

Албатта, Аблулла Орипов нима учун айнан "Илоҳий комедия"дек мураккаб асар таржимасига қўл урди, деган савол туғилиши ҳам табиий. Ажаб эмаски, шоир буюк аждодларимиз ижодидан баҳраманд бўлган италиялик шеърият даҳоси билан ўзининг маънавий дунёси ўртасида қандайдир руҳий ўхшашликни, адабий яқинликни туйган бўлса.

Абдулла Орипов бир шеърида:

*...Уйқашга ўхшайди исмимиз бироз.*
*Бир замон Оллоҳдан сенинг волиданг*
*Тиланиб олибди, мен-чи, садақа,* – дер экан, ўзини "Отелло – у Буюк араб"га қиёслайди, лирик қаҳрамони билан ўрталарида исмдошликдан тортиб, дарддош-

лик ва ҳоказо жиҳатларда ажиб бир ўхшашликларни кашф этади.

Худди шундай, фикримизча, икки даҳо шоирлар – жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бўлмиш буюк "Илоҳий комедия" асарини яратган Алигьери Данте билан унинг бу машҳур асарини катта жасорату юксак маҳорат ила ўзбек тилига таржима қилган Абдулла Ориповни бир-бирларига қиёслаш, икки улуғ ижодкор мансуб бўлган замон ва макон ўртасидаги ҳар қандай фарқлардан қатъи назар, уларнинг шахси, ҳаёт йўли, ижодиёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ўзаро таққослаб кўриш айни муддаодир.

Назаримда, аслида ҳам Алигьери Данте билан Абдулла Ориповнинг ижод ва ҳаёт йўлида ўзига хос, кутилмаган даражада ғаройиб, айни чоғда, ўта табиий ўхшашликлар мавжуд. Биринчи навбатда, улар ўртасидаги энг асосий яқинлик – иккала шоир ҳам фавқулодда ноёб истеъдод соҳиблари экани билан боғлиқки, худо берган ана шу илоҳий неъмат кучи туфайли уларнинг даҳо шеърияти ёши, жинси, дини, миллати, маслаги, касб-коридан қатъи назар, миллионлаб мухлисларнинг доимий эътибори ва эъзозидадир.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари "Насойим ул-муҳаббат" асарида руҳий камолотга етган улуғ инсонлар, албатта, нажиб хислатларга эга бўлишлари мумкинлигини ёзади. Алишер Навоий ана шундай руҳий комил инсонларнинг хислатларини санар экан, жумладан, сирли тушлар кўриш, руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб келиб жисмга кириши каби кароматгўйликлар ҳақида ҳам тўхталган. Агар Алигьери Данте ва Абдулла Орипов шеъриятини синчковлик билан ўргансангиз, уларнинг наз-

мий асарларида ғаройиб тушлар кўриш ҳолатлари ифодаланган мисраларга бот-бот дуч келасиз.

"Илоҳий комедия" эса "руҳнинг жисмдан ажралиб сайр этиши ва қайтиб келиб жисмга кириши" хислати билан боғлиқ таассуротларнинг шеърий ҳосиласи эканлиги дунё олимлари томонидан аллақачон эътироф этилган. Дарвоқе, Ғарбнинг айрим олимлари, хусусан, таниқли эроншунос Э. Блошэ ҳам Дантенинг "нариги дунё"га саёҳатини Зардўшт динидаги тақводор Вираф тушларининг акс садоси, деб ҳисоблар экан, "Илоҳий комедия" ва унинг муаллифи билан Шарқ маданияти ўртасида уйғунлик мавжудлигини кўргандек бўлади.

Олимларимизнинг фикрича, Шарқда Ибн Синогача ва ундан кейин ҳам хаёлий сайр воситасида асар ёзиш анъана бўлган. Бу хулосанинг исботи сифатида Шарқ халқлари орасида араб, форс ва туркий тилларда кенг тарқалган "Меърожнома" асарини мисол келтириш мақсадга мувофиқдир.

Демак, ҳар икки шоир ҳам хаёлий сайр воситасида асар ёзиш хислатига эга. Алигьери Данте ижодий лабораториясига хос бу ноёб хусусият олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган бўлса, Абдулла Ориповнинг хаёлий сайр воситасида яратган асарлари, жумладан, "Илоҳий комедия"нинг ўзбек тилидаги таржимаси, Устознинг муаллифлик асари бўлмиш "Жаннатга йўл" драматик достони, таассуфки, биз юқорида тилга олган сифатлар бўйича ҳалига қадар теран тадқиқ этилмаган.

Алигьери Дантенинг ҳам, Абдулла Ориповнинг ҳам ижодиётида севги, муҳаббат, ошиқлик – ҳақсеварлик, маърифатга шайдоликнинг олий кўриниши

бўлган илоҳий туйғулар фавқулодда эҳтиросли, самимий ва табиий оҳангларда куйланиши билан ҳар икки шоир мухлисларини ўзига бирдек мафтун этади. Айниқса, Алигьери Дантенинг ўз маъшуқаси Беатричега бағишлаб ёзган "Янги ҳаёт" асари билан Абдулла Ориповнинг асосан ёшлик йилларида битилган лирик шеърларини ўзида жамлаган "Юзма-юз" тўпламини оташин муҳаббат девонлари, деб аташ мумкин.

Ҳар иккала шоир ҳам фалсафа, ахлоқ, илоҳиёт, тарих, мантиқ ва турли халқлар адабиётини пухта ўзлаштиргани баробарида, ўзларининг ана шу қомусий билимларидан ижодий асарларининг руҳий қамровини оширишда ҳамда ҳаётийлигини таъминлашда унумли фойдаланади.

Алигьери Данте билан Абдулла Ориповнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам ўзаро уйқашлик яққол кўзга ташланади. Алигьери Данте ўз Ватани – Италиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган. Хусусан, 1300 йилда она шаҳри Флоренциянинг раҳбарлик лавозимига сайланган, яъни ҳукумат таркибида бевосита фаолият кўрсатган.

Ўз навбатида, Абдулла Орипов узоқ йиллар давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашди. Устоз Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси матнининг муаллифи, миллий парламентимиз аъзолари сафида мамлакат мустақиллиги учун овоз берган.

Алигьери Данте билан Абдулла Ориповнинг халқаро муносабатлар жабҳасидаги фаолиятида ҳам ажабланарли яқинлик бор. Алигьери Данте ўз даврида элчилик мақомига эга бўлган. У мамлакатининг элчиси сифатида хорижий давлатлар вакиллари билан турли масалаларга доир дипломатик музокараларда иштирок этган.

Абдулла Орипов эса Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги раҳбари сифатида Бутунжаҳон мулк ташкилоти (ВОИС)нинг Женева шаҳрида ўтказиладиган халқаро анжуманларида мунтазам қатнашиб, Ўзбекистон вакили сифатида муаллифларимиз ҳуқуқларининг муҳофазаси бўйича халқаро доирада музокаралар олиб борган.

Яна бир мисол. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек шоири Абдулла Орипов "Илоҳий комедия"нинг ўзбек тилидаги таржимасини яратиб, Машриқ билан Мағриб ўртасида адабий кўприк қурган. Эътибор ва эътирофга лойиқ жиҳати шундаки, бундан 700 йил илгари яшаб ижод қилган флоренциялик Алигьери Данте ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, Шарқ ва Ғарб маданий уйғунлиги йўлидан борган. Хусусан, Данте яшаган даврда Италияда шаклланган янги шеърий мактаб "Янги ёқимли услуб" деб номланган ҳамда олимларимиз ва хорижий мутахассислар бу шеърий оқимнинг келиб чиқишини бевосита Испаниядаги араб шеърияти таъсири билан боғлайдилар.

Ва ниҳоят, Италия шеъриятида лотин тили ҳукмрон бўлган шароитда Данте она тили – итальян тилида ижод қилган бўлса, Абдулла Орипов ҳам собиқ эски тузум томонидан миллий тилларга кучли зуғум ўтказилган бир шароитда ўз овозининг "икки дарё оралиғида" қолиб кетиш хавфини енгиб, она тилида куйлашдан асло чекинмади.

Уларнинг таваллуд саналари ўртасидаги фарқ 676 йилни ташкил этса, туғилган жойлари орасидаги масофа ҳам юзлаб чақиримдан иборатдир. Макон ва замондан қатъи назар умуминсоний фалсафа ва қадриятлар башарийдир. Айнан ана шу мезонлар бу икки буюк инсонни боғлаб турувчи мустаҳкам камар, десак янглишмаймиз.

Айни чоғда, ҳар икки буюк ижодкор – Алигьери Дантега ҳам, шунингдек, Абдулла Ориповга ҳам баб-баравар хос бўлган инжа ва нодир хусусиятлар, замон ва макондаги ана шу кескин фарқларга қарамай, уларнинг абадият шоҳсупасига юксалишларини таъминлади, ҳар икки даҳони беҳисоб мухлислари учун суюкли ва ардоқли этди.

## "Яхшилар танитар юртнинг номини..."




Қ. Абдураҳмонов, Гўзал Италия, мафтункор диёр. – Т.: "Akademiya", 2009 йил. – 172 б.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг дунёга, дунёнинг Ўзбекистонга эшиклари кенг очилди. Сайёҳ ва тожирлар, устоз ва талабалар, санъаткор ва ҳунармандлар, шоир ва ёзувчилар, олиму фозилларнинг хорижий юртларни кўриб, ўзга эллар билан яқиндан танишиш, турли цивилизациялар, ранг-баранг маданиятлар ютуқларидан баҳраманд бўлиш, шунинг баробарида ўз эл-юрти довруғини жаҳон бўйлаб тараннум этиш имкониятлари юзага келди.

Таниқли иқтисодчи олим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Қаландар Абдураҳмоновнинг **"Гўзал Италия, мафтункор диёр"** номли китоби ана шундай имкониятлар самарасидир. Ушбу китобда муаллифнинг мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳамда Г. В. Плеханов номидаги

Россия иқтисодиёт академияси профессор-ўқитувчилари таркибида (Қ.Абдураҳмонов – 1996 йилдан буён мазкур Академиянинг Тошкент филиали директори), шунингдек, Равенна шаҳрида бўлиб ўтган "Дантехонлик" фестивали иштирокчиси сифатида бир неча бор Италияга қилган сафари хотиралари ва таассуротлари жамланган.

Сафарномада Европа жанубидаги ушбу гўзал диёрнинг ўтмиши ва бугунги куни, таълим тизими, Рим, Милан, Неаполь, Палермо каби йирик ва мафтункор шаҳарлари, қадимий меъморчилик обидалари, шунингдек, итальянларнинг турмуш тарзи, феъл-атвори, маданияти, қуёшли юртимизга қизиқишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

"Данте диёри билан танишув", "Болоньядан бошланган сафар ёхуд Моробини жанобларининг таклифи", "Болоньядаги энг қадимги университет", "Мовий денгизларга саломлар айтиб" номли бобларнинг ҳар бири содда ва равон тилда, китобхонни зериктирмайдиган, аксинча, эътиборини қамраб оладиган, тушунарли ва таъсирчан услубда ёзилган. Китоб саҳифаларидан жой олган ранг-баранг суратлар ҳикояларни мазмунан тўлдиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Энг муҳими, муаллиф сафарда бўлган мамлакатининг ўзига хос жиҳатлари – географик жойлашуви, иқлими ва табиати, ер майдони, аҳоли сони ва таркиби, маъмурий бўлиниши ва давлат тузуми, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ҳақида янги, аниқ ва қизиқарли маълумотларни ҳавола этган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқалари тўғрисида сўз борганда, "Италия Ўзбекистон билан товар айланмаси жиҳатидан

Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Германия ва Буюк Британиядан сўнг учинчи ўринда туради" каби қатъий жумлаларнинг ишончли факт-рақамларга таянган ҳолда баён этилиши ушбу ҳамкор мамлакатга нисбатан китобхон эътибори ва эҳтиромини янада оширади.

Маълумки, Ўзбекистон билан Италия ўртасида наинки савдо-иқтисодий, айни чоғда маданий ва маърифий соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Ҳар икки мамлакат халқларининг тили ва адабиётини ўрганиш, ўқув ва илмий тадқиқот институтлари, олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида ҳамкорлик муттасил равнақ топиб бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатларимизнинг турли шаҳарларида илмий, амалий ва адабий-маърифий тадбирлар, халқаро анжуманлар ўтказиш хайрли анъанага айланди. Италиянинг Равенна шаҳрида бўлиб ўтган ва "Данте Ўзбекистонда" деб номланган "Дантехонлик" фестивали шулар жумласидандир.

Ушбу адабий анжуманнинг ташкил этилиши ва унга айнан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, буюк Дантенинг "Илоҳий комедия" асари таржимони Абдулла Орипов ва Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали директори Қ. Абдураҳмоновнинг таклиф этилгани бежиз эмас, албатта.

Айтиш керакки, XIII асрда Европа маданий тарихида янги саҳифа очган, итальян адабий тилининг асосчиси, Ғарб Уйғониш даврини бошлаб берган буюк итальян шоири Данте Алигьери қаламига мансуб "Илоҳий комедия" асари таниқли шоиримиз Абдулла Орипов томонидан маҳорат билан ўзбек тилига

таржима қилиниб, миллий адабиётимиз жаҳон адабиётининг ана шу мумтоз намунаси билан янада бойитилгани ўзбек-итальян адабий алоқалари ривожини янги, юксак босқичга кўтаришга хизмат қилди.

Ўз навбатида, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали ҳам ушбу адабий алоқалар ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, яқинда юртимизнинг бу нуфузли олий таълим масканида Уйғониш даврининг буюк шоири Данте Алигьери ижодига бағишлаб халқаро анжуман ташкил этилди.

Жаҳон адабиётининг ноёб асари – "Илоҳий комедия"нинг "Дўзах" қисми ўзбек тилида қайта нашрга тайёрланиши ва чоп этилишида ҳам ушбу олий ўқув юртининг катта ҳиссаси бор. Италия заминида ўтган "Данте Ўзбекистонда" фестивалида "Илоҳий комедия" асари ўзбекча нашрининг ноширн сифатида иштирок этган Қ. Абдураҳмонов бу анжуманнинг нақадар самимий ва қизғин руҳда ўтгани ҳақидаги ўз кечинмаларини китобхон билан баҳам кўради.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати – муаллиф Италия сафари давомида ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ўнлаб янги шеърлари дунёга келишининг бевосита гувоҳи бўлади, "сиёҳи қуримаган" мисраларни биринчи бўлиб тинглаган мухлисга айланади. Қ. Абдураҳмонов ана шу бетакрор лаҳзаларни, шоирнинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишув жараёнларини ҳассос бир услубда қоғозга туширган. Китоб саҳифаларида ушбу шеърларнинг тўла матни келтирилган.

Пировардида шуни айтиш жоизки, китобда итальянларнинг Ўзбекистонни яхши билишлари ва мустақил юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш-

ларни бевосита Президентимиз номи билан боғлаб талқин қилишлари ҳақида алоҳида таъкидланади. Жумладан, Эмелия Романья минтақаси маданият вазири А. Сорентинонинг қайд этишича, "бугунги кунда ўзбек халқининг миллий маданияти ва адабиёти дунё маданиятига уйғун ҳолда ривож топаётгани мамлакат раҳбарининг оқилона сиёсати ва юксак эътиборидан далолатдир".

Дарвоқе, бу ҳақли эътироф Абдулла аканинг Италия сафари туркумидан жой олган шеърларида, айниқса, "Харита" шеъридаги: **"Яхшилар танитар юртнинг номини"** сатрида ўзининг янада яққол ифодасини топган.

## "Олисдаги залворли тоғлар..."



Абдураҳмонов Қаландар. Буюклар каҳкашонида: хотира-эссе. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.– 224 б.

Қиш тугаб, баҳор соғинтирган паллада кўклам фасли юртимизга, ҳовлимизга, борингки, кўнглимизга гуллар ва яшиллик оғушидаги Наврўзни етаклаб келгани қандай яхши. Наврўз айёми эса, **"қанча ҳижронли чоғлар"**дан сўнг шоир ва мухлис дийдорлашсин-да, демоқчи бўлгани каби улуғ ўзбек шоирининг, ўз мисраси билан айтганда, **"Олисдаги залворли тоғлар"**дек салобатли, эъзозли, яқин ҳамда қадрдон ёдини эсга солиши билан янада ардоқли.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, ҳассос адиб ва таржимон, атоқли давлат ва жамоат арбоби Абдулла Ориповнинг таваллуд куни арафасида қўлимга ажойиб Наврўз туҳфаси – таниқли олим Қаландар Абдураҳмонов қаламига мансуб **"Буюклар каҳкашонида"** номли китоб етиб келганида, хаёлимдан шундай хушвақт ўйлар кечди.

Китоб муаллифи Қаландар ака – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Шу ўринда машҳур иқтисодчи олимнинг севимли шоиримиз хотирасига эссе ёзишининг замирида қандай омиллар мужассам, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга аниқ-тиниқ жавобларнинг бир қисми китобнинг шундоққина илк саҳифаларида баён этилган, назаримда.

**Биринчидан,** "Иккаламиз ҳам бир диёр – Қашқадарё вилоятиданмиз, туманларимиз – Косон ва Чироқчи бир-биридан олисда эмас. Болалигимиз ҳам овлоқ, тоғ этакларидаги Некуз ва Тўлакўлда ўтган. Ҳатто оталаримиз – Ориф бобо Убайдулло ўғли ва Абдураҳмон Хўжахон ўғлининг ҳам меҳнат фаолиятлари бир хил бўлган – уларнинг ҳар иккиси ҳам жамоа хўжаликларига раҳбарлик қилишган" (5-бет), деб қайд этади муаллиф.

**Иккинчидан,** Қаландар ака сўзбошида: "Мен шеърият ихлосманди сифатида Абдулла Ориповнинг Тошкент давлат университетида таҳсил олаётган пайтдаги илк шеърларидан бошлаб уни бутун дунёга машҳур қилган асарларигача – ҳамма-ҳаммасини қайта-қайта ўқир, улардан илҳомланар, юртдошимнинг бадиий маҳорати тобора юксалиб бораётганидан қалбим қувончга тўлар эди" (10-бет), дейди. Яъни, олим

улуғ шоиримизнинг чинакам мухлиси эканини эътироф этади.

**Учинчидан,** муаллиф: "Шеърият каҳкашонида юлдуздай порлаб турган Абдулла Орипов асарларидан баҳраманд бўлиб, эл-юртимизга у киши каби ҳалол хизмат қилиш ҳаммамизга насиб этсин" (18-бет), деган эзгу тилагини ҳам баён этган. Бу самимий фикрлар, бир томондан, Қаландар ака Абдулла ака билан замондош бўлганидан беҳад фахр-ифтихор этишини билдирса, иккинчи томондан, онгли ҳаётининг эллик йилдан кўпроғини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган устоз аллома навқирон авлод вакилларини бадиий адабиёт ва шеърият мухлиси бўлишга ҳамда буюклар каҳкашонидаги ёрқин юлдузлар бўлмиш даҳоларимизни ҳамиша қадрлаб яшашга даъват этади.

Абдулла Орипов бир шеърида **"Эл қўлласа, азизим, омон бўлсак ажабмас"**, деб ёзган. Чиндан ҳам, шоир она халқимиз ва жонажон юртимизни қандай буюк меҳру садоқат билан куйлаган бўлса, худди шундай зўр муҳаббат билан эл ардоғида яшаб ўтди. Зеро, Абдулла Ориповни, бу зотнинг бой ижодий меросини эл меҳридан, Ўзбекистонимиз тимсолидан айри тасаввур этиб бўлмайди.

**Тўртинчидан,** "Касби-коримиз турлича бўлса ҳам, Абдулла Орипов билан қалин дўст, маслакдош эдик" (5-бет), дейди китоб муаллифи. Бу чин иқрорга қўшимча сифатида Абдулла ака ва Қаландар ака сафардош ҳамроҳлар бўлганини ҳам эслатиш ўринлидир. Чунки халқимизнинг: "Дўст сафарда синалади", деган пурмаъно нақли бор. Бу икки ҳамсафарнинг дўстлиги сафардан-сафарга мустаҳкамланиб борганига гувоҳ бўлганман.

**Ва ниҳоят, бешинчидан,** Қаландар Абдураҳмонов илгари, Абдулла Ориповнинг ҳаётлиги даврида ҳам Устозга бағишлаб китоб ёзган. Мен, албатта, муаллифнинг 2009 йили нашрдан чиққан ва Равенна шаҳрида бўлиб ўтган "Дантехонлик" фестивали иштирокчиси сифатида Италияга сафари таассуротлари жамланган **"Гўзал Италия, мафтункор диёр"** сафарномасини назарда тутаяпман.

Дарвоқе, Қаландар ака янги китобининг "Болоньядан бошланган сафаримиз", "La dotta" ("Олима") – талабалар шаҳри" каби фасларида шу мавзуга атрофлича тўхталган. Энг муҳими, "Данте – Уйғониш даврининг биринчи шоири", "Илоҳий комедия" – инсонпарварлик мадҳияси", "Равеннада Дантенинг ўзбекча лутфи", "Шарқнинг ҳикматларин ортмоқлаб олиб, келаётир Ғарб сари карвон" номли бобларда Ўзбекистон билан Италияни, Абдулла Орипов ва Дантени бир-бирига чамбарчас боғлаб турган сабабу омиллар чуқур таҳлил этилган.

Италияда бўлиб ўтган ва "Данте Ўзбекистонда" деб номланган фестивалга айнан Абдулла Орипов ва Қаландар Абдураҳмонов таклиф этилгани бежиз эмас.

Шунингдек, китобнинг "Умрбоқий истеъдод" фаслида Абдулла Орипов ижоди ҳақида атоқли шоирга замондош бўлган ўзбекистонлик ва хорижлик машҳур адиблар, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг эътирофга йўғрилган дилсўзлари асосида теран мушоҳада юритилган.

"Шоирлик қисматин бирга кўтарганлар" номли фаслда шоҳ асарлари билан ўзбек шеъриятининг бутун бир даврига асос солиб, миллий адабиётимиз саҳифаларига номларини зарҳал ҳарфлар билан би-

тиб кетган икки ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовнинг уйқаш қисмати ҳақида сўз борган.

"Муносиб шогирдлар" фаслида Устоз изидан бориб, миллий шеъриятимизда ўз муносиб ўрнига эга бўлган шоирлар ижоди қаламга олинган бўлса, "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" номли фасл эса Абдулла Орипов она юртимиз – Ўзбекистонни нечоғлик баланд пардаларда ва юксак мақомларда тараннум этгани хусусидадир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз кўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, достон ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида мангу яшайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қаҳрамон шоиримизнинг ҳайкали Қарши шаҳридаги Ўзбекистон кўчасида бунёд этилди ҳамда бу ерда Абдулла Орипов мактаби ва музейи очилди. Буларнинг барчаси ёшлар учун фахр ва ғурур тимсоли, маънавий тарбия манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, академик Қаландар Абдураҳмоновнинг "Буюклар каҳкашонида" китоби содда ва равон тилда, тушунарли ва таъсирчан услубда ёзилган. У замонавий матбаа мезонлари асосида дид билан чоп этилган, улуғ инсонларнинг дил сўзлари ва ранг-баранг суратлар ҳавола этилгани асар моҳиятини мазмунан тўлдиришда алоҳида аҳамият касб этган. Абдулла Орипов ҳаёти ва фаолиятининг муҳим сана-

лари ҳамда атоқли шоир асарлари рўйхати берилгани ҳам диққатни тортади.

Энг асосийси, ушбу китоб улуғ шоиримизнинг таваллуд кунига муносиб хотира-туҳфа, китобхон юртдошларимизга эса Наврўз айёмидан гўзал бир адабий-бадиий мужда бўлибди. Фурсатдан фойдаланиб, муаллифга ва ушбу хайрли амални рўёбга чиқариш учун ҳисса қўшган барча юртдошларимизга миннатдорчилик изҳор этамиз.

*"...агар Италиядаги элчимиз шу мамлакат ишбилармонларининг вакилларини йиғиб, буюк итальян шоири ва мутафаккири Алигьери Дантенинг "Илоҳий комедия" асарини бизнинг улуғ шоиримиз Абдулла Орипов таржима қилганини айтиб, ўзбекча дантехонлик уюштирса, биласизларми, нима бўлади? Уларда Ўзбекистонга ҳурмат, қизиқиш, ҳамкорлик қилишга интилиш пайдо бўладими-йўқми? Мен, ўйлайманки, албатта пайдо бўлади.*

*Мен Абдулла аканинг бир китобида шундай гапларни ўқиганман. У киши Италияга борганида "Ўзбекистондан Дантенинг таржимони келибди", деб турли партияларнинг вакиллари бир жойга тўпланиб, шоиримиз билан суҳбатлашган экан.*

*Ўшанда бир сиёсатчи Абдулла акага:*

*"Ҳурматли меҳмон, биз аслида бир-биримизга ашаддий рақибмиз. Партияларимиз, мафкураларимиз ҳар хил. Бир-биримиз билан доим кескин рақобатдамиз. Лекин мана бугун буюк Дантенинг ҳурмати, Сизнинг шарофатингиз билан бир дастурхон атрофида аҳил-иноқ тўпланиб турибмиз. Сизга катта раҳмат", деган экан.*

*Мана, одамнинг юрагига қандай йўл топиш мумкин! Инсон қалбини, халқ қалбини аввало унинг маданияти, адабиёти ва санъатига, миллий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали забт этиш мумкин"*[1].

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқидан // http://uza.uz/12.01.2018.

* * *

("Илоҳий комедия"дан парча)

*Зулмат манзилида турардим шундоқ,*
*Аввал мафтун этган ўйларни энди*
*Фикру хаёлимдан қувлардим йироқ.*

*Руҳ менга жавобан шундоқ ўтинди:*
*Лутфингдан ҳақгўйлик янграган замон*
*Руҳинг ваҳм-таҳлика ичра бекинди.*

*Ақлга зўр келса қўрқув ва гумон*
*Ярамай қолурмиз ҳеч битта корга,*
*Васвасага тушган жониворсимон.*

*Ваҳму гумонларга тушма бекорга;*
*Тингла, билганимни айлайин баён.*
*Не боис лойиқсан лутф, эътиборга.*

*Куфру савоб аро турган ломакон –*
*Бетимсол бир аёл чорлаб айтди сўз.*
*Адо этажакман ўтинчин, ишон.*

*У аёл нигоҳи бамисли юлдуз.*
*Гўё фариштадай ширин каломи,*
*Шундоқ лутф қилганди – лутфиким лазиз:*

*Шуҳрати дунёни тутган тамоми,*
*О, сен мантуялик покдомон банда,*
*Шонингга келмасин завол айёми.*

*Менинг шўр пешона дўстим шу дамда*
*Зулмат водийсида адашиб бероҳ,*
*Турибди чорасиз, қўрқув, аламда.*

*Шундоқ пайғом келди кўкка баногоҳ;*
*Хавотирим буюк, ўтди деб муддат,*
*Бардош бердими у кулфатга, эвоҳ.*

*Бор унинг қошига, бир чора кўрсат,*
*Гўзал сўзлар ила ё ўзга йўсун*
*Уни халос этсанг тинчлангум фақат.*

# АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ЎЗБЕКОНА "ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ"СИ – АДАБИЙ ЖАСОРАТ

## Буюкликнинг қўш қаноти

Шарқ Уйғониши заминида ҳам, Ғарб Ренессанси заминида ҳам улуғ бир кашфиёт – инсон қадр-қимматининг, шахс сифатидаги моҳияти қайта тикланиши туради, десак хато бўлмас. Шарқда бу улуғвор кашфиёт Форобий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Мирзо Бедил, Алишер Навоийлар номи билан боғланган бўлса, Ғарбда Данте Алигьери, Леонардо да Винчи, Пико делла Мирандола, Кампанелла, Томас Мор, Шекспир, Сервантес каби сиймолар ижодида акс этди. Улар янги, гуманистик нуқтаи назардан Инсон ва унинг салоҳиятига баҳо бериб, Инсон мартабасини юқори мақомга кўтардилар[1]. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг инсон, шахс борасидаги фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўртасида ажиб бир уйғунликни кузатиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, Уйғониш даврида инсон табиат ичра ва табиат инсон ичра кашф этилган[2].

"Илоҳий комедия" "Дўзах" қисмининг тўртинчи қўшиғида Данте Вергилий ҳамроҳлигида қадимги дунё донишмандлари ва қаҳрамонлари билан учраш-

[1] Қаранг: *Саидов У.* Шарқ ва Ғарб: мутафаккирлар туташган манзиллар. – Т., 2009. – Б. 27.

[2] Ўша жой, – Б. 28.

ганлиги тасвирланган. Улар орасида **"янги ғояларни тарғиб этган"** шарқлик мутафаккирлар **Ибн Сино** ва **Ибн Рушд** номлари ҳам тилга олинган:

*Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,*
*Гиппократ, ибн Сино, ибн Рушд пайдо –*
*Янги ғояларни тарғиб этган чин*[1].

Дантенинг биргина "Илоҳий комедия"си эмас, бошқа асарларида ҳам Шарқ илм-фани, маданияти ва адабий анъаналарига мурожаатлар яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам улуғ немис адиби **Йоҳанн Волфганг Гёте "Данте бизга буюк бўлиб кўринади, аммо унинг ортида неча асрларнинг маданияти ётибди"**[2] деб кўрсатган.

**Ҳақиқатан ҳам, фикримизча,** Дантени илм-фан ва фалсафада, адабиётда буюклик чўққисига кўтарган қўш қанот Шарқ маънавияти, руҳиятининг Ғарб маданияти анъаналари билан уйғунлашишидир.

Маълумки, Шарқда X–XV асрлар давомида жуда катта маданий юксалиш, яъни Шарқ Уйғониши кузатилган. **Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий** каби буюк алломалар, қомусий билим соҳибларининг асарлари Европага кенг тарқалган ва ушбу қитъада Уйғониш даври илм-фани ва маданияти юксалишига жуда катта таъсир кўрсатган.

Европаликлар Дамашқ, Қоҳира, Искандария каби шаҳарлардаги илм масканларида таҳсил олганлар. Узоқ вақт мобайнида Араб халифалиги таркибига

[1] *Данте Алигьери.* Илоҳий комедия. Дўзах / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 34.

[2] *Эккерман П.А.* Разговоры с Гёте в последние годы жизни. – М. – Л.: Академия, 1934. – С. 318.

кирган Испаниянинг кўпгина музофотларида Шарқ илм-фани ва маданиятининг таъсири, айниқса, кучли бўлган. Испан қироллари араб тилини мукаммал билганлар, бу юрт зиёлилари шарқона таълим олганлар, Шарқ урф-одатларига амал қилганлар.

Йирик шарқшунос мутахассис Адам Мецнинг аниқлашича, Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият ғоят тараққий этганлигини улар кутубхоналарида тўпланган китоблар сонидан ҳам билиш мумкин. Бу юртларда давлат кутубхоналаридан ташқари шахсий кутубхоналарда ҳам жуда кўп адабиётлар тўпланган. Хусусан, Қурдоба ҳокими Ал-Ҳаким кутубхонасидан ўрин олган адабиётлар рўйхатининг ўзи 44 жилдни ташкил этган. Халифа Ал-Азиз шахсий кутубхонасида 120 минг жилд китоб сақланган.

Айни пайтда IX асрда Франциянинг Констанца шаҳри кутубхонасида 356 жилд, XI–XII асрларда Бенедиктбеуренд шаҳридаги кутубхонада 100 дона, Бамберддаги ибодатхонада 96 дона китоб бўлган, холос. Улар ҳам асосан диний адабиётлардан иборат бўлган[1].

*Гётенинг устози* ***Г. Гердер*** *ҳам Шарқ маданиятининг Европага таъсирига юқори баҳо берган:* ***"Ўша пайтда, жаҳолат чангалидаги Европанинг кўпгина қисмида араблар*** (Г. Гердер мусулмон Шарқида яратилган маданиятни араблар маданияти деб ҳисоблаган, ҳолбуки Шарқ, илм-фани ва маданиятини равнақ топтиришга Марказий Осиё алломалари ҳам ***улкан ҳисса қўшганлар*** *– А.С.)* илм чироғини ёқдилар. Европалик бирорта халқ ёзувни ўзи кашф этган эмас: испанлар ёзуви ҳам, Шимолий Орами ёзуви ҳам Осиёдан олинган; Шимолий, Ғарбий ва Шарқий Европа маданияти юнон-рим-араб уруғидан униб чиққандир"[2].

[1] *Мец А.* Мусульманский Ренессанс. – М.: "Наука", 1996. – С. 146.

[2] *Гердер Г.* Идеи к философии истории человечества. – М.: "Наука", 1977. – С. 773.

Ғарбда XII асрда Шарқда яратилган илмий адабиётларни лотин тилига таржима қилиш кенг авж олган. Кейинчалик бу асарлар испан, француз ва бошқа тилларга ўгирилган. **Жумладан, Италиядаги Болонья шаҳри ҳам ўша давр таржимачилигининг йирик марказларидан бири бўлган.** Бу ерда алоҳида таржима мактаблари ҳам шаклланган. Уларда араб тилида битилган китобларни Европа тилларига ағдариш кўп йиллар давомида олиб борилган.

Натижада ғарбликлар шарқликлардан нафақат ёзувни, балки аниқ фанлар, ҳарбий санъат, денгизда сузиш, деҳқончилик қилиш, чорвачилик илмларини ҳам эгаллаганлар. Европаликлар тасвирий санъат ва меъморчилик, шеъриятда ҳам шарқликларга шогирд ҳисобланишган. Бунинг исботи сифатида яна Г. Гердердан иқтибос келтириш керак бўлади: **"Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табиат сирларини очмоққа калит тутқаздилар... Физиканинг барча бўлимларини ана шу калит ёрдамида очдилар ва бу калит асрлар давомида қўлланиб келинмоқда"[1].**

**Антик давр файласуфлари асарларининг Европада тарқалишида ҳам Шарқ алломаларининг хизматлари улуғдир.** Бу жараён ҳақида йирик дантешунос олим И.Н. Голенищев-Кутузов шундай деб ёзган: "X–XII асрларда Яқин Шарқ Ғарбий Европага фақат Аристотель, Птолемей, Гален асарларига шарҳларнигина эмас, балки араб ва араб-европа олимларининг аслиятдаги илмий асарларини ҳам берди. Бағдодда Аббосийлар саройида, Қурдобада Уммавийлар ва Алмовийлар саройларида VII–XII асрларда Ўрта Осиёдан чиққан ажойиб мусулмон математиклари ва мутафаккирларининг мактаблари равнақ топди. Шундай

[1] *Гердер Г.* Идеи к философии истории человечество – М.: "Наука", 1977. –С. 476.

қилиб, Самарқанддан то Толедогача маданият тараққиёти бир йўналишда борди. То XII асргача Европа юнон-араб маданиятининг узоқ, чет ўлкаси бўлган"[1].

Юнон файласуфларининг китоблари аввал арабчага, кейин эса, Ғарб тилларига таржима қилинган. Данте ўзининг шоҳ асарида қайд этган **Ибн Сино, Ибн Рушд ҳамда Форобий Аристотелнинг Шарқдаги издошлари ҳисобланган.**

**Ўрта асрларда Европада шакллана бошлаган фалсафа бевосита Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушд номлари билан боғлиқ бўлган.** Абу Али ибн Синонинг тиббиётга бағишланган асарлари Европада мислсиз шуҳрат қозонганлиги сабабли унинг фалсафий китоблари ҳам бу қитъада кенг оммалашган. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдлар буюк юнон файласуфи Аристотель асарларининг аслиятдаги нусхалари таржимасини амалга оширганлар, уларга илмий шарҳлар ёзганлар. Бу таржималар Италияда ҳам кенг тарқалган.

Европада Уйғониш даврининг буюк намояндалари **Леонардо да Винчи, Микеланжело, Везалий** ва бошқалар Абу Али ибн Сино асарларини мутолаа қилиб, унинг асарларидан иқтибослар келтирибгина қолмасдан, ўз таълимотларида Шарқнинг бу буюк мутафаккири ғояларига суянганлар.

Марказий Осиё файласуфлари Ўрта асрларда Европада ҳукм сурган диний хурофотлар, ақидаларнинг моҳиятини очиб берганлар, одамларда янгича дунёқараш шаклланишига улкан ҳисса қўшганлар. Буюк немис файласуфи **Гегель** уларнинг Аристотель фалсафасини Европага тарқатишдаги улкан хизматларини эътироф этган: **"Ғарб христианлари орасида фан инқирозга учрагач, Аристотель юлдузи Шарқ**

[1] *Голенищев-Кутузов И.Н.* Творчество Данте и мировая литература. – М.: "Наука", 1971. – С. 60.

**халқлари орасида янги шуъла сочиб порлади. Кейинчалик улар Ғарбни Аристотель фалсафаси билан ёритдилар... Фан ва билимлар, айниқса, фалсафа Ғарбга араблардан ўтган"[1].**

Шарқ маданиятининг Ғарбга таъсирини чуқур таҳлил этган таниқли профессор Нажмиддин Комиловнинг хулоса чиқаришича, Европа халқлари XI–XV асрларда Шарқ халқлари орқали:

**биринчидан,** антик дунё илм-фани, қадимги Шарқ маданияти ютуқларини;

**иккинчидан,** Ўрта Осиё, Эрон ва Арабистонда етишиб чиққан буюк мутафаккирлар таълимоти, кашфиёти, илмий тажрибалари ҳосиласини;

**учинчидан,** Шарқ халқлари адабиётида олға сурилган ғоялар, қўлланилган усул, услуб ва оҳангларни ўзлаштириб олди. Бир сўз билан айтганда, **Ғарб маданий ҳаётда Шарқнинг меросхўри бўлиб майдонга чиқди[2].**

Тадқиқотчилар Данте юнон тилини билмаганлигини, у антик давр асарларини арабчадан таржима қилинган китоблардан ўқиб ўрганганлигини таъкидлашган. **Аҳмад Фарғонийнинг "Китоб ал-ҳаракат ас самовий ва жавомъе илм ан-нужум" ("Само ҳаракатлари ва юлдузлар илмининг жамъи китоби")** астрономик тадқиқотлари Ўрта асрларда Европада ғоят машҳур бўлган. Бу алломанинг **"Асосий астрономик унсурлар"** рисоласи ҳам Ғарб олимлари томонидан ниҳоятда юқори баҳоланган.

Данте ўзининг **"Базм"** асарида Аҳмад Фарғонийнинг бу илмий ишларидан иқтибослар келтирган, унинг маълумотлари кўпгина бошқа астрономларникига қараганда тўғри эканлигини айтади. Шоир "Базм" асарида Зуҳро билан ер ўртасидаги энг қисқа масофа

1 *Гегель.* Философия истории. – М. – Л.: 1935. – С. 174, 339.

2 *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари. – Т.: "Маънавият", 1999. – Б. 63.

ер радиусининг 167 баробарига тенг, деб келтирган рақамлар Аҳмад Фарғоний келтирган ҳисобнинг айнан ўзидир[1]. Ёки: "Базм"да **"Зуҳро уни ҳаракатга келтирувчиларнинг саховати туфайли бизнинг руҳимизга ва бошқа хислатларимизга ҳокимлик қилади"** деб қайд қилинганлиги Аҳмад Фарғонийнинг сайёраларнинг ҳаракати инсон иқтидори ва фаолияти билан боғлиқлиги хусусидаги таълимотининг инъикосидир.

**Аҳмад Фарғоний**нинг асарида "Аторуд қуёшга яқин бўлганидан нурга кўпроқ кўмилади. Шу боисдан уни кўриш қийин"[2], деб қайд қилинган бўлса, бу фикр **Данте**нинг "Базм"ида "Аторуднинг иккинчи хислати шуки, у бошқа юлдузлардан кўра қуёш нурига кўпроқ чўмилади" тарзида келтирилган.

Шунингдек, Аҳмад Фарғоний асарларида келтирилган сайёраларнинг ҳаракати, юлдузлар миқдорига оид маълумотлар "Базм"да ҳам ўз аксини топган. "Базм"да: "Хушсаодат Беатриче ўзини таништиргунча Зуҳро икки марта юз кўрсатишга улгуради". Аҳмад Фарғонийнинг "Китоб ал-ҳаракат"ида: "Зуҳро ўз доираси атрофини 1168 кеча-кундузда ёки уч йилу икки ойда айланиб чиқади".

"Илоҳий комедия"да тасвирланган сайёра ва юлдузлар, уларнинг ҳаракати ва хусусиятлари, масофа ўлчовлари Аҳмад Фарғоний асарларидан олинган.

**Данте Абу Али ибн Сино ва Ибн Рушдни ўзининг устозлари деб билган, улар таълимотини ўрганган, "Базм" асарида уларга тафаккур байрами тўридан жой ажратган.** XII асрда Қурдобада яшаган Ибн Рушд (Европада у лотинчалаштирилган **Аверроэс** исми билан ниҳоятда машҳур бўлган,) Абу Али ибн Сино-

[1] *Голенищев-Кутузов И.Н.* Творчество Данте и мировая литература. – М.: "Наука", 1971. – С. 151.

[2] *Аҳмад Фарғоний.* Китоб ал-ҳаракат, Қоҳира нашри. – Б. 19.

нинг энг истеъдодли шогирдларидан ҳисобланган, устози фалсафасининг дунёвий йўналишларини янада чуқурлаштириш билан бир қаторда уларнинг курашчанлик руҳини кучайтирган. XIII аср ўрталарига келиб Ибн Рушднинг асарлари Европадаги барча тилларга таржима қилинган. Ҳозирги вақтда ҳам Европа кутубхоналарида Ибн Рушднинг Михаил Скотт томонидан таржима қилинган икки мингдан ортиқ қўлёзмалари сақланмоқда. Ғарб файласуфлари томонидан ғоят юқори баҳоланган Ибн Рушднинг оламнинг моддийлиги ва абадийлиги тўғрисидаги таълимоти бу фанда **аверроизм оқимига** асос солган.

Ўрта асрларда Италия сиёсий ва маънавий ҳаётига Шарқ таъсири, хусусан, Ибн Рушд таълимоти, яъни аверроизм таъсири катта бўлган. Болонх ва Падза шаҳарлари, айниқса, университетлари итальян аверроизм марказига айланган.

Агар Данте Шарқ фани, олимлари, Ибн Рушдга юқори баҳо берган бўлса, итальян Уйғониш даврининг йирик шоири Петрарка Рим папасининг фаол тарафдори бўлиб, Ибн Рушд таълимотига мутлақ қарши чиққан. Петрарка аверроизмга қарши 1370 йилда "Ўзим ҳақимда ва кўплаб авомлар ҳақида" номли махсус рисола ҳам ёзган. Шунга қарамай, Италияда аверроизм фалсафий-ғоявий ва сиёсий оқим сифатида кенг тарқалган ва катта таъсирга эга бўлган.

**И.Н. Голенишев-Кутузовнинг эътироф этишича,** "Базм"да баён этилган объектив идеализм араб фалсафасига, биринчи навбатда Ибн Сино билан Ибн Рушд таълимотига асосланади"[1]. **Ибн Сино ўзининг** "Донишнома" **асарида** қайд **этишича,** "Бутун дунё – бир жисмдир", **бу олам – ягона вужудни Ақли кулл бошқаради.**

[1] *Голенищев-Кутузов И.Н.* Творчество Данте и мировая литература. – М.: "Наука", 1971. – С. 33.

Ана шу фикр Дантенинг "Илоҳий комедия"сида ўз ифодасини топган: "Осмон жисмлари ягона, қудратли шуъланинг ҳар хил даражада товланиб туришидир, – дейди Беатриче асарнинг "Жаннат" қисмида, – марказдан бирин-кетин узатилган нур жисмларни ҳаракатга келтиради. Руҳ инсон танасига ёйилгани каби ақли ҳам нур шаклида олам жисмларига таралиб, эзгулик, файз тарқатади".

Шарқ маданиятининг Ғарбга таъсири **"1001 кеча"**, бошқа ривоятларнинг Европада қизиқарли саргузаштлар тўғрисида насрий асарлар жуда оммалашишида ҳам яққол сезилади. Айни пайтда Европа лирикасининг энг таъсирчан оқими – **трубадурлар шеърияти,** кўпгина тадқиқотчилар хулосаларига кўра, **Шарқ адабиётига ўзига хос тақлиддир.** Ғарблик шоирлар ўз асарларида биргина Шарқ шеъриятининг шакллари, оҳанглари, тасвирий воситаларидангина эмас, севгига садоқат, фидойи севги ғояларини ҳам ўзлаштирганлар.

**Бу ўринда француз адабиётшуноси ва шоири Анри Делюининг хулосаси диққатга сазовордир:** "Ўрта Осиёнинг шеърий анъаналари араб шарқи, кейинчалик араб-андалуз ва галиция-португал шеърияти орқали Ғарбий Европа цивилизациясининг бешиги бўлган Провансга етиб келди, уни трубадурлар ривожлантирди, бойитди ва кейинчалик ғазал Каталония, Сицилия, Бургундия ва ундан кейин Германия, Бавария, Австриядаги шоирлар ижодида намоён бўлди... Италиядаги "Янги ёқимли усул" ғазал асосида шаклланди. Данте шеъриятининг Европа шеъриятига таъсири кўп асрлар давом этган буюк Тоскано-провансаль шеъриятини айтмайсизми"[1].

[1] *Привалов И.* Узбекские газели до Прованса, Богемии // "Литературная газета", 1991. 12 июня, № 23.

Машҳур олима **Фозила Сулаймонова** жуда асосли равишда: "Прованс шоирлари трубадур ёки трувер деб аталадилар. Улар асарларининг асосий мазмунини маҳбубанинг гўзаллиги, олий инсоний хусусиятлари, лекин ошиққа нисбатан шафқатсизлиги, ошиқ шоирнинг дард-аламлари, садоқати, дўстлик ғоялари ташкил этади... Кузатишлар натижасида Прованс рицар муҳаббати, ишқий шеърияти Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишқ" таъсири остида шаклланган, деган хулосага келдим"[1], деб кўрсатган.

**Данте** ўз **асарларида муҳаббатни мадҳ қилар экан, Ибн Синонинг руҳ таълимотига таянади.** Буюк Шарқ мутафаккири ўзининг **"Рисола фи-л-ишқ"** асарида ишқнинг икки тури – ёшлар ва гўзаллар ишқи ҳамда илоҳий ишқ мавжудлигини таъкидлаган. Бу Шарқ ва Ғарб адабиётида ишқий шеърият учун ўзига хос таълимотга, маҳбуба гўзаллиги ва латофатини мадҳ этиш – асосий мавзуга айланган. Хусусан, немис олими **Г. Лейнинг** гувоҳлик беришича, **"Ишқ тушунчаси Ибн Синонинг "Рисола фи-л-ишқ" таъсирида шаклланган. Ишқни руҳий ва жисмоний турларга ажратиш ҳам Ибн Сино таъсири остида бошланган"[2].**

Инсон руҳи, олимнинг таъкидлашича, муҳаббат воситаси билан камол топади, инсон ўсиш жараёнида балоғатга етади. Мутафаккир инсонни камолотга етиштирувчи бирдан-бир куч муҳаббат деб ҳисоблаган. **Муҳаббат инсон руҳини эзгуликка етаклайди.** Ибн Сино таърифида **эзгулик – Мутлақ ҳақиқат, Ақли кулл, коинот, табиат ва инсон ҳақидаги билим, маънавий етуклик, инсоний бурч, руҳий покликдир.**

---

[1] *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб. – Т.: "Ўзбекистон", 1997. – Б. 8.

[2] *Лей Г.* Очерки истории. – М.: "Наука", 1959. – С. 322.

"Илоҳий комедия" асарида ҳам инсон, унинг бахт-саодати, камоли учун кураш тасвирланган. "Аъроф"нинг ўн еттинчи қўшиғида шундай дейилган:

*Бундан маълум бўлдики, ишқ –*
*Таҳсинга сазовор самаралару*
*Жазога мустаҳиқ гуноҳлар сарчашмасидир.*

Ана шу сатрлар буюк Алишер Навоийнинг "Фавоийд ул-кибар"даги қуйидаги мисраларига ҳамоҳанг:

*Чин бағридин сўрдум, айтур: андин ўт тушти манга*
*Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати.*

*Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки, кўздиндур гунаҳ,*
*Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг туҳмати.*

**Данте Шарқ мутафаккирлари таълимоти асосида муҳаббатни ахлоқ доирасидаги тушунча деб талқин этган.** Шу билан бир қаторда, "Илоҳий комедия"да муҳаббат олийҳимматлилик, олийжаноблик манбаи эканлиги, у инсонни гўзаллик, эзгулик сарчашмаларидан баҳраманд қилиши жозибали ифодаланган. Шунинг учун ҳам бу асарнинг "Жаннат" қисмида шоир аввал муҳаббат дарёсида чўмилади, кейин ишқ нури уни ўз оғушига олади. Ана шу олий сурур "Жаннат"нинг йигирма еттинчи қўшиғида ниҳоятда тантанавор акс этган:

*О, қувонч! Эй, ифодалаб бўлмас сурур,*
*Эй, ҳамма ерда зоҳир Ишқ,*
*беминнат фароғат бўлган ҳаёт,*
*О, саховат ила сақланган ишқ ганжинаси!*

Бу ўринда профессор Нажмиддин Комилов жуда асосли таъкидлаб ўтганидек, "Муҳаббатга умумжаҳоний мазмундаги ягона куч деб қараш Шарқ файласуф-

лари орасида Ибн Синода, Ғарбда эса, Данте ижодидагина мавжуддир"[1].

Шарқ халқлари ўртасида жуда машҳур **"Меърожнома"да** Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг осмону фалакка кўтарилиб, дўзаху жаннатни айланиб чиққанлиги, гуноҳкорларнинг чекаётган азоблари, пок инсонларнинг жаннат неъматларидан баҳраманд бўлишлари тасвирлари "Илоҳий комедия"га жуда ўхшаш.

Данте, ҳеч шубҳасиз, Ғарб адабиётининг буюк намояндасидир. У ўз асарларида Ватани, умуман, христиан адабиёти анъаналарига содиқ қолган. Даҳо ижоди билан уларни янада бойитган. Шу билан бирга, улуғ шоирнинг Шарқ фалсафаси ва адабиётидан ижодий фойдаланганлиги асарлари мазмуни ва мундарижасига катта ижобий таъсир кўрсатган. Дантенинг ижодидаги Ибн Синога мурожаатининг мантиқий давомини Умар Хайём ва Шекспир[2], Румий ва Гегель, Ҳофиз ва Гёте ижодларидаги ўзаро алоқадорликда ҳам яққол кўриш мумкин.

## Абдулла Орипов: Данте менга қадрдон ва таниш инсон

Таржимоннинг эътироф этишича, Дантенинг "Илоҳий комедия"сида дўзах дарвозасига **"Эй банда, бу ерга умидларингни ташлаб кир"**[3] деб ёзиб қўйилганлиги қайд этилади. Абдулла Ориповнинг фикрича, бу айнан таржимонга тегишлидир. Яъни, таржимон ҳам бу ишга жаҳаннамий меҳнатни бўйнига олиб киришмоғи шарт. У "Илоҳий комедия"нинг биринчи китоби – "Дўзах"ни жуда катта қийинчилик, айни пайтда

[1] *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари. – Т.: "Маънавият", 1999. –Б. 109.

[2] *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари. – Т.: "Маънавият", 1999. – Б. 198–201.

[3] Данте А. Илоҳий комедия / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси – Т., 2007.

жуда катта мароқ билан таржима қилишга киришган. Таржимадан озми-кўпми сабоқ олган. Ана шу ижодий жараён натижасида Абдулла Ориповнинг **"Жаннатга йўл"**[1] драматик достони ҳам яратилган.

Абдулла Орипов суҳбатларидан бирида: "Данте "Илоҳий комедия"да ҳаётни шундай тадқиқ этганки, уни таржима қилаётганда унинг шоир эканлиги эсимдан чиқиб кетиб, мен билан фикрдош эканига суянганман", – деган эди[2].

Бу фикр замирида чуқур маъно бор. Зеро, ҳаётни бадиий тадқиқ этишдаги услубий яқинлик таржима муваффақиятини белгилашдан ташқари, умуман, ўзбек адиби ижодий тақдирига кучли таъсир кўрсатган. Шу даврдан бошлаб Абдулла Орипов шеъриятида матнга ботиний маънони жо этиш маҳорати ошган.

Шу билан бирга, замонавий дунё муаммоларини "нариги дунё" ҳодисалари орқали акс эттириш усули Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достонини яратишига туртки бўлган дейиш ҳам мумкин. Шуниси эътиборлики, "Жаннатга йўл" ёзилган даврда адабиётга мафкуравий талаб ғоят кучайган эди. Лекин шоир ўзини бу мутеликдан анча озод ва эркин тута олган. Натижада Дантенинг бадиий маҳорати Абдулла Ориповга бошқа шакл ва усулларда баён этиш имконияти бўлмаган дардларни, давр ва тузумга муносабатдаги бир қанча кескин ижтимоий муаммоларни шеърий талқин қилиш имконини берган. Шунингдек, "Жаннатга йўл" достонида шоир умуминсоний маънавий қадриятларни куйлаш замирида ўз даври ва халқининг миллий ғояларини ҳам тараннум этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дин қатағон бўлиб турган замонда дўзаху жаннатга бағишлан-

[1] *Орипов А.* Жаннатга йўл / / Орипов А.

[2] *Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарофиддинов О.* XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: "Ўқитувчи", 1999. – Б. 462.

ган драматик достон яратишнинг ўзи катта жасорат бўлган. Абдулла Орипов бу асарида инсонпарварлик ғояларини илгари сурган. Инсонга яхшилик қилиш, фақирнинг оғирини енгиллатиш, адолатсизликка қарши фидойиларча курашиш натижасида қўлга киритилган савобларгина дўзах ёки жаннатга йўл очиб берадиган Тарозибон талабларига жавоб бериши мумкин. Шоир, айниқса, савоб тасодифий ишнинг натижаси бўлмаслиги кераклиги, у виждоний вазифанинг амалга ошиши тарзида доимий рўй берган тақдирдагина, ўз моҳиятини ифода этишига урғу берган.

"Жаннатга йўл" достонида талқин этилишича, ер юзида иймонсизлик, инсофсизлик, бебурдлик ва виждонсизликдан ёмонроқ нарса йўқ. Чунки барча қабоҳатлар ана шулардан келиб чиқади. Бу асар бош қаҳрамони – Йигитнинг сўзларида ўз ифодасини топган:

*Мен дўзахдан минг маротаба даҳшатли бўлган,*
*Ҳодисалар ва кунларни кўрганман аввал.*
*Мен шайтондан минг маротаба даҳшатли бўлган*
*Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.*
*Лекин, айтинг, қаёқда у олий ҳақиқат?*
*Кетаётиб фақат шуни билмоқ истайман*[1].

Йигит ҳаёт чоғида ҳеч кимга ёмонлик қилмаган бўлса-да, унинг гуноҳлари оз эмас. Достонда тасвирланишича, у шоир, илоҳий дил эгаси бўла туриб, одамларнинг дардига малҳам бўла олмаган. Само шуълалари, гул, оҳуга шеър битиш билан вақт ўтказган. Бироқ Йигит гуноҳларининг сабаблари ҳам бор. "Мени таламаган нокас қолмаган", – дейди Йигит "у дунёдаги" Чол билан суҳбатда. Абдулла Орипов Йигитнинг шу ва

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 337–338.

шу сингари фикрлари замирига ўзининг ва халқининг чуқур дардларини, ижтимоий муаммоларини сингдиришга интилган.

Мустабид тузум даврида "Жаннатга йўл" достонининг нашр этилиши ҳам осон бўлмаган. Бунда атоқли ношир Ислом Шоғуломовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бевосита унинг ташаббуси ҳамда бутун масъулиятни зиммасига олиши туфайлигина "Жаннатга йўл" "Муштум" кутубхонаси муҳри билан алоҳида китобча ҳолида нашр этилган. Кейинчалик истеъдодли режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов "Жаннатга йўл"ни Ўш давлат театрида саҳналаштирган[1].

"Жаннатга йўл" рус тилига ҳам таржима қилинган ва нашр этилган. Абдулла Орипов "Илоҳий комедия"нинг "Дўзах" қисмидан кейин "Аъроф"нинг тўққизта қўшиғини ҳам таржима қилган[2]. Адабиёт ихлосмандларининг Данте шоҳ асарининг қолган қисмлари таржимаси қачон тугатилиши тўғрисидаги саволига Абдулла Ориповнинг ўзи шундай деган:

"Дантенинг "Илоҳий комедия"сини бир киришгандаёқ таржима қилиб тугатиш мумкин бўлмаган иш. Бу, ўйлайманки, виждонан ишлайдиган таржимонга ҳеч қачон тўғри келмайди. Мумкин эмас. Дантенинг "Илоҳий комедия"сидек буюк, мухтасар асарни бир ўтириб, кетма-кет ишлаб, бошдан-оёқ таржима қилиб чиқиб кетиш учун одам боласи эмас, балки қандайдир бир бошқа мавжудот бўлиши керак. Бунга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Бунинг учун маълум бир танаффус бўлмаса – бу эзиб ташлайди одамни. Шунинг учун ҳам менинг дўстларимдан бири Ўлжас Сулаймонов: "Қизиқ, Абдуллажон, Данте таржимонларидан бирортаси ҳам

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 145.

[2] *Данте Алигьери.* Илоҳий комедия. Аъроф / Русчадан Абдулла Орипов таржимаси. – Т., 2008.

таржимадан тирик чиқмаган, мен ҳисоблаб чиққанман", деган эди. Ирим қилган эмасман-у, мен жуда ўйлаб қолганман шунда. Масалан, мана, озарбайжонлик таржимон Али оға Қурчайли таржима қилган. У ҳам дунёдан ўтиб кетди. Қозоқлардан Маҳамаджон Мацатоев – у ҳам дунёдан ўтиб кетди... Буларни шу таржима ўлдириб юборди демайман. Лекин бунинг тагида бошқа бир маъно борки, бу асарнинг улуғлигини, оғирлигини рўйирост, дилдан, қалбдан ҳис қилиш керак. Бу асар ўзига шунчаки енгил муносабатда бўлишни кўтармайди. Унга киши ўзини тамомила бағишлаши, унинг ичига кириб кетиши керак. "Дўзах"ни таржима қилган кезларим тушларимда қўлимда кетмон билан одамларнинг суякларини қазиб юрардим. Бундай туш кўриш, кетмон билан қабрларни кавлаб, каллалар, суяклар билан гаплашиб чиқиш кимга ёқади дейсиз"[1].

**Абдулла Орипов таржима жараёнида Данте буткул борлиғи, ҳаёти, фикри, тафаккурига сингиб кетганлигини айтади.** "Мен ҳозир Дантенинг феъли қандай бўлган, нимани яхши кўрган, нимани ёмон кўрган – шуларни бир даражада тасаввур қила оламан, – деб қайд этади таржимон. – Агар ҳозир бир мўъжиза бўлса-ю, у киши билан гаплашишга тўғри келиб қолса, худди у кишининг укасидай ёки бир фарзандидай қийналмасдан, бемалол гаплашиб кетган бўлар эдим. У кишининг характерларини биламан, нимани яхши кўриши, нимани ёқтирмаслиги, кайфиятлари қанақа бўлишини, бир кунда неча ҳолатга тушишларини, ўтмишга, тарихга, келажакка, замондошларга муносабатларини ёки бугунги воқеа-ҳодисаларга қандай мурожаат қилишларини, муносабат билдиришларини тасаввур қиламан. У менга қадрдон, таниш одамимга айланган"[2].

[1] *Орипов Абдулла.* Адолат кўзгуси. – Т.: "Адолат", 2005. – Б. 137.
[2] *Орипов Абдулла.* Адолат кўзгуси. – Т.: "Адолат", 2005. – Б. 138.

## Тошкент ва Равеннадаги дантехонликлар

Бутун коинотнинг фуқароси Данте дафн этилган Италиянинг Равенна шаҳрида ҳар йили анъанавий **"Дантехонлик байрами"** халқаро фестивали ўтказиб келинади. 2008 йилнинг сентябрь ойида буюк итальян шоири хотирасига бағишланган 14-халқаро фестивалга Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда адабиёт ихлосманди, Данте асарларини Ўзбекистонда тарғибот қилишга катта улуш қўшаётган профессор, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали ректори Қаландар Абдураҳмонов расман таклиф қилиндилар.

Абдулла Орипов байрамга Дантенинг "Илоҳий комедия"си таржимони сифатида ташриф буюрган бўлса, Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали Италиянинг Болонья университети билан имзоланган маданий ва илмий ҳамкорлик дастури иштирокчиси ҳисобланади. Мазкур ҳамкорлик дастури доирасида бу икки таълим муассасаси ўртасида ўзаро профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда ўқув технологиялари ва таълим тажрибаси алмашинуви йўлга қўйилган.

**Болонья университети Европада энг қадимий таълим масканларидан саналади. У салкам тўққиз асрлик тарихга эга.** Яъни у Данте ҳаётлик пайтида ҳам фаолият олиб борган. **Данте айнан Болонья университетида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таълим олган.** Ана шу ўзаро ҳамкорлик доирасида Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиалида Данте ижодига бағишланган анжуманлар ўтказиб туриш анъанага айланган.

Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали раҳбари, профессор Қаландар Абдураҳмонов маданиятни ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси, ижод аҳлини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва халқаро маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Россия Федерацияси Президентининг Фармони билан Пушкин номидаги олтин медаль билан тақдирланган.

Бу ўринда, энг аввало, 2008 йилнинг февраль ойида Россия иқтисодиёт академияси Тошкент филиали ташаббуси билан Уйғониш даврининг буюк шоири Дантенинг "Илоҳий комедия" асарининг Абдулла Орипов томонидан қайта кўриб чиқилган янги варианти чоп этилгани ва кенг жамоатчилик иштирокида тақдимоти ўтказилганлигини қайд қилиш лозим[1].

**"Данте ва Ўзбекистон"** мавзусидаги бу анжуманда таниқли олимлар, дипломатик корпус ҳамда мамлакатимиздаги Италия, Россия элчихоналари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда профессор Нажмиддин Комилов Дантенинг фалсафий қарашлари, Данте ва Алишер Навоий ижодининг ўзаро ҳамоҳанглиги ҳақида маъруза қилди. "Илоҳий комедия" таржимони Абдулла Орипов бу шоҳ асарни она тилимизга ўгириш, умуман, Данте ижодининг умумбашарий аҳамияти ҳақида гапириб берди. Талабалар томонидан "Илоҳий комедия" асаридан парчалар ўзбек, итальян, рус, инглиз ва француз тилларида ўқилди, асардан театрлаштирилган лавҳалар намойиш қилинди.

Ўзбекистонда дантехонлик байрамининг уюштирилиши Италия давлати расмий доиралари, илм-фан,

[1] Дантехонлик анжумани // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2008 йил, 8 февраль.

санъат ва адабиёт намояндалари, жамоатчилик вакиллари томонидан юксак баҳоланиб келинмоқда. Жумладан, Болонья университетининг ректори **Уго Консалларенинг** Данте ижодиётининг Ўзбекистондаги мухлисларига йўллаган қутловида қуйидаги сатрлар битилган: **"Биз учун Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия"си бўйича дантехонликнинг илк бор айнан Ўзбекистонда – бой маданий меросга эга, Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний каби жаҳон фан ва маданияти намояндалари, улуғ мутафаккирлар, алломалар ватанида ўтказилиши кўнгилга фавқулодда хуш ёқувчи хабар бўлди.**

Шоҳ асарлари билан жаҳон адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган Алишер Навоий каби Данте Алигьери ҳам монументал эпик асари – "Илоҳий комедия"нинг муаллифи сифатида умумжаҳон адабиётидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда "Илоҳий комедия" кенг доирадаги ўзбек китобхонларига тақдим этилиши Италия жамоатчилигининг бир вакили сифатида менинг қалбимни чексиз ифтихорга чулғайди"[1].

Италияда 2008 йил сентябрь ойидаги 14-анъанавий халқаро фестиваль **"Данте Ўзбекистонда"** шиори остида ўтказилди. Равенна шаҳри кўчалари бу галги дантехонлик байрами Ўзбекистонга бағишланганлигидан хабар берувчи шиорлар билан безатилди. Бу тадбирга бағишланиб кўплаб босма нашрлар, хусусан, "Илоҳий комедия"нинг ўзбек тилидаги таржимаси китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

Халқаро фестивалда Дантенинг ижодий меросини ўрганувчи италиялик, америкалик ва бошқа хорижий

[1] Дантехонлик анжумани // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2008, 8 февраль.

давлатлардан келган ёзувчилар, шоирлар, филолог олимлар ва ижодкорлар қатнашдилар.

Фестиваль очилишидан аввал ўзбекистонлик вакилларни Равенна шаҳри мэри доктор Кассана қабул қилиб, мамлакатимиз маданияти, маънавияти, адабиётининг бой тарихи, Шарқда Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарсозлигининг Ғарбдаги Рим меъморчилик маданияти билан ҳамоҳанг эканлиги, Ўзбекистон делегациясини нафақат Равенна шаҳри, балки бутун Италия шарафлаётганлигини, бу фестиваль ҳар иккала мамлакат маданий алоқаларининг ўзаро ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Фестиваль дастури Италиянинг буюк шоири Дантенинг "Илоҳий комедия" асари ўзбек тилига таржимасининг тақдимоти билан бошланди. Америка Қўшма Штатларининг Жеймс Мэдисон номидаги университети профессори Алесандро Жентейли ўз нутқида "Илоҳий комедия"нинг ўзбек тилига таржима қилиниши халқимизнинг юксак маънавият ва маданияти тимсоли эканлиги ҳақида гапирди. У "Мен гарчи ўзбек тилини тушунмасам-да, таржима билан танишиб чиқиб, бу тилнинг ниҳоятда бой жилосини, таржимоннинг маҳоратини ҳис этдим", дейди.

**Равенна шаҳар Маданий алоқалар марказининг директори Вальтер делла Моника** Ўзбекистонда дантехонлик байрами ўтказилаётганлиги, Данте ижоди ёшлар томонидан кенг миқёсда ўрганилаётганидан хабардор эканлигини қайд этди. "Бу бежиз эмас, – деди у, – Ўзбекистон бой маданий меросга эга, у Абу Али ибн Сино, Форобий, Беруний каби жаҳон фан ва маданиятининг буюк намояндалари, улуғ мутафаккирлар, алломалар ватанидир,

Ўзбекистон халқи мағрурланса бўладиган шоҳ асарлари билан жаҳон адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган. Алишер Навоий каби Данте Алигьери ҳам монументал эпик асар – "Илоҳий комедия"нинг муаллифи сифатида умумжаҳон адабиётидан ўрин олган. Бу достоннинг машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниши ҳамда "Илоҳий комедия" кенг доирадаги ўзбек китобхонларига тақдим этилишидан Италия жамоатчилигининг бир вакили сифатида менинг қалбим чексиз ифтихорга тўлди".

**Эмелия Романья минтақаси маданият вазири А. Сорентино** ҳам "Илоҳий комедия"ни ўз она тилига таржима қилган халқ юксак ҳурматга сазовор эканлигига урғу берди. Вазир ўзбек халқининг миллий маданияти ва адабиёти юксаклигини, Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти билан интеграцияси амалдаги оқилона сиёсат ва юксак эътибордан далолат беришини таъкидлади.

Фестиваль дастурига кўра орган садолари остида "Илоҳий комедия"нинг "Дўзах" қисмидан тўртинчи қўшиқ итальян тилида янгради. Шундан сўнг бевосита шу қўшиқ Абдулла Орипов томонидан ўзбек тилида ўқиб берилди.

Фестивалнинг Ўзбекистонга бағишланган тадбирлари Равенна шаҳри телевидениеси ва радиоси орқали тўғридан-тўғри тўлиқ намойиш этилди ва эшиттирилди. Тадбир ўтказилган бино (Данте даврида қурилган тарихий Собор)да қоида бўйича қарсаклар чалиниши тақиқланган бўлишига қарамасдан, фестиваль қатнашчилари Ўзбекистон давлатига, унинг халқи ва раҳбарига бўлган юксак эҳтиромини яшира олмадилар ва ғайриқонуний ҳолда

бўлса ҳам улар тинимсиз қарсаклар билан олқишладилар[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Данте ижоди анча вақтдан бери ўрганиб келинмоқда. Бу йўналишда таниқли адабиётшунослар **Фозила Сулаймонова** ва **Нажмиддин Комилов**ларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш керак. Фозила Сулаймонова 1997 йилда чоп этилган **"Шарқ ва Ғарб"** монографиясида, жумладан, Шарқ маданияти ва Данте ҳақида жуда қимматли маълумотларни келтирган[2].

Профессор Нажмиддин Комиловнинг 1983 йилда нашр этилган "Ибн Сино ва Данте" китоби адабиётшунослик соҳасида ўзига хос кашфиёт бўлди[3]. У миллий адабиётшунослигимизда биринчи бўлиб Дантенинг "Илоҳий комедия"сини Аҳмад Фарғоний, Форобий, ибн Сино, ибн Рушд асарлари билан ҳар томонлама қиёсий ўрганиб чиқди. Энг эътиборлиси, мазкур тадқиқотда Данте ижодиёти ғоя ва мазмунлари, шакл ва усулларининг шарқий манбалари залворли далиллар асосида исботлаб берилди, Нажмиддин Комиловнинг 1999 йилда нашр этилган "Тафаккур карвонлари" китобининг алоҳида бир боби Данте ижоди ва унинг шарқий манбаларига бағишланган[4]. Олим Шарқнинг улкан маданияти умумбашарий цивилизациясига улкан ҳисса қўшганлигини Данте асарлари мисолида тадқиқ этган. Айниқса, "Илоҳий комедия"га шарқона руҳ ва анъаналар моҳирона сингдириб юборилганлиги ҳар томонлама таҳлил этилган. Жумладан, Данте асарларида Аҳмад Фарғоний илмий асарларидан

[1] *Абдуллаев М.* Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд // "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2008 йил, 19 сентябрь.

[2] *Сулаймонова Ф.* Шарқ ва Ғарб.

[3] *Комилов Н.* Ибн Сино ва Данте.

[4] *Комилов Н.* Тафаккур карвонлари.

иқтибослар келтирилганлиги, буюк италиялик шоир фалсафий мулоҳазаларда ибн Сино қарашларига таянганлиги ва жуда кўп бошқа далиллар келтирилган. Н. Комиловнинг ҳаққоний равишда хулоса чиқаришича, **шарқликлар Европанинг кўпгина қисмида илм чироғини ёққанлар, Данте асарлари ҳам Машриқ ва Мағриб қони билан суғорилган.**



*Ўзбекнинг шоири*



*Ижоднинг сурурли онлари*



*Бобо ва буви ардоғида*



*Буюклар каҳкашонида: ўнгда атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов, сўлда – машҳур ўзбек адиби Одил Ёқубов*



*Шеъриятимизнинг қўш юлдузлари*



*Дийдор*




*Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари:*
*Халқ шоири Абдулла Орипов ва ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов*
*сайловчилар билан учрашув пайтида*




*Зиёлилар даврасида*




*Устоз Абдулла Орипов ва шогирди Ғулом Мирзо*



*Сиёҳи қуримаган шеър*




*Бобо ва набира:*
*Ислом Илҳом ўғли*



*"Авлодларга ёзаман мактуб"*



*"Ўзбекистон – дилбар Ватаним"*



*Умр боғида...*

**Абдулла ОРИПОВ**

## МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

*Мен нечун севаман Ўзбекистонни,*
*Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.*
*Нечун ватан, дея еру осмонин,*
*Муқаддас атайман, атайман танҳо.*

*Аслида дунёда танҳо нима бор?*
*Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?*
*Ёки қуёшими севгимга сабаб?*
*Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.*

*Мен нечун севаман Ўзбекистонни,*
*Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман.*
*Нечун ардоқларкан тупроғини мен,*
*Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!*

*Аслида тупроқни одил табиат*
*Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.*
*Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,*
*О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?*

*Мен нечун севаман Ўзбекистонни?*
*Сабабини айтгин, десалар менга.*
*Шоирона, гўзал сўзлардан олдин*
*Мен таъзим қиламан она халқимга.*

*Халқим, тарих ҳукми сени агарда,*
*Мангу музликларга элтган бўлсайди,*
*Қорликларни макон этган бўлсайдинг,*
*Меҳрим бермасмидим ўша музларга?*

*Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,*
*Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо*
*Юртим, сени фақат бойликларинг-чун*
*Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!*

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ДАНТЕШУНОСЛИГИ

## Данте – юрист

Данте Алигьери 1265 йили 21 май – 20 июнь оралиғида дунёга келган. Тўлиқ исми – Дуранте. Аммо тақдир уни Данте номи билан бутун дунёга машҳур қилган.

У буюк шоир ва олим, буюк сиёсатчи ва дипломат, айни пайтда яна кўплаб илмлар билимдони. Коинот фуқароси номига сазовор бўлган Данте Алигьери нодир ва мангу боқий асарлари билан инсоният маънавий хазинасига улкан ва бебаҳо ҳисса қўшган жаҳон адабиётининг даҳосидир.

Флоренция Дантени ўзининг биринчи буюк фуқароси деб атаган. Биргина бу шаҳар эмас, курраи заминимиз, ҳатто чексиз Коинот ҳам уни ўз фуқароси деб аташдан фахрланиши шубҳасиз. Бу инсон ўзи ким бўлган?

**Данте Алигьери (Dante Alighieri)** – бир вақтнинг ўзида буюк олим ва буюк шоир, буюк сиёсатчи ва дипломат. Шу билан бирга, файласуф, ҳуқуқшунос, руҳшунос, тарихчи, математик, мантиқчи, физик, астроном, кимёгар, биолог, психолог ва яна бир қанча фанларнинг билимдони.

Данте ижодида фан ва шеъриятни омухта қилиб, ўзидан аввалги бирор даврнинг қўлидан келмаган

ишнинг уддасидан чиққан: яъни, **илк бор яхлит дунё образини яратган.**

**"Данте юрист сифатида"** – бу баҳссиз мавзу эмас. Дантенинг бадиий ва фалсафий дунёқараши беҳисоб илмий ишларда батафсил таҳлил ва талқин этилган, унинг жаҳон маданиятидаги роли аниқ-равшан деган тасаввур устувор, бироқ биз жуда мукаммал кўп жилдли адабиёт тарихини мутолаа қилар эканмиз, атиги бир неча сатрлар орқали Дантенинг Ўрта асрлар етакчи нуқтаи назарини акс эттирган давлат ва ҳуқуқ тўғрисида ўз таълимоти, яъни фалсафаси бўлганлигини, юриспруденция тарихига мурожаат этганимизда эса, ҳуқуқшуносларнинг ғояларини бадиий тилда ифода этган шоир сифатида буюклигини билиб оламиз. Дантенинг Ўрта асрлар ҳуқуқшунослигининг тасвирчиси сифатидаги роли кейинги юз йилликлар давомида унинг ҳуқуқшунослар тафаккурига кўрсатган таъсирига у қадар мос тушмайди. Биз юриспруденция тарихида Дантега "жой бермасдан" кўп нарса йўқотаётганимиз йўқми?! Ҳар ҳолда, асосий масала ва тадқиқот мавзусини, яъни "Данте – юрист" номини асослашда жуда аниқлик талаб этилади.

**"Данте – ҳуқуқшунос"** шоирнинг адабий буюклиги сояси панасида қолиб кетган ёки аввалги даврлар ғоя ва манбалари билан чегараланиб қолган. Буни истисно этиш учун изланишлар соҳасининг устувор йўналишларини аниқлаб олиш керак.

Дантенинг энг кўҳна Болонья ҳуқуқ мактабида олган ҳуқуқий билимлари унинг аксарият асарларида яққол кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам, Дантенинг умумий маданияти тасвирига қўшимча чизгилар қўшиш учун унинг юриспруденция соҳасидаги чуқур билимларини ҳам акс эттириш керак. У бутун умри давомида дин ва давлат, ахлоқ ва ҳуқуқ масалаларини жиддий ўрганган ва биз бунга шоирнинг асарлари-

да ўз ифодасини топган жуда машаққатли ҳаёт йўли билан узвий боғлиқ бўлган ва буни акс эттирадиган унинг ички камолоти пиллапоялари таҳлили орқали аниқлик киритишимиз мумкин бўлади. Биз ихтиёримизда бўлган асарларидан ҳаққонийлиги билан ажралиб турмайдиган таржима ҳолига оид маълумотларга аниқлик киритадиган ва умумий манзарани кенгайтирадиган асосий саналарни топа оламиз.

Дантенинг ҳаётига оид маълумотларнинг аксарияти унинг ўз асарларида, шунингдек **Ж. Бокаччо, Бенвенуто, Л. Бруно** каби адибларнинг буюк замондошлари таржимаи ҳоли ҳақидаги муайян даражада ривоятлаштирилган манбаларда келтирилади. Данте **"Янги ҳаёт"** ("Vita Nuova") ва **"Базм"** ("Convivio")да ўз ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни рамз ва шамалар билан шунчалик чирмаб ташлаганки, сирли рақамлар, хаёлий тасаввурлар жумбоқларининг тагига етиш жуда мушкул. Дантега бағишланган адабиёт сон-саноқсиз эканлиги ва муттасил кўпайиб бораётганлигига қарамасдан вақт ўтиши билан унинг таржимаи ҳолига тааллуқли маълумотлар камаймоқда: янги фактлар топилмаяпти, дастлабки дантешунослар буюк адиб ҳаёти ҳақида келтирган маълумотлар жиддий танқид остига олинмоқда.

Умуман олганда, буюк итальян шоири Данте ҳаёти тўғрисида жуда кам далилий ва ашёвий маълумотлар сақланиб қолган. Айрим йилларда у қаерда, нима билан машғул бўлганлиги аниқ маълум эмас. Афсуски, бизгача Дантенинг ўз қўли билан ёзиб қолдирган бирор сатри етиб келмаган.

Данте биргина шеъриятдан сабоқ олиш билан чегараланмаган. Барча бадавлат, айниқса, дворян оилаларнинг болалари каби Данте расм чизиш ва мусиқани ҳам ўрганган. Лекин бу санъат турлари унинг учун шеърият каби қадрли бўлмаган. Дантенинг ўзи ҳикоя

қилишича, у Беатриче вафот этганининг бир йиллигида ўз маҳбубаси сиймосини жонлантириш мақсадида ҳурлиқо суратини чизган. Расм чизиш, мусиқа асбобларида куй чалиш уни рассом ҳам, мусиқачи ҳам қилмаган бўлса-да, келгуси ижодига ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. **"Илоҳий комедия"** сатрларида тез-тез кўзга ташланадиган бадиий бўёқлар – ҳар бир рангнинг энг нозик жилваларини фарқлай олиш, уйғунлик ҳиссиёти унинг ёшлик пайтидаги машғулотлари маҳсули бўлган.

"Илоҳий комедия"нинг "Дўзах" достонини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек тилига таржима қилган ва бу асар алоҳида китоб шаклида нашр этилиб, ўзбек китобхонлари ҳукмига ҳавола қилинган.

Агар **"Илоҳий комедия"** Ўрта асрлар юриспруденциясида фақат ваъдалар ва лойиҳалар тарзида мавжуд бўлган давлат – ҳуқуқий воқеликнинг моҳият жиҳатидан янги ғоясини яратган ўзига хос синтез вазифасини ўтаганлигини кўрсата олсак, мазкур китоб олдига қўйилган вазифа бажарилган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Данте христиан ва Шарқ мутафаккирларининг кўпгина фикрларини мужассамлаштирганига шубҳа қилмаса бўлади. Шоирнинг айрим ғоялари Уйғониш даври ва Янги даврдан ўзиб кетганлиги ҳам шубҳасиздир. Лекин биз Дантега сиёсий-ҳуқуқий ғоялар умумжаҳон занжирининг бир ҳалқаси сифатида қараймаган бўлсак, у бевосита юриспруденция учун нима қилганлигини пайқамай қолишимиз мумкин. Буни истисно этишимиз учун – қанчалик таажжубланарли бўлмасин – асосий диққат-эътиборни Дантенинг барча асарларига эмас, балки жаҳонда дантеча тарихий-бадиий ва сиёсий-ҳуқуқий тасаввурни мужассамлаштирган "Илоҳий комедия"га қаратиш керак. Бунда

эса, ўз навбатида, "Илоҳий комедия"га устуворлик берилишини қисқача асослаш талаб этилади. Биз жаҳон адабиётининг зиммасига муайян тарихий даврнинг ҳуқуқий онги ва дунёқарашини шакллантириш жараёнида алоҳида роль юкланишидан хабардормиз. Гомер, Шекспир, Гёте, Ф. Достоевскийнинг асарлари – жаҳон ҳуқуқий маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Баъзан бундай ижод намуналари муайян ҳуқуқий давр ривожининг хотимаси сифатида пайдо бўлади, баъзан улар назарий хулосалар чиқаришга замин тайёрлаб, эртароқ яратилади. Аммо бундай ҳолларда ушбу асарларга юриспруденция тарихида узоқ умр ато этиладиган қандайдир хусусиятлар мавжуддир. Шу сабабли ҳуқуқий давр, ўз адабий инъикоси чуқур идрок этилмасдан, тўлақонли намоён бўлмайди.

Бундай хусусиятларга китобнинг муқаддимасида эмас, балки хотимасида аниқлик киритиш ўринли бўлар эди, бироқ даставвал ҳам қисқача изоҳ бериш лозим: юриспруденция ва адабиёт учун шундай умумий соҳа борки, унда бадиий идрок, турли воситалар жалб этилганлигига қарамасдан, бир нарса билан машғул – бу рамзлар ҳаётидир. Уни, эҳтимол, яхлит – адабиёт ва юриспруденция, образ ва тушунча бир-бирига қарама-қарши бўлган жараён сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда айрим даҳо асарлар – улар орасида "Илоҳий комедия" ҳам – асрлар ўтиши билан сўнмаган қудратли тафаккур зиёси манбаси вазифасини ўташи тушунарлироқдир. Гап шундаки, ҳуқуқ тарихчилари ўз тадқиқот мақсадларига аниқлик киритар эканлар, руҳий ҳиссиётлар мажмуасидан "ғоя"ни ажратиб олишдан иборат одатий усулга амал қиладилар. Кўп ҳолларда бунинг натижасида ривоятда ҳам, адабиётда ҳам, ахлоқий хатти-ҳаракатларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўладиган ҳодисаларга алоқаси бўлмаган ожиз тасаввурлар туғилади.

"Илоҳий комедия"нинг ўзига хослиги шундаки, у тескари жараённи намоён қилади: XIII аср охирида (ёки Италияда 1200 йилларни "дученто" деб аташганидек) қотиб қоладиган мавҳум чизмалар Данте томонидан ўзини маданият сифатида англай бошлаган бирламчи оқимига қайтарилган ва дафъатан ўз кучи манбасини топиб, сирли пардасини кўтарган.

"Илоҳий комедия" Дантенинг энг йирик шоҳ асари ва унинг адабий ижоди чўққисидир. У уч қисм ("Дўзах", "Аъроф", "Жаннат") ва 14 233 шеърий мисрани мужассамлаштирган юзта қўшиқдан иборат. "Илоҳий комедия" Ўрта асрларнинг Европа маданиятини ривожлантиришга салмоқли таъсир кўрсатган шеърий қомусдир. У Ўрта асрлар маданиятининг ўзига хос синтези сифатида бу давр учун якунловчи асар ҳам ҳисобланади.

Дантенинг ҳуқуқий дунёқарашини идрок этишга яқинлашиш учун уч шартга риоя этиш талаб этилади, деган фикрдамиз.

**Биринчидан,** Данте маъно ва мақсадини ифода этишга ҳаракат қилган давр умумжаҳон тарихий занжирида фақат ҳалқагина бўлиб қолмасдан, ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос кўринишини, яъни мумтоз рим ҳуқуқи рецензиясини илгари сурган деб ҳисоблаш лозим.

**Иккинчидан,** "Илоҳий комедия"га ноёб бадиий-ҳуқуқий ва фалсафий тафаккур синтези сифатида алоҳида эътибор қаратиш керак.

**Учинчидан,** биз Дантенинг ҳуқуқий тафаккурини яхлит ва тўла тасаввур этишимиз, яъни, биз "замонавийлик"га киритишни хоҳлаганларни эмас, балки унинг ўзи бизга таклиф этаётганини қабул қилишимиз зарур.

Бунда, агар биз қайта идрок этиш вазифаларидан четлашсак ҳам, шоир ижодини янгича англаш муқар-

рардир. Биз Данте асарларининг матнига олти юз йил давомида тўпланиб қолган, лекин инсониятнинг XXI аср тарихий тажрибасига дахлдор бўлган, уни талқин этишнинг беҳисоб мисолларидан бехабар бўлган замонавий китобхоннинг табиий саволлари билан ёндашадиган бўлсак, йўлнинг, масалан, бурилишгача бўлган қисмини кўриш мумкин бўлмаганидек, аввал ҳеч ҳам англаш мумкин бўлмаган нарсаларни пайқаймиз. Бундай манзара Данте **"Янги ҳаёт"**ининг сўнгги сонетида **"янги идрок" ("intelligenza nova")** деб атаган: схоластиклар **"зиёлилар"** деб атаган, Арши аълода фаришталар ўртасида ўз ўрнини эгаллашга шошилаётган, мушоҳада ва изтироблардан шаффофлашган янги руҳдир.




Шундай қилиб, биз олдимизга қўйган вазифа ниҳоятда камтарона бўлганда ҳам ўзимизда ва классик адибларни анъанавий идрок этишимизда ўзгаришлар рўй беришига тайёр туришимиз керак. Мумтоз асарларда кўҳналик ва навқиронлик сиймолари таажжубланарли тарзда уйғунлашади. Аслини олганда, бу классик асарларнинг асосий белгиларидан биридир. Адабиёт ва юриспруденциянинг "кичик" ижодлари бир марта ўқилганда, бир сиймода мужассамлашгандек туюлади. Буюк асарлар эса, ҳар бир авлод томонидан қайтадан мутолаа этилади, янгидан туғилади, янгидан кашф этилади. Хусусан, агар биз шунчаки Дантени янгича ўқишга ҳаракат қилсак, тарихий ёндашувга хиёнат қилмаймиз. Агар биз идрок этишнинг у ёки бу даражасига кўтарила олсак, янгиликни кашф этишимиз муқаррардир.

Ушбу бобда каминанинг 2011 йилда нашр этилган "Данте – юрист" китобим[1]га севимли шоиримиз Абдулла Орипов ёзган "Башарият фарзанди" номли сўз боши ва академик Қаландар Абдураҳмоновнинг "Дантешуносликка муносиб ҳисса" мавзуидаги сўнгсўзи тақдим этилмоқда. Чунки бу мўъжаз тадқиқотларнинг ҳар иккиси ҳам, бир томондан, ҳозирги замон ўзбек дантешунослиги мавзусига бағишланган бўлса, иккинчи томондан, бевосита мазкур китоб мавзусига алоқадордир.

## Башарият фарзанди

**Абдулла ОРИПОВ,**
*Ўзбекистон Қаҳрамони,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

Улуғ итальян шоири ва мутафаккири Данте Алигьери инсониятнинг энг муҳтарам фарзандларидан бири бўлиб, у зот олти юз йиллар муқаддам Уйғониш даврини бошлаб берган даҳо ижодкордир. Асрлар мобайнида дантешунослик илми давом этиб келмоқда. Яъни, у ҳақда юзлаб китоблар ёзилди. Қўлингиздаги ушбу нашр "Данте – юрист" деб номланган бўлиб, муаллифи таниқли ҳуқуқшунос олим, серқирра ижодкор, жамоат арбоби, профессор Акмал Саидовдир.

Аввалдан айтиб қўя қолайлик, мазкур тадқиқот дантешунослик бўйича, айниқса, Шарқда яратилган ноёб илмий манбалардан биридир. Унда Данте ҳаёти ва ижодига доир деярли барча тафсилотлар қамраб олинган. Китобда, табиийки, Дантенинг юрист мақомидаги фаолияти анча кенг ёритилган. Шунингдек,

[1] *Саидов Акмал Холматович.* Данте – юрист. – Т.: "Адолат", 2011. – Б. 200.

мутафаккирнинг фалсафий қарашлари ҳам атрофлича ўрганилган.

Данте ҳаётини Европа тарихий муҳитидан ажратиб ўрганиш асло мумкин эмас. Италияда турли партиялар (гвельфлар, гибеллинлар) орасидаги низолар, Рим Папаси сиёсати билан боғлиқ чигал муносабатлар, шунингдек, қадим лотин ўрнида итальян халқ тилини адабий муомалага киритиш каби осон бўлмаган муаммолар Дантенинг бошига адоқсиз маломатлар келтирган эди. Шу сабабли, шоир ҳаётининг кўп қисми қувғинда ўтди. Данте икки маротаба ўлимга ҳукм қилинди. Бу ҳукм ўтган асрнинг 60-йилларидагина расман бекор бўлди.

Данте Алигьери мутахассислигига кўра ҳуқуқшунос-юристдир. Лекин у башарият тарихида асосан "Илоҳий комедия"дек шоҳ асарнинг муаллифи сифатида қолди. Айрим мунозарали жиҳатларга қарамасдан, асарнинг аҳамияти ҳамма даврлар ва барча халқларга баб-баробар тааллуқлидир. Дейлик, йўлбарс ҳамма минтақада йўлбарс бўлгани каби, инсонларнинг фазилату иллатларида ҳам азалий уйғунлик борлигини рад этиб бўлмайди. Ушбу воқеотлар Шарқнинг "Меърожнома"ларида ҳам ўз тасвирини топган. Туркийларнинг ўрта аср Уйғониш давридаги буюк вакили Алишер Навоий ҳазратларининг ижодий нафасида ҳам биз ўша замонларнинг шабадаларини ҳис қиламиз. Бу улуғ шоирлар азамат инсонлар қаторида ялмоғизлар қиёфасини ҳам чизиб кетганлар. "Илоҳий комедия"даги манзаралар нариги дунёга қилинган саёҳат натижаси деб қабул этилади. Бироқ муаллиф ҳақиқатан ҳам у дунёга бориб келганми, деган савол масал жанрида учрайдиган жониворлар гапирадиларми, йўқми, деган тушунча сингари ғоят жўн гапдир. Аслида Данте мавжуд борлиқдаги иллатларни шафқатсиз равишда фош этди.

Дантенинг энг эзгу орзулари етишолмаган маҳбубаси Беатриче тимсоли билан боғланади. Дантешуносларнинг эътироф этишича, Уйғониш даври Дантенинг Беатричега бағишлаб ёзган илк шеърларидан бошланган. Сабаби, бу илк ижодда ифода ва мазмун тамомила янгича эди.

Данте дунёқараши Шарқ олами билан туташдир. Жумладан, бизнинг юртлардан қанот қоққан буюк ғоялар Испания араблари орқали Европага кириб борди ва узоқ асрлар мобайнида улар учун дастуриламал бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам Данте, масалан, ибн Сино сиймосини ғоят катта ҳурмат билан тасвирлайди. Унинг осмон ҳолатлари ҳақидаги тасаввурлари эса ал-Фарғоний (Альфраганус) илми билан мутлақо ҳамоҳангдир.

Данте, умуман, халқнинг ёнини олди. У монархияни эътироф этса-да, ҳокимият халққа хизмат қилиши шарт, деб ҳисоблади. Бошига оғир кулфатлар тушганда, жаҳолат аҳли асарларингдан воз кеч, деб талаб қилганда, ҳатто шоирнинг ўғлини ҳам ўлимга ҳукм этганда: "Халқим, мен сенга нима ёмонлик қилдим?" дея нидо чекди.

Акмал Саидовнинг ушбу тадқиқотини ўқиган ҳар бир китобхон бу улуғ сиймо ҳаёти ва ижодига доир кўплаб маълумотлардан воқиф бўлади. Данте ва Ўзбекистон мавзусида эса янги таассуротлар олади. Қўлингиздаги ушбу китобни умуман дантешунослик дунёсида воқеа деб ҳисоблаш мумкин.

## Дантешуносликка муносиб ҳисса

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,**
*академик, иқтисод фанлари доктори, профессор*

Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият яратишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган маънавияти тикланди ва тобора ривожлантирилмоқда, бой тарихий меросимиз чуқур ўрганилмоқда, фан ва таълим, маданият ва санъат равнақ топмоқда.

Жамият, айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилаётган миллий ғоя ҳам аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, халқимиз қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган қадриятларга асосланади.

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да алоҳида уқтирилганидек, ҳозирги кунда барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этишда ҳам миллий, шу билан бирга, умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва де-

мократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз"[1], дея таъкидлайди. Буюк итальян шоири Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия"си, бошқа нодир асарлари ана шундай умумбашарий маънавий қадриятларнинг энг ёрқин намуналаридан ҳисобланади. Данте ижодида инсоний қадриятлар мадҳ этилиши билан бир қаторда, Шарқ, жумладан, юртимиз қадим ўтмишидаги буюк сиймолар, уларнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаларига муносиб баҳо берилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. "Илоҳий комедия"нинг "қўшиқ"ларида Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Тўмарис номларининг тилга олиниши бунинг ёрқин мисолидир.




Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Дантенинг дунё адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланган "Илоҳий комедия" асарини катта маҳорат билан таржима қилиб, халқимизни бу шоҳ асарни ўз она тилларида ўқишга муяссар қилди.

Дантенинг бу беқиёс асари Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳри филиали талабалари, умуман, мамлакатимиз талаба ёшларини миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда "Илоҳий комедия"нинг Абдулла Орипов томонидан таржима қилинган "Дўзах" қисми ҳамда "Аъроф" қисмининг тўққизта қўшиғи алоҳида-алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди.

[1] *Каримов Ислом.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008. – Б. 114.




Шу ўринда Данте таълим олган, жаҳондаги энг кўҳна университетлардан ҳисобланган Болонья университети билан Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳар филиали ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам ўрнатилганлигини эслатиб ўтиш лозим. Таълим муассасалари ўртасида профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг малака алмашинуви, илмий изланмаларни айрибошлаш йўлга қўйилган.

Филиалда "дантехонликлар" ўтказиб туриш ҳам анъанага айланган. Буюк Данте ижодига бағишланган бу тадбирларда чет эл ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, мамлакатимиз жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари, адабиёт ихлосмандлари иштирокида талабалар Данте асарларини итальян, инглиз, француз тилларида ёддан айтадилар, театрлаштирилган саҳна кўринишларини намойиш этадилар.

2008 йилда эса, Италиядаги анъанавий "Данте ўқишлари" бевосита Ўзбекистонга бағишланди. Мазкур тадбир ўтказилган Равенна шаҳри кўчалари бу галги дантехонлик байрами Ўзбекистонга бағишланганлигидан хабар берувчи шиорлар билан безатилди, кўплаб босма нашрлар, хусусан "Илоҳий комедия"нинг ўзбек тилидаги таржимаси китоб ҳолида ҳам чоп этилди.

"Илоҳий комедия"ни ўзбекчалаштирган Абдулла Орипов билан биргаликда бу тадбирда иштирок этдик. Италиядаги учрашувларимизда Ўзбекистонда Данте ижодига берилаётган эътиборга юксак баҳо

берилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Шаҳар маъмурлари, жамоатчилик вакиллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон маданияти, маънавияти, адабиётининг бой тарихини, жаҳон фан ва маданиятининг равнақига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз, алломаларимиз хизматларини эътироф этар эканлар, мамлакатимизда умумбашарий қадриятлар қаторида Данте ижодига берилаётган эътибор таҳсинга сазоворлигини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, "Илоҳий комедия"ни ўз она тилига таржима қилган халқ юксак ҳурматга сазовор эканлигига урғу берилди.

Юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг "Данте – юрист" китоби умумбашарий қадриятларга эътиборнинг яна бир ибратли намунасидир. Ғарб ва Шарқ мумтоз адабиётидан яхши хабардор бўлган муаллиф бу асарида буюк итальян шоирининг деярли барча муҳим асарларини чуқур таҳлил қилиш билан бир қаторда, бевосита Дантенинг сиёсий, фалсафий қарашлари, айниқса, унинг асарларида инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ҳуқуқшунослик ғояларининг ҳозирги даврда ҳам долзарблиги ва аҳамиятини батафсил тадқиқ этган. Китобда адабиёт ихлосмандларига, шу жумладан, мутахассисларга ҳам яхши маълум бўлмаган илмий тадқиқотлар хулосалари, ноёб манбалар келтирилганлигини Данте ижодини ўрганишга том маънода янгича ёндашув дейиш мумкин. Айниқса, ҳозирги даврнинг ҳуқуқий давлат ва эркин жамият, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бошқа долзарб муаммоларини илк Уйғониш даврининг ҳуқуқий қарашлари ва ғоялари билан таққосланган ҳолда таҳлил этилгани муҳим илмий аҳамият ҳам касб этган.

Шунинг учун ҳам Акмал Саидовнинг "Данте – юрист" китоби дантешуносликка муносиб ҳисса, мумтоз адабиёт мухлислари, ҳуқуқшунослар, умуман, кенг китобхонлар оммасига муносиб совға бўлиши шубҳасиздир.



## ИККИНЧИ ҚИСМ

# *Жондек азиз хотира*

"...Ўзининг бутун ижоди ва фаолияти, меҳри ва салоҳиятини она Ватанимиз равнақи учун бағишлаган яна бир қаҳрамон юртдошимиз, барчамизнинг фахримиз, ғуруримиз, улкан сўз санъаткори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов эдилар. Афсуски, бугун бу нодир истеъдод эгаси орамизда йўқ.

Абдулла аканинг вафоти бутун эл-юртимиз, шахсан мен учун ҳам оғир жудолик бўлди. Мен у кишини кўп йиллардан буён билардим, шеърларини, китобларини катта ҳаяжон билан, таъсирланиб ўқирдим. Бундай самимий ва дилбар шахс, халқимизнинг қалбини, юрагини ўлмас асарлари билан юксак пардаларда тараннум этиб келган ноёб ва бетакрор истеъдод эгаси камдан-кам топилади"[1].

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

[1] *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. – Б. 310–311.

## БУЮК ИНСОНИЙ ҚАЛБ СОҲИБИ ЭДИ

Абдулла Орипов ҳаётлиги даврида ҳам, боқий дунёга сафар этганларидан кейин ҳам ажиб бир воқеликка гувоҳман. Яъни, у зотнинг шахси ва шеърияти ҳақида ҳар кимнинг янада кўпроқ билгиси, эшитгиси, ўқигиси келади.

Устоз бамисоли "митти юлдуз"дек ҳаётнинг бахту ғамларга тўла майдонида пайдо бўлиб, эркли бир мамлакат, ҳур бир халқ сингари яшаб, бахшилар тили билан айтганда, давру давронини суриб, адабиёт саҳнида қуёшдек чарақлаб ва ойдек ярақлаб ўтди. Юртимиз кенгликларида бу улуғ инсоний қалб булоқларидан қониб сув ичиш ва бу мангу офтоб нурларидан баҳра олишдек самимий истак, тоза ниятлар мавжи ортиб боргай, ҳаргиз камаймагай, иншооллоҳ.

Зотан, Абдулла Орипов яшаб ўтган 75 йиллик долғали, фидойи, айни чоғда, бокамтар, ўзбекона, таъбир жоиз бўлса, жайдари ҳаёт саҳифалари мухлисларнинг мудом эътибори ва эътирофидадир. Энг муҳими, Устоздан диловар ва дилкаш, жўшқин ҳамда илоҳий назм сизу бизга мерос қолди. Менинг назаримда, шундай. Ҳар тугул, мен ўсган муҳит, мен ҳавосини симирган иқлимлар шу буюк ҳавасларга, бегидир туйғуларга доимо лиммо-лим.

Бугун атоқли шоир билан ҳаёт йўлларида насиб этган дилтортар учрашувлар ҳақида ёзгим келди. Ўша инжа мулоқотлар туфайли кўнглимда туғилган ҳаяжон тўла таассуротларни, мен учун жондек азиз хотираларни яна бир бор эслагим, шу баҳонада Абдулла

ака бир вақтнинг ўзида ҳам улуғвор, ҳам оддий инсоний қалб соҳиби бўлганини ёд этгим келди.

Устознинг буюк қалби, соҳир шеърияти ва абадий хотираси олдида доимо таъзимдаман.

**Ғулом МИРЗО**

**Абдулла ОРИПОВ**

## СОҒИНЧ

*Парчагина булут,*
*Чексиз осмон,*
*Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.*
*Барча ташвишларни унутиб, шодон,*
*Қайтгим келаётир қошингга буткул.*

*Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,*
*Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.*
*Дунёда одамзод яшамас, ахир,*
*Фақат иродасин синамоқ учун.*

*Парчагина булут,*
*Чексиз осмон,*
*Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.*
*Барча ташвишларни унутиб, шодон,*
*Қайта олсам эди қошингга буткул.*

# “ҚИЗҒАЛДОҚ БАРГИДЕК УЧАР ДИЛДАН ҒАМ...”

**Палов, барибир, палов-да!**

Абдулла аканинг ашаддий мухлиси бўлишимга қарамай, XX аср 90-йиллари аввалида Устоз билан илк марта юзма-юз суҳбатлашиб, яқиндан танишганимизда, Тошкентда яшай бошлаганимга 12 йилдан ошиб қолган эди. Устозни ёш шоирлар, талабалар, мухлислар даврасида кўп қатори, кўпчилик ичида кўриб, зиёрат қилиб юрсам-да, яккама-якка суҳбатга юрагим дов бермас эди. Бунинг бош сабаби – улуғ шоирнинг салобати босганлиги билан боғлиқ, албатта.

Дастлабки юзма-юз учрашувимиздаёқ шунча йилдан буён ота-онамни: “Абдулла Орипов билан устозу шогирдмиз, ўртада салом-алигимиз, борди-келдимиз бор”, деб алдаб юрганимни очиқ тан олдим. Аллақачон Устозни йўқлашим кераклиги, аммо журъатсизлик қилганим, шунингдек, ота-онам олдидаги ёлғончилигим учун ҳам узр сўрадим.

Абдулла акага дангаллигим, самимиятим маъқул тушди, чамамда. Сайилгоҳ кўчасида ўша пайтда мавжуд юзлаб тамаддихоналардан бирида танишув шарафига бирга тушлик қиладиган бўлдик. Турнақатор ошхоналар оралаб ўтар эканмиз, Абдулла ака бир қозон олдида тўхтадилар. Ўша кунлари шифокорлар

Устозга палов ейишни вақтинча тақиқлаган экан. Мен Абдулла аканинг саломатлиги тақозо қиладиган таом олишни ҳарчанд таклиф этмай, Устоз бошидаги дўпписини тўғрилаб қўяр экан:

– Паловга нима етсин. Бир чўқим бўлса ҳам ош, барибир, ош-да! – дедилар.

## Йўлакда

Бир куни юқори ташкилотлардан бирининг йўлагида Абдулла ака билан учрашиб қолдик. Одатда, бундай нуфузли идораларда юзма-юз келганда, анчайин таниш одамлар ҳам бир-бирлари билан шивирлашиб ёхуд шунчаки бош қимтиб саломлашишдан нарига ўтмайди. Бу олий даргоҳда ҳар ким юриш-туришию ҳаракатларини, ўзини "рамкага солиш"га, хуллас, расмий тусга киришга интилади.

– Э, Ғуломбой, яхши юрибсанми? – дедилар баралла овозда Устоз рўбарў келгач, қўлимни маҳкам сиқиб. Бошқа қўл билан эса чўнтакларини астойдил кавлай бошлади.

Бир зумлик ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг Абдулла ака ўз йўлида давом этди. Мен эса Устоз қўлларининг тафти сақланган бир ҳовуч хандон пистани кафтларим орасида қисмлаганча лол ва ҳайрон турар эдим.

## Хизр қўлласа...

Наврўз байрами тантаналарига боришимиз керак эди. Уйдаги меҳмонларни кузатгач, аёлим менинг посон кийимларимни тайёрлаши, сўнг ўзига оро бериши, болаларимизни кийинтириши, уйни йиғиштириши, қозон-товоқларни ювиши ва ҳоказо-ҳоказо майда юмушлар билан чалғиши эвазига вақтни бой бердик.

Навқирон оиламиз билан тўла таркибда кўчага чиққанимизда, таклифномаларни олишни унутмаган бўлсак-да, Миллий боғдаги асосий саҳна ўрнатилган томошагоҳга кечикмай етиб боришдан умидимизни деярли узган эдик. Ноумид шайтон, дейдилар. Барибир, байрамга боришга аҳд қилдик.

Буни қарангки, катта йўл ёқалаб кетаётсак, давлат рақами мансабдор шахсларга тегишли бўлган оқ рангли енгил авто олдимиздан ўтиб, беш қадамча нарида тўхтади. Мошиндан Абдулла ака чиқиб келди. Мени, келинни айём билан қутлади. Албатта, болаларимизга боболарга хос саховат ила сайлхаржи улашилди. Шундан сўнг ҳаммамиз Абдулла аканинг уловида бир зумда томошагоҳда ҳозир бўлдик. Алқисса, улуғ инсон туфайли улуғ байрамни ҳам томоша қилишга улгурдик. Аммо...

Ўшанда Абдулла ака ногаҳон олдимизда пайдо бўлдилар-у, йўлимизни яқин, мушкулимизни осон айлаб, ҳожатимизни чиқардилар. Кейин ўзлари гавжум томошагоҳ ичра зумда ғойиб бўлдилар. Қизиғи шундаки, бу воқеалар шу даражада тез ва кутилмаган ҳолда юз бергани туфайли биз Абдулла акани на байрам билан қутлай олдик, на таваллуд айёмлари билан муборакбод этишга имкон топдик.

Устозга ҳаттоки тузукроқ раҳмат айтишга ҳам улгурмадик. Тилимиз танглайимизга қотиб, калима қайтара олмайдиган ҳолатда, худди Хизр бувага дуч келгандек, сел бўлиб қолавердик.

## Истиқлол ўгитлари

Истиқлолнинг дастлабки йиллари. ЎзА – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида мухбирман. Мустақиллик майдонида ўтказилган байрам тантанала-

ридан тайёрлаган репортажимни оммавий ахборот воситаларига узатгач, уйга қайтяпман.

Пойтахтнинг бош майдонида (ҳозирги "Бахтиёр она" ёдгорлиги рўпарасида) мушаклар фаввораси кўкка гурлайди. Атроф-жавонибда ажиб мусиқа садолари, ҳамма ёқда шодиёна ҳукмрон. Алишер Навоий номидаги шоҳкўчага чиққанимда, худди карвондек изма-из тизилганча байрам томошасидан қайтаётган Абдулла ака, Ҳанифа кеннойи ва кенжа фарзандларига дуч келдим.

Табиийки, Устоз бир пиёла чойга таклиф қилди. Абдулла аканинг ғоят кўтаринки кайфиятига заха етказмаслик учун, қолаверса, янгамнинг ҳам ундашларидан сўнг меҳмондорчиликка рози бўлиб, "карвон"га эргашдим.

Ўша йили, 31 август оқшомида Устознинг адабиёт, тарих, фалсафа, сиёсат, маънавият ҳақидаги равон, теран ва таъсирчан нутқий асарларидан баҳраманд бўлиш бахти менга муяссар этганини ҳали-ҳануз ҳаприқиб эслайман.

– Ижод қилсанг, аввало, халқнинг ғамини ўйлаб ёз, – деганди Абдулла ака хайрлашиш олдидан. – Халқнинг вакили сифатида, оддий одамларнинг орасида туриб, шу халқ, шу миллат, шу одамларнинг қувонч ва ташвишларини қоғозга туширишга интил. Ёзсанг, Ватан ҳақида ёз. Самимий ёз. Руҳингни эркин қўй. Она юртни шундай ёниб куйлаки, созинг-овозингдан юрт, халқ янада ўссин, юксалсин!

### Устозлар меҳрининг чорраҳасида

Олий Мажлис депутати ва парламентнинг Акмал Саидов бошқарган Қўмитаси котиби бўлиб ишлаган давримда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов билан бирга Камбожага хизмат сафарига

борадиган бўлдик. Бу сафар ҳақида атиги бир ҳафта олдин хабар топдим. Илгари АҚШ, Германия, Малайзия каби давлатларга борган бўлишимга қарамай, болалик давримдаёқ шеърий девонини устоз Абдулла Ориповнинг "Юзма-юз" китоби билан ёнма-ён ёстиғим тагида асраган суюкли шоир ҳамроҳлигида чет эл сафарига чиқиш мени қаттиқ ҳаяжонга солди.

Дастлаб сафарга ҳозирлик масаласида Эркин аканинг ҳузурига кирсам, виза расмийлаштириш кераклиги аён бўлди. Баҳонада Эркин Воҳидовнинг паспорти хорижий кириш-чиқиш визаларига тўлиб кетгани туфайли бу камёб ҳужжатнинг муқовасига чиқиш визасини муҳрлатиб келганим менга ниҳоятда завқ бағишлагани ҳали ҳам эсимда.

Сўнгра хорижий ташриф доирасидаги мулоқотларда Ўзбекистонга хайрихоҳ зотларга тақдим этиш учун олиб кетиладиган совғалар рўйхатини туздик. Камина шахсий жавобгарлик асосида ана шу қимматбаҳо буюмларни махсус қутиларга жойладим. Совғалар қачон, қаерда, кимга ва нима сабабдан тақдим этилгани тўғрисида ҳисобот топшириш масъулияти ҳақида ҳужжат имзоладим.

Устоз Эркин Воҳидов ва каминанинг бориб-келиш, меҳмонхонада яшаш харажатлари мезбонлар томонидан қопланишини назарда тутиб, иккимиз учун бир ҳафталик сафар давомида кўзда тутилган ички чиқимлар, шунингдек, кутилмаган харажатлар учун бериладиган 1000 АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тегишли тартибда банкда расмийлаштирдим ва қабул қилиб олдим.

Сафар арафасида ечилмаган долзарб муаммолардан бири – олис йўлда карвонбоши бўладиган устоз Эркин Воҳидовнинг кўнглидан чиқиш масаласи кўндаланг турарди. У кишининг ҳузурида уч-тўрт марта бўлиб, бу жумбоққа ҳам имкон қадар ечим топишга интилдим.

Аввалambор, Эркин ака Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасининг ўта аччиқ ва бир қадар бадбўй таомларини хушламаслигини, шу боис жорий ҳафтага етадиган миқдорда Тошкентнинг лочираси, Самарқанднинг кишмиши ва Қашқадарёнинг туршагидан олишни тавсия этди.

Тамадди масаласига аниқлик киритганимиздан сўнг, камина сафар асносида нималар ичиш мумкинлигини сўрадим. Устоз ғоятда кенглик билан айтдиларки, агар мен қуруқ чой ва сув қайнатгич электр асбоби олсам, у кишида айни ускунани хорижда энергия манбаига улаш имконини берадиган мослама бор экан.

Бундан ташқари, сафар учун олинажак ичимликларнинг ҳажми, туси ва "ҳарорати" борасида саволларим кўп эди. Устоз бир қадоқ қора чой, эҳтиёжимизга кўра кўк чой олишни таклиф қилди. Сўнгра ёндафтаримни ёпмасдан илҳақ кутиб турганимга завқлари келиб, Тошкентнинг "оқ"идан (ароқ), эшик олдига етганимда эса тўхтатиб, Самарқанднинг "қизил"идан (коньяк) ҳам биттадан олишга рухсат бердилар.

Шу тариқа сафарга чиқадиган кунимизнинг энг сўнгги дақиқаларида Эркин Воҳидовга шифокорлар самолётда учиш учун рухсат бермагани аён бўлди. Тил билмаган, эл билмаган бегона юртда бир ўзим нима қиламан? Боз устига, юқорида айтиб ўтилган "қатлама-патир"ларгагина камина масъул бўлиб, бошқа ҳамма расмий вазифалардан фақат Устоз хабардор эдилар-ку!?

Хуллас, аэропортда эканимизда, мен ҳам сафарга бормаслигимни маълум қилдим. Шунда тегишли мутасаддилар олий даражадаги раҳбариятга шифокорлар Эркин аканинг бетоблиги ҳақида ҳужжат тақдим этишини, лекин менинг ижозат этилган хорижий сафарга бормаслигим учун ҳеч қандай расмий асос йўқлигини обдан тушунтиришди.

– Хўп, Камбожага борганимда, мен нима қилай ва нима қилмай? – деб ўша мутасаддиларга дангал савол бердим.

Жавобни салкам бир соат кутдик. Жавоб эса саволнинг ўзидек қисқа ва қатъий эди: Ўзбекистон номидан бирон-бир масала бўйича овоз берилмасин, ҳеч бир ҳужжатга имзо чекилмасин ва ҳеч қандай расмий шахслар билан учрашув-музокара ўтказилмасин. Тамом.

Шундай қилиб, Ўзбекистон парламентининг тил билмас депутати юкхалтамда лочира, кишмиш ва туршак билан "Қайдасан, Пномпень – тўрт дарё чорраҳасидаги шаҳар?!" дея тавакқал йўлга чиқдим.

Бир ҳафталик сафар елдек ўтиб кетди. Юртга қайтдим. Сафар давомида Устоз иккимизга деб тавсия этган масаллиқлар жуда асқотди. Шу баҳонада Эркин Воҳидовнинг дунё кўрган инсон эканига ҳаётий шароитда шахсан амин бўлдим.

Хорижий сафарим рисоладагидек ўтганини Устоз билан нишонлаш учун Самарқанд шаробини Пномпендан Тошкентга бус-бутун олиб қайтгандим. Аммо ўзимизнинг аэропортда шиша сингани етмаганидек, эсдалик альбомларда хунолуд излар ҳам қолдирипти. Шу боис Олий Мажлис Котибиятига Камбожа Қироли номидан ҳадя этилган нодир ғилофдаги ноёб кумуш лаганни топшириш билангина кифояланишга тўғри келди.

Энг асосийси, Тошкентга қайтган кунимнинг биринчи қисми сафар якунлари бўйича расмий ҳисобот тақдим этишга сарф бўлди. Куннинг иккинчи ярми молиявий ҳисоб-китоблар билан ўтди. Кун адоғида ҳолдан тойиб, энди уйга кетаман, деб турганимда устоз Абдулла Орипов телефон қилиб қолдилар. Сафар таассуротларини мухтасар сўраб-суриштиргач, Эркин ака ниҳоятда ташвишда эканини айтиб, ҳозирдаёқ шифохонага боришим, у кишини зиёрат этишим ва хотиржам қилишим кераклигини тайинладилар.

Бир ҳафтадан буён бола-чақамни роса соғинганимга қарамай, устозларга азбаройи ҳурмат-эҳтиромим баландлиги учун 1-стационарга йўл олдим. Борганимда, иш кунининг охири эмасми, Эркин ака жойлашган палата гавжум экан (шу ўринда Абдулла аканинг ҳам, Эркин аканинг ҳам даргоҳлари ҳамиша мухлислар билан тирбанд бўлганини қайд этиш лозим, деб ўйлайман).

Даҳлизда бир муддат пойлаб турсам, Эркин аканинг кўзи тушган, чамамда, чой ташиб юрган ҳамшира орқали ичкари киришим ёки кетиб қолмаслигим ҳақидаги гаплари менга етказилди. Албатта, даҳлизда кутишни маъқул кўрдим. Ниҳоят, Эркин ака меҳмонларни кузатганидан кейин менга юзланди:

– Хўш, "Қай юртларда бўлдингиз, нималарни кўрдингиз?"[1]

Мен ҳам пайров билан жавоб қайтаришга интилдим:

– Оқ ва "қўнғир тоғ"[2]лардан ошиб, беш дарё ва "олти ариқ"[3]ни кечиб, ҳузурингизга етиб келдим, Устоз. Аммо-лекин, эркин бўлсанг ҳам, абдуллоҳ бўлсанг ҳам, ғулом[4] бўлсанг ҳам – ўз юртингда бўл экан!

Эркин ака елкаларини силкитганча яйраб кулди ва ҳозиргина кузатиб қўйилган нозик меҳмонларга "кўзлари қиймаган нарса"ни диванниг остидан олишни буюрди. Қимматбаҳо шаробдан қадаҳларга қуяр эканман, сафар ҳақида мухтасар ҳисобот бериб ҳам улгурдим. Шу аснода Эркин аканинг кўнгли жойига тушганини илғадим.

---

[1] А.С. Пушкиннинг "Шоҳ Салтан ҳақида эртак" номли асаридан мисра.

[2] **Қўнғиртоғ** – Абдулла Орипов туғилган қишлоққа туташ тоғнинг номи.

[3] **Олтиариқ** – Эркин Воҳидов таваллуд топган туман.

[4] Бу ўринда исмлар билан боғлиқ сўз ўйини ишлатилган. Хусусан, "абдуллоҳ" ва "ғулом" сўзлари Аллоҳнинг хизматкори деган маънони англатади.

– Арманнинг битта коньягини ўзбекнинг иккита шоири ярим ҳам қилолмадик, – деди Эркин ака, яқиндагина Абдулла ака билан дийдорлашганларига ишорат қилиб. – Қолганини сизга асраб қўйгандик.

– Сафар учун олинган Самарқанд шароби Бангкок ва Пномпендан бутун қайтиб, Тошкентга қўнганимизда "юрак-бағри хун бўлди" ва шундан армонда эдим, – дея пайровни давом эттирдим.

– Абдуллажондан "Жаноб олийларининг адъютанти"[1] омонмикан ишқилиб, деб сўрадим. Биласизми, қандай жавоб олдим?

– Азбаройи бехабарман, Устоз.

– Насафликлар нафасини чиқармасдан иш битиради. Ҳадемай, барча қаршиликларни енгиб, қаршингизда ҳозир бўлади, у қаршилик бала, деди Устозингиз.

– Мана, ростдан ҳам, адъютантингиз Тошкентда, "қарши"[2]нгизда тошдек қотиб турибди-да, – дедим мен ҳам талтайиб.

Бу орада биз шаробдан уч қўл олиб кифояланган эдик. Чунки, бир томондан, Эркин ака ушбу масалада камтарину камсуқум бўлса, иккинчи томондан, Устозга белгиланган дори-дармонлар суиистеъмолликка йўл қўйишни тақозо этмас экан. Шунда ҳам, пухта бекитилган шаробни қайтадан олиб, Эркин аканинг даъватига кўра "жуфт бўлсин" деган алёр билан яна бир қадаҳдан нўш этдик.

## Яхшига ёндашсанг – етарсан муродга

"Келинлар қўзғолони" спектаклидаги таниш саҳнада Фармонбибидан радиоинтервью олгани келган мухбир (таниқли артист Эркин Комилов) "Шу келинингиз қулмасин!" деб азбаройи ёлворганидек, ме-

[1] Шўролар даврида худди шу номдаги бадиий фильм машҳур бўлган.

[2] **Қарши** – камина туғилган туман.

нинг ҳаётимда айни шу саҳнанинг мутлақо тескариси юз берган. Яъни, ўзим ишлаган давлат идораларидан бирининг "каттакон"лари мен ижодий ишга қайтганимдан кейин ҳам ўчакишиб, ЎзА раҳбариятига: "Шу мухбирингиз ёзмасин!" деган қатъий талабни қўйган.

Машҳур байтни мослаб айтадиган бўлсак, "Ёзсам ўлдирарлар, ёзмасам ўлам". Демоқчиманки, шундан сўнг ўрганган тахаллусимдан вақтинча "воз кечиш"га ва муайян муддат "Ғ.Абдураҳим" деган имзо билан ижод қилишимга тўғри келган.

Устозларнинг бағрикенглиги ва топағонлиги меваси бўлган мазкур тахаллусдаги "Ғ" ҳарфи исмимнинг бошланиши эканини "эмбарго"чи акалар балки илғаган чиқар, лекин янги имзомнинг "Абдураҳим" деган қисми отам раҳматлининг исмидан олинганини улар тўла англаб етмаган, ҳойнаҳой. Негаки, паспортда ота исмим "Абдирайимович" шаклида ёзилган. Ҳар ҳолда, роппа-роса бир йил шу тахаллус билан матбуотда кўриниб турдим.

Шундай кунларнинг бирида, жума куни раҳбаримиз кабинетига чорлади. ЎзАга Абдулла Орипов меҳмон бўлиб келган экан. Устоздан Мустақиллик байрамига бағишланган муҳташам интервью олиш вазифаси зиммамга юкланди. Бу топшириқни кундузи соат 11:30 атрофида олган бўлсам, Абдулла аканинг автоулови мени уйим жойлашган чорраҳада қолдирганида соат тунги 12:00 дан ўтган эди.

Душанба куни эрта саҳардан "Халқ сўзи" газетасининг бир саҳифасини тўлдирадиган ҳажмдаги салмоқли интервью матнини раҳбариятга топширдим. Бош директоримизга материал маъқул бўлган чоғи, ижодий йиғилишда "Мана, Абдулла Орипов билан 12 соатлик интервьюсини Ғуломжон дам олиш кунлари қоғозга тушириб келипти", деб мақтади. Сўнг менга қараб: "Шундайми?" дея фикрини тасдиқлашимни

кутди. Мен эса: "Тўғри, лекин интервью 12 соат эмас, 12,5 соат давом этди", дебман. Шунда раҳбар: "Охирги ярим соатда, айниқса, қийналганингиз анчагина сезилиб турибди", дея мутойиба қилди. Жамоа орасида енгил кулги янгради.

Ижодий йиғилиш тугаганидан кейин қисқа фурсатда раҳбариятдан интервьюнинг газеталарга юбориш учун рухсат этилган матни қўлимга тегди. Не кўз билан кўрайки, материалим якунида мен деярли ўрганиб қолган иккинчи имзойим ўчирилиб, устидан: "Ғулом Мирзо суҳбатлашди", деган қадрдон тахаллусим қуюқ сиёҳда ёзиб қўйилган эди. Алқисса, улуғ шоир билан бўлган ўша мулоқот менга жарангдор тахаллусимни қайтариб берган. Мен буни ҳаргиз унутмайман.

### Данте Тошкентни билганми?

Абдулла Орипов билан Акмал Саидов учрашувлари ҳамиша маънавий-маърифий мулоқотларга бойлиги билан ажралиб турарди. Бундай кезларда, айниқса, Абдулла аканинг хотирасида ўз фурсатини кутиб ётган не-не янги ва қизиқарли ҳангомалардан даврадагилар баҳра оларди. Камина ҳам шундай серзавқ гурунгларга кўп бор гувоҳ бўлганман.

Бир гал Абдулла ака шундай нақл қилганди: улуғ итальян шоири Алигьери Данте қаламига мансуб "Илоҳий комедия" асарини ўзбек тилига таржима қилишга астойдил киришган йиллари Россиянинг туркий халқлар яшайдиган ҳудудларига сафар қилганлар. Ўшанда Тувадаги расмий зиёфатда ўзбекистонлик зиёлилар билан бир қаторда, Италиядан келган нуфузли меҳмонлар ҳам дастурхон атрофига тўпланади. Гапни-гапга улаш учун бўлса керак, ҳамюртларимиздан бири даврада италиялик даҳо шоир шеърларига "дўппи" кийдирган ўзбек шоири борлигини писанда

қилади. Италияликлар бундан лол қолади ва Данте мисраларини ўзбек тилида тинглаш иштиёқини билдиради. Абдулла ака эса, йўлда толиққани ёки совуқ егани учунми, шеър ўқишга кайфияту ҳафсаласи йўқлигини хаспўшлашга тушади.

Устоз Италия шеърий санъатига хос терцина услубида, яъни уч сатрли бандлар шаклида ёзилган мураккаб мисраларни овоз чиқармасдан ўқилса, янада таъсирлироқ бўлиши, қолаверса, Данте асарининг "Дўзах" қисми бундай гулгун давраларда қироат қилиш учун мос эмаслиги тўғрисида мухтасар ваъз қилаётганида, ёнида ўтирган таниқли олим Озод Шарафиддинов шоирнинг қулоғига секингина шивирлайди: "Абдуллажон, янги шеърларингиздан бирортасини ўқийверинг. Булар билиб турибдими, асосийси, давра қизисин-да".

Абдулла ака бу таклифга кўниб, шеър ўқийди. Италияликлар "Ўзбек тилининг руҳи ва оҳанги итальян тилига жуда яқин экан" деса, воқеликдан бехабар аксарият ўзбек зиёлилари: "Дантенинг ўз шоирларимиздан ҳеч бир ками йўқ", деб олқишлар айтади.

Даврадаги мулоқотлар бошқа мавзуга чалғиганида, Тува мухтор республикаси раҳбари Устозга оҳистагина: "Абдуллажон, қадим замонларда яшаган Данте ҳам Тошкент деган шаҳар борлигини билган экан-да", дея шипшийди ва қувлик билан кўз қисиб қўяди.

– Шошганга лаббай топилмас, деганлари бежиз эмас. Ўйлаб кўрсам, ўшанда Тошкентга бағишланган қасидамни ўқиган эканман. Тува раҳбари туркий халқ намояндаси эмасми, шеърни қисман тушунган ва шунга ишора қилган-да, – дейди қаҳқаҳ отиб Абдулла ака. Лекин ортга йўл йўқ эди. Шу боис, қондош қадрдонимга ясама виқор билан назар солдим ва шундай дедим:

– Модомики, Данте Тошкентни ўшанда билмаган бўлса, энди билади!..

**Индамас балиқлар учун ҳам тил ўрган!**

Бу ҳангомани Устоз Акмал Саидов айтиб берган: Абдулла ака Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги директори бўлиб ишлаган кезларида ўзбек ва рус тили тугул, у кишининг оз-моз инглизчасини ҳам биров тушунмайдиган қайсидир мамлакатда хизмат сафарида бўлади. Аксига олиб, ёнларида тил билгич бироита ҳамроҳ йўқ. Одатдагидек, меҳмонхона ресторанида нонушта қилиб, тушликни сабр-тоқат билан оч ўтказгач, кечки тамадди учун яна ресторанга кирадилар.

Абдулла ака биладиган тилларни тушунмайдиган официант қизга кечки таом буюриш осон кечмайди. Таомномадаги номаълум ва ваҳимали атамаларга кўз югуртиргач, "луқмаи ҳалол" билан кифояланишга аҳд қиладилар. Бу танловни официантга тушунтириш асносида, ҳатто рўпарадаги аквариум ва унда сузиб юрган ажойиб балиққа ҳам ишорат қилишларига тўғри келади.

Тайёр таомнинг тақдим этилиши анча муддатга чўзилади. Абдулла ака эса аквариумдаги балиққа термулиб, фалсафий-лирик хаёллар оғушига чўмади. Кутилмаганда, ресторан ходимлари аквариум сувини тозалашга келганларидан, шафқатсизлик билан "капалак тутқич" тўрда "тилла балиқ"ни тутиб олганларидан ранжийдилар ҳам. Устоздан кўз узмай қараб турган ресторан маъмурлари эса хайрихоҳлик билан, бироқ ғалати бир тарзда бош ирғаб, озгина сабр ва сўнгра ёқимли иштаҳа тилаган бўлади.

Энг ёмони, кейин юз беради: официант қиз бир муддатдан сўнг қовурилган балиқли ликопчани Абдулла аканинг столига таъна билан қўяди ва кўзида ёш ила ҳувиллаб қолган аквариумга ишорат қилади...

– Мен қаёқдан билайки, "Бирон-бир балиқли таом олиб келинг", деган мазмундаги имо-ишорамни ресторандагилар "Аквариумдаги ноёб балиқни пиширибберасан!" – деб тушунибди. Ривожланган дунёда мижознинг талаби – қонун. Шундай қилиб, ўшанда менинг чет тилини билмаслигим шўрлик балиқнинг бошига етган, – дейди Абдулла ака ҳам кулиб, ҳам куйиб.

**Кимнинг меҳмони бўлгандик**

Олий Мажлис депутатлари сифатида кунбўйи парламент сессиясида иштирок этганимиздан сўнг, Абдулла ака маҳалламиз яқинидаги Паркент бозори атрофида корейслар очган кафе борлиги, ўша жойда балиқни яхши пиширишлари ҳақида айтиб қолди. Биргаликда ўша манзилга етиб келдик. Абдулла ака пўрим костюм-шим устидан замонавий плаш кийган бўлиб, бошидаги рассомларга хос қалпоғида зиёлиларча башангу кўркам кўринарди.

Кафега киришимиз билан мезбонларнинг назарига тушдик: бизга астойдил хизмат кўрсатдилар. Чиндан ҳам, балиқни қойилмақом тайёрлашар экан. Тўйгунча едик. Чойхўрлик қилиб, бирпас ҳордиқ чиқардик. Шу орада Абдулла ака:

– Булар мени яна корейсларнинг "додахўжаси" деб ўйлаганга ўхшайди. Қара, қандай меҳмоннавозлик кўрсатишяпти. Энг қизиғи, бу зиёфат учун мендан пул олмайдилар. Шу боис мана шу билан ҳисоб-китоб қилиб кел. Кейин кетамиз, – деб пул узатдилар.

Ўзимча чамалаб кўрсам, чўнтагимдаги маблағ еб-ичганимиз тўловига урвоқ ҳам бўлмайди. Шунинг учун олифтагарчилик қилиб ўтирмай, Устоз берган пул билан кассага келдим. Чиндан ҳам, кафе ходимлари биздан пул олмасликларини, меҳмон бўлганимиздан мамнун эканликларини айтишди.

Ҳайрон ҳолда ортга қайтдим ва бор гапни Устозга айтдим. Абдулла ака мийиғида кулиб қўйди. Бир фурсатдан кейин йўлга отландик. Устоз ҳисоб-китоб қилмай кетишни истамади, чоғимда. Йўлимизда саф бўлиб кузатиб қолаётган кафе ходимлари орасидан энг салобатлиси, демакки, бу ернинг ишбошиси бўлган корейс йигитга юзланиб, сўрадилар:

– Мен кимман, танийсизми?

– Танийман.

– Корейс эмасман-а?

– Ҳа, биламан.

– Унда кимман, айтинг-чи?

– Сиз Халқ шоирисиз...

Бош мезбон Абдулла аканинг исм-фамилиясини хато айтиб, нозик меҳмонни ранжитиб қўйишдан чўчибми, бирпас тараддудланиб қолди.

– Ахир, халқимизнинг шоирлари кўп. Ҳаммасини бепул меҳмон қилаверсанглар, эртага уйингизни қандай топасиз, оғайни?

Абдулла аканинг дангал саволларидан кафе хўжайини ҳам руҳланиб кетди, шекилли, дадил оҳангда:

– Ҳаммасига ҳам бепул хизмат қилавермаймиз. Сиз... ўзимизнинг одам... бизникилар Сизни доим ҳурмат билан гапиришади, – деди ва Устозга синовчан тикилди.

Абдулла ака бош мезбоннинг елкасига қоқиб, ўз ташаккурини изҳор этгач, кўчага чиқдик. Хайрлашар эканмиз, корейслар орасида Устозга бу қадар самимий эҳтиромнинг туб илдизлари билан қизиқдим ва фурсати келганда айтиб беришга ваъдаларини олдим.

## Она тили – инсоннинг ор-номуси

Абдулла ака Жанубий Кореяга сафар қилганида, Сеул шаҳрининг чекка кўчаларидан биридаги бозорчада қизиқ воқеа юз беради. Яъни, Устоз ёши ўзлари

тенги бир корейс кишидан совға-салом учун қандайдир буюм харид қилмоқчи бўлиб, инглиз тилида унинг нархини сўрайди.

Аммо корейс отахоннинг чурқ этмай, боз устига ўзларига таъна билан боқиб турганини кўриб, "Инглизчам ўхшамади-ёв", деган хаёлга боради. Таваккал қилиб, нарх ҳақидаги саволни рус тилида такрорлайди. Шунда корейс киши Абдулла акага қарата ўз тилида нималарнидир уқтира бошлайди.

– Яхши ҳамки, ўшанда таржимонимиз келиб қолди, – дейди Абдулла ака. – Суриштириб билсак, мўйсафид мени қош-кўзимга кўра корейс деб ўйлаган ва нега ўз тилимизда гапирмайсан, деётган экан. Шунча ёшга кирибсан, дунё кўрибсан, мана, қанча тилларни ўрганибсан, аммо ор-номусингни йўқотибсан, чунки ота юртингда ўз миллатдошинг билан она тилимизда гаплашмаяпсан, деб ўзича изза қилаётган экан.

Таржимон дарров Абдулла аканинг юрти – Ўзбекистон, миллати – ўзбек эканини, ўз халқининг тилида кўплаб шеъру достонлар ёзган машҳур шоир эканини айтгач, ҳалиги корейс амаки астойдил узр сўрашга тушибди.

– Мен унга хафа бўлмаганимни, аксинча, дунёнинг Ватанимдан жуда олис бир манзилида она тилини бутун орияти билан севадиган ўзимга ўхшаш инсонни кўрганимдан хурсандлигимни айтдим, – дейди Устоз. – Шундан сўнг биз оға-инилардек ачомлашиб хайрлашдик.

### Тўннинг рақами нечанчи?

Абдулла ака ҳаётининг сўнгги йилларида хасталикдан анча толиқиб қолган бўлса-да, руҳан доимо тетик эди. Якка-ёлғиз ўғлимнинг тўйини очиб, келин-куёвларга эзгу тилаклар тилаб, ҳатто шеър ҳам ўқиб берганлар.

Аммо тўйда узоқ ўтира олмадилар. Кузатиб қўйиш асносида таомилга кўра эгниларига тўн ёпдик. Шунда Устоз "Бундай ортиқча дабдабага не ҳожат?" дея сухан қилди.

Камина бу эътирозга жавобан:

– Устоз, уйингизга борсам кифоя, тўн кийиб қайтаман. Келинингиз билан бирга ҳисоблаб кўрдик: тўйга айтишга борганда кийилгани билан қўшсак, шу йилнинг ўзида Сиздан бизга тўртта тўн келган. Ҳеч бўлмаса, ҳозир қарзларнинг биттасидан узилиб қўяй, – дебман.

Назаримда, Абдулла акага бу гапим хуш ёқди. Айни чоғда Устоз қувлик билан шундай деди:

– Менга қара, Ғулом, ўша тўнларнинг барини янганг билан бирга "номер"лаб қўйган эдик. Ўзимнинг тўнимни ўзимга кийгизмадингми, ишқилиб?!

Абдулла ака бу гапларни ясама бир жиддийлик билан айтар экан, эгнидаги тўннинг этагини қайирди ва гўёки ёзилган рақамини қидира бошлади. Теваракатрофда гуррос кулги кўтарилди.

**"Колумбда бор аламим маним..."**

* * *

*Қуёш – куч манбаи сусайган чироқ.*
*Кунлар музқаймоқдек эриб битар тез.*
*Сарғайган баргларни варақма-варақ*
*эски китоб каби титар хазонрез.*

*Мезон. Иморатзор шаҳарни*
*тунда ҳам тарк этмас заъфарранг чирой.*
*Қўл етмас шохида улкан шажарнинг*
*ғарқ пишган мевадек балқиб турар ой.*

*Кундузлари саф-саф қўнару симга,*
*қушлар учиб кетар мунис ва мунглиғ.*
*Қушлар Ватан қуриб кетар кўксимга*
*Абдулла Орифнинг шеърлари янглиғ.*

*Кетару турналар арғамчисида,*
*дунёнинг ям-яшил кўйлаги, –*
*қоғозга тўкилар соғинч тусида*
*заъфарон фаслнинг куйлари.*

Ушбу шеърим битилганида, етук шеъриятга етиш истагида, севимли шоирим Абдулла Ориповнинг адабий муҳитидан баҳра олиш орзусида Қаршидан Тошкентга келганимга бир неча йил бўлган, бироқ ҳали Устоз билан юзма-юз бўлолмай юрган кезлар эди. Ўшанда 80-йилларнинг аввали, куз фасли эди...

Абдулла ака билан ниҳоят яқиндан танишдик. Меҳмон қилдилар, меҳр-оқибат кўрсатдилар, йўл-йўриқ бердилар. Биринчи кўришганимиздаёқ қадрдон ака-ука, устозу шогирд бўлдик. Ўшанда 1994 йилнинг Мустақиллик байрами кунлари – куз фасли эди...

Устоз 2016 йил 5 ноябрга ўтар кечаси АҚШнинг Техас штатидаги Хьюстон шаҳри касалхонасида вафот этди ва 10 ноябрда Тошкентда, Чиғатой қабристонида дафн этилди. Ўшанда ҳам куз фасли эди...

"Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда жон беради", дейилган нақл яна бир бор амалий тасдиғини топди. Қашқадарёнинг Косон туманидаги Некўз қишлоғида 1941 йилда таваллуд топган атоқли шоирни сўнгги йўлга кузатар экан, Осиё ва Америка қитъаларида бир йўла иккита шаҳар азага чўмди.

*Америка – сеҳрли диёр,*
*Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,*
*Денгиз ортин ёритди илк бор*
*Берунийнинг ақл машъали.*
*Колумбда бор аламим маним,*
*Ўзбекистон – Ватаним маним.*

Гурунгларимиздан бирида мен ана шу сатрларнинг тарихи билан қизиққандим. Бу мисраларни ёзишни талабалик давримда, яъни 1963 йилларда бошлаган эдим, – деганди Устоз. – Америка ўша пайтда жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган, ҳозир ҳам шундоқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Эй, Америка, кўп гердаяверма, сени менинг боболарим кашф қилган", дегим келган бўлса керак-да...

Энди Устознинг ўша сатрларини такрорласам, Колумбга бўлган аламим икки карра ортгандек...

Мунгли хотираларимга шу жойда нуқта қўйдим... Тушимга Абдулла ака кириб, тонггача, яна денг, шеърий лисонда ўгит берди. Ишдан кейин ҳам ярим тунга қадар компьютер олдида ўтириб толганимданми, уйғонганимда кўп мисралар хаёлимдан чиқиб кетибди.

Устознинг тушимдаги ўгитларидан қанчаси ва қандай эсимда қолган бўлса, шунчасини ўшандайлигича сизга ҳавола этяпман, қадрли мухлис:

*Умр – сўздек қисқа;*
*бўлса, ҳарфча бор.*
*Балким,*
*юрак урган*
*битта зарбча бор.*
*Шу ҳарфга,*
*шу зарбга*
*бермоққа маъни –*
*шеър қани?!*

*Ташбеҳ ила битсанг,*
*ҳилол – моҳ бўлар.*
*Офтоб ҳам – васф этсанг –*
*ёрқинроқ бўлар.*
*Улуғламоқ учун*
*ойдек ўлкани,*

*мадҳ этмоққа кун-тун*
*кундек ўлкани –*
*шеър қани?!*
.....

* * *

*Мен Ватанни умрбод севдим,*
*нега жоним чиқди берун[1]да?*
*"Колумбда бор аламим", девдим –*
*Беруний ҳам бўлай, дедим-да...*

[1] **Берун** – чекка, олис ҳудуд.

**Абдулла ОРИПОВ**

## ТЕМУР

*Ҳар қанча фахр этсанг арзийди, ўзбек,*
*Балқибсан бир зотнинг юксак шонида.*
*Темурбек юлдузи Олтин қозиқдек*
*Чарақлар буюклар каҳкашонида.*

*Во ажаб, ёлғиз бир Занжир саройнинг*
*Ўчини Ўрдадан ола билган зот.*
*Турон деб аталмиш каттакон жойнинг*
*Бағрига шунча йил сиғтабди, наҳот?!*

*Жаҳонни мўғуллар истилосидан*
*Қутқариб қололган барлосий ботир –*
*Қочолмай тақдирнинг тақозосидан*
*Фотиҳ деб ном олмиш ўзи ҳам охир.*

*Энг улуғ бинолар мужассам бўлмиш*
*Оламда тенги йўқ Самарқанд-ку бор:*
*Темурбек жанг-жадал шавқига тўлмиш,*
*Қўлида шамшир-у, тагида тулпор.*

*Ҳукми олий билан этмиш намоён*
*"Куч бу – адолатда", деган сўзларин.*
*Қон тўкмиш Жаҳонгир гоҳо беомон*
*Ёвлари тикмасдан қонли кўзларин.*

*Отани боладан тирик айириб,*
*Тожу тахт талоши қизиркан борҳо.*
*Султон не зотларнинг қўлин қайириб,*
*Муҳташам салтанат айламиш барпо.*

*Аллоҳим бахш этмиш шунчалар шукуҳ,*
*Комилу етукдир шажара, зоти.*
*Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шоҳрух,*
*Бир ёнда Улуғбек – синмас қаноти.*

*Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод,*
*Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.*
*Қулоқ тутгайми, деб ноаҳил авлод,*
*Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.*

*Ҳамон ер юзида шайтон туғёни,*
*Тилларда дуо-ю, дилларда зарда.*
*Кўриб бу ноқису нотинч дунёни*
*Қайта босардингиз балки, саркарда.*

*Саъйи ниятларда руҳингиз сардор,*
*Ёвузлик чекингай, ўчгай ёмонлик.*
*Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,*
*Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик!*

## АМИР ТЕМУР ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ

**“Бу ерларда илк бора янграган Темур саси...”**

Мактабда ўқиган давримда, яъни ўтган асрнинг 70-йилларида мен (балким, аксарият тенгқурларим, мендан сал навқирон ва ёши улуғроқ замондошларим ҳам) тарих бўйича дарслик китобларида Амир Темур бобомиз ҳақида ёзилган туҳмату бўҳтонларни ўқиб, демак, аслида шундай экан-да, деб иноганман. Ўша дарсликларда буюк Соҳибқироннинг беўхшов расмига дуч келганим ҳам бор гап. М. Герасимов деганлари бу расмни 1941 йили чизаётганида, ҳақиқатга хиёнат қилишдан эмас, балки Сталиннинг қаҳридан кўпроқ қўрққани ўшанда тушимга кирибди, дейсизми.

Кечагидек ёдимда: фақат Абдулла аканинг шеърларида Амир Темур шахсига муносабат совет дарсликларидаги нохолис талқинлардан фарқ қиларди. Устознинг айни мавзудаги мисраларида Амир Темур шахсига нисбатан қаҳру нафрат – меҳру эътиборга, ғанимлик ва бегоналик – қадрдонлик ва азизликка, туҳмату иғвонинг қора қуруми эса имкон қадар ҳақиқату эъзоз учқунларига ўрин бўшатарди, назаримда. Буни ич-ичимдан сезардим.

Хусусан, Абдулла аканинг 1970 йили ёзилган “Қарши қўшиғи” шеърида шундай сатрлар бор:

*Йўл юрсанг ҳар жойларда работлар вайронаси,*
*Искандар, Қутайбадан қолган сонсиз даҳмалар.*

*Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,*
*Чингизийлар бошига солиб қўрқув, ваҳмалар.*

Қаранг, бу мисралар ёзилган ва халқимизга тақдим этилган даврда Соҳибқирон бобомиз халқимиз ва Ватанимизнинг мустақиллиги учун курашгани ҳақида менинг ён-атрофимдагилар орасида деярли ҳеч ким билмас, билганларнинг аксарияти эса чурқ этмасди. Кейин англасам, Соҳибқирон сиймосидан қора пардани кўтариб ташлаган жасоратли олим Иброҳим Мўминовнинг бошига тушган кўргиликлар ўша кезларда бундан хабардор кишиларни анча сергак торттириб қўйган экан.

Гап шундаки, академик И.Мўминов 1968–69 йилларда "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли рисоласини ёзган ва нашр эттирган. Абдулла ака атоқли олимнинг ўша рисоласи тимсолидаги жасоратини ўз шеърларида Амир Темур шахси ҳақидаги ҳаётий ҳақиқатларни тақдим этиш орқали изчил давом эттирган, десам янглишмайман.

Нега деганда, 1969–70 йилларда Москвада чиқадиган марказий газета-журналларда ўзбек олимини ўтмишни сохталаштиришда айблаб битилган мақолалар эълон қилинган. Собиқ тузумда матбуотда қораланган шахсга нисбатан, албатта, қатъий жазо чоралари кўрилгани тўғрисида тўхталиб ўтирмайман. Абдулла аканинг Темурбек мустақил марказлашган давлат тузиш йўлида кураш олиб борганига ишорат қилинган шеъри ҳам айнан 1970 йилга мансублигига эътибор қаратиш билан кифояланаман.

Мана бу сатрлар эса 1972 йили ёзилган "Муаллим" шеъридан:

*Буюк Темур сендан топгандир таълим,*
*Сен шундоқ, азиз зот, азиз муаллим.*

Ушбу мисралар орқали шоир, аввалambор, муаллимнинг азизлиги Темурбек каби буюк зотларга таълим берганида дер экан, собиқ тузум таълим муассасаларида ўша пайтда сабоқ бераётган юз минглаб педагог-ўқитувчиларни тарих ҳақиқатларига тийрак кўз билан қарашга даъват этган. Янада муҳими, Абдулла ака Амир Темур ҳам муаллимлардан таълим олганига урғу бергани бежиз эмас. Бу билан ўшандаёқ совет мафкурачиларининг "Темур саводсиз бўлган" деган асоссиз даъволари шоир томонидан инкор қилинган.

1981 йили Тошкентга келдим. Пойтахтдаги энг нуфузли олий ўқув юртининг кечки бўлими талабасига айланиб, кундузи Алишер Навоий кўчасидаги 30-уйда жойлашган матбаа корхонасида иш бошлаганимдан кейин ўз эркин фикрига эга зиёлилар давраларида Амир Темур шахсига доир ҳақиқатлар, чиндан ҳам, мен ўқиган дарсликларда бузиб талқин этилгани борасида кўзим янада очилди.

## "Газетада қасидамни чиқаролмадим..."

Эсимда, 80-йилларнинг ўрталарида Давлат матбуот қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги) ишчи-ходимлари сафида Тошкент вилоятининг Пискент туманига пахта йиғим-теримига чиққанмиз. Ўшанда адибу ижодкорлар, нашриёт муҳаррирлари ва мусаҳҳиҳлари ўртасида адабиёт, шеърият, хусусан, Абдулла Ориповнинг янги шеърлари ҳақида қизғин адабий баҳс-мунозаралар бўлар, мен каби талаба ва босмахона ишчилари учун ана шу ажойиб давраларда ўз сукутимиз билан бўлса ҳам иштирок этиш катта бахт эди.

Бир куни нашриёт ходимларидан бири Абдулла аканинг "Ўзбекистон" қасидасидаги алоҳида бир

бандда Темур ҳақида (у даврда улуғ аждодимизнинг муборак номига Амир сўзини қўшиб айтиш ҳали ҳеч кимнинг ўйига ҳам сиғмасди) сўз боришини айтиб қолди. Унинг фикрича, ўша банддаги "оқсоқ жаҳонгир" жумласи ва "Демам бу кун, у маним, маним" сатри мисолида Абдулла Ориповнинг жаҳонгир шахсига нисбатан муносабати бу борадаги расмий позицияга ҳамоҳанг эмиш.

Табиийки, бундай "баёнот" ижодкорлар ўртасида бир неча кун давом этган улкан мусоҳабани бошлаб берди. Ўша баҳсларда устун чиққан нуқтаи назарнинг мухтасар мазмунига тўхталаман. Кўпчиликнинг талқинига қараганда, Абдулла Орипов "оқсоқ" сўзидан олдин жаҳонгир бобомизга нисбатан "бир зот", "мағрур", "давонгир" каби кўплаб ижобий баҳолар берган. Шунингдек, бир томондан, Абдулла Орипов халқимиз тарихи Темурбек тарихи билан узвий боғлиқ эканига урғу берган бўлса, иккинчи томондан, ўзимизнинг Осиёдан чиққан жаҳонгир дунёнинг ярмини забт этиб, ягона йирик салтанат яратгани ва унинг салтанати икки аср давомида дунё сиёсати ва иқтисодиётига, маданияти ва санъатига муайян таъсир ўтказиб турганига ишорат қилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, шоир шароит тақозосига кўра ишлатган ўша салбий мазмундаги сўзнинг таъсирини бутунлай йўққа чиқаради.

Шеърдаги "Демам бу кун, у маним, маним" сатрига келсак, ундаги биринчи "маним" сўзини шоир цензурани чалғитиш учун қўллагани тайин. "Маним" сўзининг иккинчи марта ишлатилиши эса, бу энди таъкид бўлиб, айни шу ҳолат сатр бошидаги "демам" сўзининг таъсирини инкор этади ва "Барибир, Темурбек маним бобом", деган мазмунни келтириб чиқаради.

Ўшанда даладан келибоқ "Ўзбекистон" қасидасини излаб топдим ва ўқиб чиқдим, ҳатто ёд олдим.

Бу қасида 1964–1970 йилларда ёзилган бўлиб, унинг баҳсларга сабабчи бўлган тегишли банди қуйидагича:

*Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,*
*Илғай олмас барчасин кўзим.*
*Мақтамасман мозийни бироқ,*
*Ўтмишингни ўйлайман бир зум.*
*Забтга олиб кенг Осиёни,*
*Бир зот чиқди мағрур, давонгир,*
*Икки аср ярим дунёни*
*Зир қақшатди Буюк жаҳонгир.*
*Айтгум, бу кун, у маним, маним.*
*Ўзбекистон – Ватаним маним*[1].

Албатта, агар пайқаган бўлсангиз, муаллиф қасиданинг ушбу вариантини истиқлолнинг илк даврида-ёқ енгилгина таҳрир қилган. Яъни, собиқ мафкурани чалғитиш учун муваққат қўлланилган баҳсталаб сўзларнинг баҳридан кечилган. Бу ҳақда Абдулла аканинг ўзи шундай деган: "Ватанимга аталган ўша қасидани "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига олиб бордим. Шеър муҳаррирга жуда маъқул бўлди, у киши, ҳатто мени бу муваффақият билан табриклади. Аммо шарт қўйди... Хуллас, газетада қасидамни чиқаролмадим. У, орадан анча вақт ўтгач, раҳматли Зулфия опанинг катта саъй-ҳаракатлари билан "Саодат" журналида чоп этилди. Шунда ҳам "жиндай" таҳрир билан – "дейман" сўзи "демам" деб ўзгартирилди. "Буюк жаҳонгир" сўзлари "оқсоқ жаҳонгир" сўзлари билан алмаштирилди"[2].

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Иккинчи жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 12.

[2] *Люсьен Керен, Саидов Акмал.* Амир Темур ва Франция / Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. – Т.: "Адолат", 2016. – Б. 101.


## “Темур” шеърининг қўлёзмадаги давоми

Юртимиз мустақиллиги тарихда ўтган буюк сиймоларимиз, чунончи Амир Темур бобомиз тўғрисидаги бор ҳақиқатни айтиш, бу мавзуда эркин илму ижод қилиш имкониятини берди. Шу маънода, 1995 йилда ёзилган “Соҳибқирон” шеърий драмаси атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ижодида ҳам, миллий адабиётимиз ривожида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Айни чоғда, “Соҳибқирон” шеърий драмаси ўзбек темуршунослиги, қолаверса, дунё темуршунослигини забардаст ижодкорнинг буюк жаҳонгир сиймоси талқинига бағишланган салмоқли достони ҳисобига бойитди.

1995 йилнинг Амир Темур ҳазратлари таваллуд куни арафасида, яъни апрель ойининг илк кунларида интервью олиш учун Устознинг ҳузурига бордим. Абдулла ака ҳали битмаган асари ҳақида, одатда, гапирмас эди. Биз ўшанда асосан Соҳибқирон ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида узоқ гурунглашдик.

Хайрлашиш асносида Абдулла ака каминага “Темур” номли шеърининг машинкада терилган икки саҳифали матнини совға қилар экан, сирли оҳангда: “Буни асраб қўйгин-а!” дея алоҳида тайинлади. Ўша саҳифаларнинг сиртида Устознинг дастхати билан битилган ёзув ҳам борлиги назарда тутилса, бу – Абдулла Орипов қаламига мансуб машҳур шеърлардан бирининг нодир қўлёзмаси эди.

Ўшандан буён орадан қарийб чорак аср вақт ўтибди. Бугун Абдулла Орипов орамизда жисман йўқ бўлса-да, руҳан барҳаёт. Устозни хотирлар эканман, ўша азиз қўлёзма эсимга тушиб қолди. Шахсий архивимни титкилаб, уни топдим. Икки саҳифали қўлёзманинг охирги варағи сиртида Абдулла аканинг дастхати билан битилган қуйидаги сатрлар бор:



*Мана шу либосда келдим, дўстларим,*
*Ҳиммatдан миннатдор, ўз-ўзимга бек.*
*Сизга аталгандир юксак сўзларим,*
*Ўғлини ҳурматлаб тураркан Ўзбек.*

*Каттакон карвоннинг улуғ йўлида,*
*Яхшию ёмонни кўрайлик баҳам.*
*Мирзо Улуғбек бор ахир тилида*
*Табриклаб қўяйлик Шавкатбекни ҳам.*

Маълумки, Абдулла аканинг "Темур" номли шеъри "Соҳибқирон" асаридан олдинроқ, яъни 1993 йили ёзилган ва ушбу шеърий драмага муқаддима сифатида олинган. Кейинги суҳбатларимиздан бирида Устоз "Соҳибқирон" асарини ўтмишга боқиб, бугун учун ёзганини таъкидлаган эди. Чиндан ҳам, драмада Амир Темур ҳаёти ва буюк Соҳибқирон яшаган даврга оид тарихий воқеалар талқин этилган бўлишига қарамай, асар ўзининг замонавий руҳи билан ҳам ажралиб туради.

Абдулла аканинг қўлёзмасидаги саккиз қаторлик ушбу назмий мисралар, фикри ожизимча, "Темур" шеърига ёки "Соҳибқирон" достонига киритиш мақсадида битилган бўлса керак. Бу мулоҳазамни қуйидагилар билан асослашга ҳаракат қиламан.

**Биринчидан,** ушбу қўлёзма мисралар Абдулла аканинг "Темур" шеъри босма матни бор қоғоз сиртига ёзилган.

**Иккинчидан,** бу мисралар билан "Темур" шеъри ёзилган шеърий вазн бир хил, яъни 6 (3+3) ва 5 туроқли, 11 бўғинли бармоқ вазнидадир.

**Учинчидан,** янги мисралар мазмунан таҳлил қилинса, бунда биринчи шахс – Амир Темур номидан сўз юритилаётгани ойдинлашади. Жами ўн банддан иборат "Темур" шеърининг 8-бандида шундай мисралар мавжуд:

*Не бахтким, туққан юрт бўлганда озод*
*Муборак Ватанга қайтиб келмишсиз.*
*Қулоқ тутгайми деб ноаҳил авлод,*
*Ташаккур, бизларни кўзга илмишсиз.*

Шоир, ҳойнаҳой, аввалбошда қўлёзмадаги икки бандни шу мисралардан кейин киритишни мўлжаллаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Тасаввур қилайлик: мустақил Ватанга қайтган Амир Темур эгнида амирларга хос шоҳона либослар билан Оқсаройга кириб келади. Юртимиз мустақиллигига эришиш йўлида ўзининг фидокорона ҳиссасини қўшган жонкуяр, ватанпарвар ва халқпарвар юрт оғаларига, демакки, ўзининг муносиб ворисларига миннатдорчилик изҳор этади.

Оқсаройда жамулжам бўлган, мустақилликни эълон қилиш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш, шунингдек, Амир Темур бобомиз номини Ватанга қайтаришдек масъулиятли ҳамда шарафли ишларга муносиб ҳисса қўшгани туфайли буюк Соҳибқирон мақтаган етакчи замондошларимиз орасида, Абдулла ака қўлёзмада алоҳида тилга олганидек, Шавкатбек исмли инсон ҳам бор.

Шу ўринда, аввалдан айтиб қўйишимиз керакки, ўша мисраларни ўқиганимиздаёқ дарҳол хаёлимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймоси келди. Нима учун, деган саволга жавоб топиш учун мамлакатимиз раҳбарининг мустақиллик арафасидаги ва истиқлолнинг дастлабки йилларидаги қизғин ижтимоий-сиёсий фаолияти хусусида мухтасар фикр юритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов қайд этганидек, замон талаблари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Олий Советига сайлов тўғрисидаги янги қонун асосида 1990 йил 18 февралда халқ депутатлари Ўзбекистон Олий Советига ўтказилган сайловда Тошкент шаҳар, Қорасув сайлов округидан номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев депутат сифатида сайланган.

Янги сайланган парламент аъзолари иштирокида собиқ иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилган. 1990 йил мартида Ўзбекистон тарихида бўлмаган янги орган – Конституциявий назорат қўмитаси, бошқача айтганда, ҳозирги Конституциявий судга

асос солинган. Ўша йилнинг 20 июнида эса Мустақиллик декларацияси эълон қилинган[1].

Энг муҳими, истиқлол арафасида мустақил юртнинг Давлат байроғи, Герби ҳамда Мадҳиясини яратиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилган. Мустақиллик эълон қилинишидан анча олдин, яъни 1990 йил 21 июнда Конституциявий комиссия тузилиб, мустақил давлат Асосий Қонунини яратиш ишлари бошлаб юборилган. Конституциявий комиссия томонидан лойиҳа икки йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланган. Конституциявий комиссия ўзининг тўла таркибида уч марта мажлис ўтказган бўлиб, уларнинг барчасида Президентимиз қатнашган.

Академик А.Х. Саидов таъбири билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз даврида қонун чиқарувчи ҳокимият намояндаси, парламент депутати, Мандат комиссияси раиси, Конституциявий комиссия аъзоси, Комиссиянинг ишчи гуруҳ эксперти сифатида Асосий Қонунимизни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнларида бевосита қатнашган. Кейинги чорак аср давомида давлатимиз раҳбари ижро этувчи ҳокимият тизими поғоналарида самарали фаолият юритиб, конституциявий нормаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда[2].

Шавкат Мирзиёев билан бир қаторда Абдулла Орипов ҳам 1990–1994 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгашининг депутати, 1995–1999 йилларда эса Олий Мажлис депутати этиб сайланган. Маълумки, 2003–2016 йиллар давомида мамлакат парламенти томонидан Шавкат Мирзиёев уч марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлигига тасдиқланган.

---

[1] *Саидов Акмал:* Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия таркибида фаол иштирок этган // http://xs.uz/2017 йил 29 ноябрь.

[2] *Саидов Акмал:* Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия таркибида фаол иштирок этган // http://xs.uz/2017 йил 29 ноябрь.

Айтмоқчимизки, у киши Бош вазир лавозимида ишлаб турган даврда Абдулла Орипов давлат ва жамоат арбоби сифатида фаол иш олиб борган. Хусусан, Устоз 1988–2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлигининг раиси, 1995–2009 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси лавозимларида фаолият юритган. Абдулла ака, шунингдек, 2009 йилдан Ёзувчилар уюшмасининг фахрий раиси, 2005–2010 йилларда Олий Мажлис Сенатининг аъзоси ҳам ҳисобланган.

Энди Абдулла Ориповнинг қўлёзмасидаги шеърий парчада қайд этилган инсон шахсини аниқлаш учун ўша мисраларни янада чуқурроқ талқин қилиш фурсати етди, деб ўйлаймиз. Шоир буюк Соҳибқироннинг номидан:

*Мирзо Улуғбек бор ахир тилида*
*Табриклаб қўяйлик Шавкатбекни ҳам,* – демоқда. Бу масаланинг моҳияти нима сабабдан айнан Мирзо Улуғбек исм-шарифига урғу берилгани замирида яширин, назаримизда.

Шу ҳолатга имкон қадар аниқлик киритишга уриниб кўрамиз. Модомики, Абдулла ака "Темур" шеърини 1993 йили ёзган бўлса, худди ўша даврда, яъни 1992–1996 йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими лавозимида фаолият олиб борган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини 1994 йил апрель ойида Парижда, октябрь ойида эса Тошкент ва Самарқандда тантанали равишда нишонлаш жараёнларида ҳозирги Президентимиз фаол иштирок этган. Ўша йили Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбек ҳайкали ўрнатилишига ҳам бевосита бош-қош бўлган.

Шундай қилиб, атоқли шоир Абдулла Орипов кейинчалик, яъни 1994–1995 йиллар оралиғида "Темур" шеърини янги бандлар билан тўлдириш мақсадида битган ўша тарихий қўлёзмадаги мисралар мағзига Президентимиз Шавкат Мирзиёевга ана шу хайрли ишлари учун эл-юртимиз номидан Соҳибқирон бобомиз тимсолида изҳор этилган миннатдорчилик сўзлари сингдирилган бўлса, не ажаб!

### Темурбек, Наполеон ва Ватерлоо

Абдулла аканинг 1968 йилда ёзилган "Хатолар" шеърини илк бор тахминан 1978 йиллар атрофида, 7-синфдалигимда ўқиганман. Бу шеърнинг иккинчи банди шундай мисралар билан бошланарди:

*Бобом пайғамбарлар қасоси учун*
*Гоҳо осийларнинг олди бошини.*
*Уни қарғадилар хатоси учун,*
*Ҳамон отмоқдалар таъна тошини*[1].

Гарчи Амир Темур ва унинг авлодларидан буюк давлат арбоблари, жўмард саркардалар, бунёдкор шоҳлар, буюк олим ва мутафаккирлар, эл ардоқлаган шоир ва меъморлар етишиб чиққан бўлса-да, ҳатто ўз юртимизда яқингача – истиқлолга қадар бу шавкатли аждодларимиз золим подшолар сифатида талқин этиб келинганини бир эслайлик. Шу маънода, Абдулла ака ўша вақтлардаёқ буюк Соҳибқирон шаънига ёғдирилган бўҳтону туҳматларни рад этишга интилган.

Мустақиллик туфайли тарихимиздаги буюк шахслар, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур мероси тўғрисида бор ҳақиқатни айтиш имкони туғилди. Жумла-

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 154.

дан, энди Устознинг юқоридаги мисралари замиридаги туб маъно-моҳиятни чуқурроқ англаш шарт-шароитларига эгамиз.

"Темур тузуклари" асарига кўра, Буюк Соҳибқироннинг ўз пири[1]дан олган мактубида, хусусан: "Худонинг ва пайғамбарининг ҳукмига амал қилгин, Расулуллоҳнинг зурриётига ёрдам бер, Тангрининг неъматларини еб, яна унга ва унинг пайғамбарларига душманлик қилган подшоҳларни Оллоҳнинг мулкидан чиқар. Парвардигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, шундай демишлар: "Мамлакат куфр билан туриши мумкин, зулм бор ерда туролмайди..."[2] деган жумлалар бўлган.

"Пиримнинг бу мактуби менга етиб келгач, Худо мулкини золимлар, бидъатчи мунофиқлар, фосиқу фужурлар қўлидан тортиб олиш, уларни йўқотиш учун белга ҳиммат камарини боғладим"[3], дейди Соҳибқирон ҳазратлари.

Бу иқтибос Абдулла ака 1968 йилдаёқ "Темур тузуклари" асарининг мазмун-мундарижасидан яхшигина хабардор бўлганини тасдиқлайди. Лекин Устоз ўша замонларда икки ҳақиқатни ҳам – яъни, биринчидан, ўзининг Соҳибқирон тарихини чуқур ўрганганини, иккинчидан, Амир Темур дунёда зулмга барҳам бериш ва адолат ўрнатиш учун ҳарбу зарб қилган одил жаҳонгир бўлганлигини вақтинча хаспўшлаб туришга мажбур эди.

Француз шарқшунос олими Жан Поль Ру қайд этганидек, "Амир Темур номи қалбларда қандай ҳис-

[1] Амир Темурнинг уч шайхга нисбатан ихлоси жуда кучли бўлган. Булар – Шамсиддин Кулол, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Тайободийлардир. Буюк Соҳибқирон, асосан, Мир Саййид Барака ва Зайниддин Тайободий билан мактублар алмашгани маълум.

[2] Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. –Б. 136.

[3] Ўша манба. – Б. 137.

сиёт уйғотишидан, унинг номига қандай маломатлар ёғилишидан қатъи назар, унинг ғайритабиий ва маҳлиё этгувчи инсон бўлганлигини, унинг саркардалик маҳоратини ва давлат арбоби сифатидаги ажойиб фаолиятини тан олмаслик мумкин эмас. Амир Темур яшаган дунёда унинг салоҳиятига тенг келадиган ёки ортиқроқ салоҳиятга эга бўлган кишилар йўқ эди. Уни буюк саркардалар Александр Македонский, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Наполеон Бонапарт қаторига қўйиб ўрганиш мумкин. Чунки Амир Темур ўз асрининг буюк кишиларидан эди"[1].

Шу нуқтаи назардан, Абдулла Орипов томонидан ушбу шеърдаги биринчи бандда "Наполеон хатоси"нинг тилга олиниши ўша "хаспўшлаш" ҳийласи учун пойдевор бўлгани тайин. Бинобарин, Соҳибқирон шу қадар буюк геосиёсий муваффақиятларга эришганки, орадан тўрт аср ўтганидан сўнг Наполеоннинг ҳайрату ҳавасини келтирган.

Генерал М.И. Иванин[2] (1801–1874) Амир Темурнинг жангу жадал, уруш майдонига кириш ва чиқиш, қўшинни сафлаш, ғаним лашкарини синдириш тузуги асосида лашкарни қўл, жавонғор, баронғор, ҳировул, чоповул, шиқовулдан иборат тартибда жанговар сафга тизиш тажрибасини ўз даврининг қўшинни сафга тизиш амалиёти билан қиёслар экан, биринчидан, бу ҳо-

---

[1] **Қаранг:** *Люсьен Керен, Саидов Акмал.* Амир Темур ва Франция / Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. – Т.: "Адолат", 2016. – Б. 411. Jean-Paul Roux. Tamerlan. Paris, 1994. – P. 24.

[2] **Михаил Иванин** – рус армияси бош штабининг генерал-лейтенанти. 1875 йилда Санкт-Петербургда "О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингисхане и Тамерлане" номли китоби нашрдан чиққан. Китобга сўзбоши ёзган бош штаб генерал-лейтенанти, князь Н.С.Голицин ушбу асарни "ҳарбий-тарихий адабиётимиздаги ажойиб воқеа", деб баҳолаган. **Қаранг:** Б.Аҳмедов. Генерал М.И.Иваниннинг "Мўғул-тоторлар истилолари ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Амир Темур замонидаги ҳарбий санъати" асари ҳақида // Ўзбекистон тарихи. Тошкент, 2002. №2. – Б. 47.

латларда жуда кўп ўхшашликлар мавжудлигини очиқ эътироф этса, иккинчидан, сафга тизишнинг бундай тартибини негадир Наполеон I нинг кашфиёти сифатида нотўғри нисбат берилиши ҳақида тўхталган[1].

М.Иваниннинг фикрича, агар жанговар сафга тизишнинг бундай тартиби Ласси[2]га мансуб ҳарбий соқчиларни сафга тизиш тартибидан кейин киритилганини, бу ўзгаришларга қадар эса қўшин тиғиз сафда ва захира қисмларисиз ҳаракатланганини ҳисобга олган ҳолда, Амир Темурнинг қўшинларни жанговар сафга тизиш тартиби баён этилган "Темур тузуклари"нинг француз тилидаги таржимаси 1787 йилда нашр этилгани назарда тутилса, ўз-ўзидан бир ҳақиқат аён бўлади. Яъни, худди ўша даврда Наполеон Мисрга ва кейин Осиё қитъасидаги Туркияга, Эрон ва Ҳиндистонга ўз ҳарбий экспедициясини режалаштирар экан, "Темур тузуклари"ни ўқимаган бўлиши мумкин эмас.

Аслида ҳам, Наполеон "Темур тузуклари"да баён этилган Амир Темур, шунингдек, Чингизхон, араблар ҳамда Александр Македонскийнинг Осиё бўйлаб жанговар юришларини пухта таҳлил қилган бўлиши керак. Табиийки, ўз даврининг ҳарбий даҳоси сифатида Амир Темурнинг қўшинларни жанговар сафга тизиш тартибини ёрқин намуна сифатида нафақат чуқур ўзлаштирган, айни чоғда уни замонавий қуролланган ўз даври армиясига мослаштирган ҳолда жорий этган бўлишининг эҳтимоли каттадир[3].

Бироқ Амир Темур геосиёсатининг олий сир-асрорини Наполеон, барибир, англаб ета олмаган. Гап шун-

[1] *М.Иванин.* Армия Тамерлана // Газета "Татарский мир", 2003. www.tatword.ru/article.shtml.

[2] **Ласси** – рус армиясининг генерал-фельдмаршали, миллати ирланд, 1738–1739 йилларда Қрим хони лашкарини тор-мор этган, 1741–1743 йиллардаги рус-швед уруши даврида рус қўшинига қўмондонлик қилган.

[3] *Иванин М.* Армия Тамерлана // Газета "Татарский мир", 2003. www.tatword.ru/article.shtml

даки, урушдан-урушга ўтгани сари Амир Темурнинг жанговар кучига-куч, иқтисодий қудратига-қудрат қўшилиб борган бўлса, Наполеон ўз ғалабаларига Франция ва Европани ҳолдан тойдириш эвазига эришган. Амир Темурда – куч тафаккурга хизмат қилган бўлса, Наполеонда – тафаккур кучга хизмат қилган.

Наполеон Россияга ўйловсизлик билан ҳужум уюштириб, кейин унинг таслим бўлишини "Поклонная гора"да турганча беҳуда кутган. Амир Темур эса қизғин жанглардан ҳали совиб улгурмаган Куликово майдонигача келиб, сўнг ортига қайтган. Хўш, ҳар икки жаҳонгирнинг бу ўринда қўллаган ўзига хос стратегиялари қандай натижа берди, деган савол туғилади.

Амир Темур, бир томондан, ўзи бирон-бир манфаат кутмаган ҳудуддан қўшинини беталафот олиб чиқиб кетган. Иккинчи томондан, рус князликлари мисолида ўз салтанати яқинида беқарор ҳудудлар ва ғаним кучлар шаклланишининг олдини олган.

Наполеонда эса мутлақо тескари натижа кузатилган. Россиянинг ўша пайтдаги чегараси бўлган Неман дарёсидан 1812 йил 23 июнда 420 минг қўшин билан ўтган ва русларнинг 267 минг лашкарини чекинишга мажбур қилган Наполеон, охир-оқибат, ўша йилнинг декабрь ойида худди ўша дарёдан атиги 18 минг киши билан ортга қайтган. Бу орада Францияга қарши Россия, Англия, Пруссия, Австрия, Швеция, Испания ва Португалиядан иборат кучли ҳарбий коалиция вужудга келган. Германия, Пруссия каби мамлакатларда эса Наполеонга қарши озодлик ҳаракатлари бошланиб кетган[1].

Шундай қалтис вазиятда Франция бирлашган Европага қарши урушга тайёргарлик кўрган. Наполеон мағлубиятга учраган ва тақдири узил-кесил ҳал қилинган Ватерлоо ёнидаги жангда француз қўшинлари сони

[1] *Эргашев Ш.* Уч буюк француз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2014. – Б. 92–94.

275 минг аскардан иборат бўлса, иттифоқчилар томонидан 1 миллиондан ортиқ лашкар иштирок этган.

Абдулла Орипов "Хатолар" номли шеърининг дастлабки бандида ана шу мағлубиятни қуйидагича тасвирлаган:

*Ватерлоода хато қилди Наполеон –*
*Жаҳонгирнинг қайтди шу кун омади.*
*Мана ўтса ҳамки неча бир замон,*
*У ҳақда гапирмаган одам қолмади*[1].

Шоир буюклар ҳақида фалсафий мушоҳадасини давом эттириб, Наполеонни Соҳибқирон билан қиёслагани бежиз эмас. Нега деганда, академик Акмал Саидовнинг фикрича, бу зотлар турли замонларда ва турлича маданий маконларда яшаган бўлсалар-да, улар ўртасида анчагина ўхшашликлар мавжуд:

**биринчидан,** уларнинг иккиси ҳам қирол ёки хон авлодидан бўлмаган, лекин ўзларининг ёрқин истеъдоди ва тарих тақозоси туфайли навқиронлик пайтиданоқ ҳокимият тепасига келганлар;

**иккинчидан,** ҳар иккаласи ўз салтанатининг пойтахти – бири Самарқандни, бошқаси эса Парижни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган;

**учинчидан,** ҳар иккиси ҳам давлат бошқарувида ўз даври учун мукаммалликка эришган бўлиб, биридан "Темур тузуклари", иккинчисидан, "Наполеон кодекслари" мерос қолган;

**тўртинчидан,** энг муҳими, уларнинг фаолиятига ҳар хил даврларда турлича баҳо берилганига қарамасдан, ҳар икки буюк зотнинг ҳам тарихда ўз муносиб ўрни борлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 154.

Шу билан бирга, Наполеон Амир Темурдан фарқли равишда, тирик пайтидаёқ тахтдан туширилган. Бунга Ватерлоодаги машъум фожиа сабаб бўлган. Шунингдек, Наполеоннинг ҳаёти хўрлик, ҳақорат ва фожиавий қисмат билан якун топган бўлса, Соҳибқирон мардонавор равишда, навбатдаги зафарли жанг остонасида, яқинлари бағрида ҳаётдан кўз юмган.

Яна бир фарқли жиҳат – Амир Темур моҳир шахматчи, айрим манбаларга кўра, ҳатто "катта шахмат" кашфиётчиси сифатида эътироф этилгани ҳолда, Наполеон мутлақо кучсиз шахматчи бўлган. У шахматни жуда мураккаб, зерикарли ва кўп вақтни оладиган ножиддий ўйин, деб ҳисоблаган. Шу боис, асосан шашка ўйнаган ва ўзининг жанг майдонида қўллайдиган тактикаларини ҳам ушбу ўйиндан нусха олган.

Ежи Гижицкий (1919–2009)[1] таъкидлаганидек, тақдир тақозосига кўра, умрининг сўнгги йиллари, яъни муқаддас Елена оролида сургунда бўлган пайтларида Наполеон шахмат ўйинига қайтадан ишқибоз бўлган. Лекин бу гал шахмат Наполеонга, таъбир жоиз бўлса, вафо қилмаган. Яъни, француз жаҳонгирга садоқатли дўст бўлган офицерлар томонидан совға қилинган шахматнинг фил суягидан ясалган айрим доналари ичида сургун оролидан қочиш режаси яширилган бўлиб, Наполеон умрининг охиригача бу сирдан бутунлай бехабар ўтган[2].

---

[1] **Ежи Гижицкий** – польшалик таниқли журналист ва кинотанқидчи, шахмат тарихи бўйича мутахассис ва коллекционер. Машҳур "Шахмат билан бирга асрлар ва мамлакатлар оша" номли китобнинг муаллифи. 1958 йилда ёзилган ушбу асар рус тилида беш марта қайта нашр этилган, шунингдек, инглиз, венгер, чех, швед ва дан тилларида чоп этилган. Владислав Литманович билан ҳаммуаллифликда 1986–1987 йилларда илк поляк шахмат энциклопедиясини тузган.

[2] *Ежи Гижицкий.* С шахматами через века и страны / Предисловий Давида Бронштейна. Пятое издание. – Warszawa: "Sport i turystyka", 1970. – С.197–198.

Амир Темур Чингизхон истилосидан кейинги даврда Мовароуннаҳр атрофидаги ўтроқ халқлар яшайдиган ҳудудларни Евроосиё марказига бирлаштиришга бутун умрини бағишлар экан, бу ердаги кўчманчи халқларга хос ҳаёт тарзини, уларнинг ўзига хос тизимли урф-одатларини бекор қилмаган. Бинобарин, Соҳибқиронга бу анъана ва расм-русумларнинг зиёнидан фойдаси кўпроқ теккан. Ричард Нельсон (АҚШ) эътироф этганидек, "Амир Темурнинг яна бир жиҳатига тан бермай иложи йўқ – у бир қатор маданиятлар, масалан, кўчманчилар билан ўтроқ халқлар ёхуд мўғуллар, турклар, форсийлар, энг муҳими, Ғарб ва Шарқ ўртасида яхшигина кўприк ўрнатган"[1].

Алқисса, устоз Абдулла Орипов ўз шеърини қуйидаги банд билан хулосалайди:

*...Хато қилган бўлсам, кечиргин, болам,*
*Юз йил давомида чўзаверма, бас.*
*Кўриб турибсан-ку, мен оддий одам,*
*Наполеон эмасман, Темур ҳам эмас!*

Хўш, шоирнинг ёш авлодлар олдидаги бундай узрхоҳлигига сабабчи хатоси нимадан иборат бўлиши мумкин? Фикримизча, Устознинг бу "хато"си, биринчидан, Амир Темур ва Наполеоннинг "хатолари"дан тўлиқ хабардор бўлганида, иккинчидан, сизу бизни ана шу қизиқарли тарихий жумбоқларнинг тагига етиш учун астойдил изланишга даъват эта билганида – сирлар калитини топишга ундаганида, десак хато бўлмайди.

Дарвоқе, 2004 йили Бельгияга йўлим тушганида, Наполеон учун фожиавий тугаган сўнгги тарихий

[1] *Ричард Нельсон.* Темур ҳарбий стратег ва улкан сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – Б. 33.

жанг манзили – Ватерлоо тепалигини зиёрат қилдим. Ўша ердаги дўкончадан Абдулла акамга эсдалик учун арзимаган бир совға харид қилдим. Устознинг боши кўкка етганди-я...

### “Уддалаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин”

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманининг Хўжаилғор қишлоғи қабристонига туташ чимзорда “Т” шаклида тарошланган, вазни тахминан 110–120 килолик кўҳна харсангтош бор. Қишлоқ аҳли уни “полвонтош” деб атайдилар.

Ривоят қилишларича, буюк Соҳибқирон ҳар гал ота юртига келганида, аввало, яқинлари хоки покини тавоф этар, сўнг қишлоқнинг сайҳон жойида сайл уюштириб элга назр-ниёз улашар экан. Шу ернинг ўзида аскарликка талабгор йигитлар синовдан ўтказилар, яъни полвонтошни даст кўтарганча даврани бир қур айланиб чиққан ўғлонлар Амир Темур қўшини сафига қабул қилинар экан.

Тошнинг тепа қисмида пиёла шаклида чуқурча ўйилган. Айтишларига қараганда, бу митти ҳавза унда тўпланадиган ёмғир сувидан парранда-даррандалар ичиши учун мўлжаллаб Амир Темур кўрсатмаси бўйича тарошланган. Бунинг замирида навқирон, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак ва садоқатли ўғлонлар билагидаги куч-қудрат, уларнинг соғлом руҳи, жисмоний камолоти наинки юрт осойишталигини, халқнинг тўкис ва фаровон турмушини, салтанат ободлиги ва шон-шавкатини таъмин этишга хизмат қилади, балки, ҳатто осмондаги қушларга ҳам ғойибона қуввату офият бағишлайди, деган эзгу ақида мужассам.

Холисона айтадиган бўлсак, буюк аждодимиз ҳаётига бағишланган манбаларда бу тош ҳақида бирон-бир ёзма маълумот учрамайди. Демак, полвон-

тошнинг Амир Темур фаолиятига қанчалик алоқадорлиги тарихи номаълум. Айни чоғда, юқоридаги ҳикоятда бошқа бир муҳим моҳият – Амир Темурнинг соғлом авлод, соғлом халқ ҳақидаги орзу-ҳаваслари, қарашлари яққол ифодасини топганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тарихдан аёнки, Амир Темур ўз салтанатини ўн икки тоифага бўлган ва уларга таяниб, салтанат қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб тузган ҳолда иш юритган. Бунда саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислардан иборат бўлган. Амир Темурнинг фикрича, бу тоифа мамлакат ишига ривож берувчи кишилардир.

Бошқача айтганда, халқ соғлиги – юрт бойлиги, деган мақол ўша даврлардаёқ маълум бўлиб, Амир Темур унга қатъий риоя этган. Халқ ёппасига саломат бўлса, юрт обод, тинч-фаровон бўлади, деган ақидадан келиб чиққан Соҳибқирон ҳакимлар, табибларни, яъни халқ саломатлиги посбонларини ҳурмат қилган, уларнинг меҳнатини эъзозлаган.

Жаҳонгир бобомизнинг сиҳат-саломатлик масалаларига нафақат давлат арбоби, балки оддий инсон сифатидаги ёндашуви ҳам ҳаётийлиги ва мантиқий асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу қарашлар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда.

Амир Темур ҳаммадан, фарзандлари ва невараларидан ҳам оилавий масалаларга ҳамиша шаръий ёндашишни, покиза, ҳалол бўлишни талаб қилган. У аёлларнинг шарм-ҳаёли, иффатли, ҳушёр, оқила бўлишини истаган, келинларига нисбатан ниҳоятда меҳрибон ва шафқатли бўлган. Оғироёқ келинларини ўз эътиборига олиб, уларга ғамхўрлик қилишни шахсан оқила Бибихоним зиммасига юклаган. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

"Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир" – бу ҳикматли шиор шавкатли бобокалонимиз маънавияти бебаҳо дурдоналаридан бир шингил, холос. Амир Темур маънавияти улкан манба, туганмас булоқ бўлиб, ҳозирги кунда миллий истиқлол ғоясини ҳаётимизга кенг жорий қилиш йўлида, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алқисса, Хўжаилғор қишлоғида кўрганим бир қарашда ўта жайдари, яна бир қарашда том маънода тарихий ўша тош ҳақида Абдулла ака билан гурунгларимизнинг бирида ниҳоятда берилиб сўзладим. Юқорида ёзган гапларимнинг ҳар бир жумласини обдан ошириб-тошириб ҳикоя қилдим. Устоз эса берилиб тинглади. Мен кашф этган янгиликдан мутлақо бехабардек, баъзан ҳайратланиб ва сира чарчамасдан бош иргаб, маъқуллаб ҳам турди.

Ўша тарихий полвонтош ҳақида келгусида мақола ёзмоқчи эканимни[1] айтгач, ниҳоят гапиришдан тўхтадим. Сўнгра чуқур нафас ростладим, зеро ўзимдан кўнглим тўлган эди. Кимсан, Абдулла Орифдек зот бехабар нарсаларни кўриб келиб, боплаб айтиб бергандим ва Устозни лолу ҳайрон этгандим, ахир!

Яна узоқ ўтирдик, бошқа мавзуларда ҳам берилиб гурунглашдик. Хайрлашиш асносида, Абдулла ака бир варақ қоғозни секингина чўнтагимга солиб қўйди.

Уйга келганимдан кейин ўша варақнинг буклоғлиқ қатини очдим, унда Устознинг қаламига мансуб ушбу шеър битилган экан:

[1] Абдулла акага ваъда қилган мақоламни кейинчалик ёздим ва матбуотда чоп эттирдим ҳам, лекин Устознинг айни мавзудаги шеърини негадир узоқ вақтгача на матбуот саҳифаларида, на китобларида учратмадим. **Қаранг:** Ғулом Мирзо. Полвонтош / "Туркистон" газетаси. 2005 йил 23 февраль.

### Темур тоши

*Ҳўжаилғор қишлоғида яхлит бир тош бор,*
*Уни ердан уза олмас унча-мунча зот.*
*Бир замонлар ёвқур Темур – ёш ва шиддаткор,*
*Машқ қиларкан ўша тошни кўтариб озод.*

*Асрларким Темур тоши турар мустаҳкам,*
*Синашмоқчи бўлса ҳар ким иқболи кулсин.*
*Ўша тошга ўхшаб кетар замон юки ҳам,*
*Уддалаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин*[1].

### Орият

Абдулла аканинг далаҳовлисида меҳмон бўлганимизда, ушбу ҳикояни Устоз ва домла Қаландар ака навбати билан, кула-кула сўзлаб беришган.

Гап шундаки, 2008 йил сентябрь ойида Абдулла Орипов – Алигьери Данте қаламига мансуб "Илоҳий комедия" асарининг ўзбек тилига таржимони мақомида, профессор Қаландар Абдураҳмонов эса ушбу асарнинг ўзбекча китоби нашири сифатида Италияда ҳар йили ўтказиладиган "Илоҳий комедия" ўқишлари" халқаро фестивалига таклиф этилади.

Куз фасли, Европанинг осиёликлар, айниқса, ўзимизнинг ўзбеклар учун кўникимсиз даражада зах ва совуқ ҳавоси, боз устига, олис масофа таъсир қилганми, ҳар ҳолда, Италиядаги кутилган манзилга – Данте дафн этилган Равенна шаҳрига етиб келганларида, Абдулла ака бехосдан қўзғалган "подагра" хасталиги туфайли самолётдан оқсаб тушиб келади.

Устознинг ўта руҳсиз ва аянчли ҳолатини пайқаган Қаландар ака юпатмоқчи бўлади. Яъни, Домла бу

[1] **Қаранг:** *Орипов Абдулла.* Темур тоши / "Соҳибқирон юлдузи" журнали. 2010 йил, 1-сон. –7-бет.

ҳаётда не-не ғаму ташвишларни кўрган, нафақат ҳар бир шеърини, балки ҳар қайси сатрини, ҳатто таржималарини ҳам минг бир азоб тўлғоғида яратган улуғ шоир "арзимаган чўлоқлик" оғриғидан азоб чекиши ажабланарли ҳол эканини писанда қилади.

Ўшанда Абдулла ака Қаландар аканинг азалдан оқсаброқ юришига енгилгина ишорат қилиб ва бу одобсизлиги учун астойдил узр сўраган ҳолда, шундай жавоб қилган экан:

– Эй, Домлайи киром, европаликлар, хоссатан, италияликлар Амир Темур бобомизни "Тамерлан", яъни "Оқсоқ Темур" деган ном билан таниган ва тан олган. Ҳозир бизни кутаётган халқаро анжуман аҳли шу пайтгача улуғ жаҳонгирнинг ворислари бўлмиш ўзбеклардан биронтасини кўрган ё кўрмаган чиқар. Шундай экан, нуфузли бир фестивалга иккимиз ҳам оқсоқланиб кириб борсак, бундай қисмат буюк Соҳибқирон қавмининг барига хос экан-да, деб ўйламайдиларми? Сиздан-ку хафа эмасман, оёғимнинг оғриғига ҳам чидайман. Дард бемаҳал чўлоқлантирганига орим келмоқда, холос.

Ушбу ҳикоятни баён этишимдан мурод шуки, кейинги даврда асрлар бўйи улуғ Соҳибқирон бобомизга бағишлаб хорижда яратилган опера, достон ва ҳикоялардан айрим намуналарни ўзбек тилига таржима қилдим. Бунда, албатта, Амир Темур ёдини бир умр қалбининг тўрида, кипригининг учида, кўзининг оқу қорасида эҳтиётлаб сақлаган Абдулла Ориповдек ор-номусли Устознинг руҳи менга ҳамиша илҳом бағишлаб турди.

**Абдулла ОРИПОВ**

* * *

*Муаллақ гапларни сўйлама менга,*
*Энди мен ер узра топганман қўним.*
*Инсон деб фалакка ҳайқирмоқ нега,*
*Инсон ёнингда-ку, у менинг қўшним.*

*Иқбол деб беҳуда чекасан ёҳу,*
*Оҳинг бу – фолбиннинг дарақларидир.*
*Асрим, асрим дейсан, асринг нима у?*
*У – тўзғоқ календарь варақларидир.*

*Боғингда бир ниҳол гуллабди бу кеч,*
*Эрта қийғос бўлар олма нопармон.*
*Илк баҳор заҳрини ўйладингми ҳеч,*
*Заминда не армон, сенда не армон.*

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тиғида*
*Фалакни кўзларди менинг ҳам созим.*
*Лекин икки дарё оралиғида*
*Қолиб кетди менинг ўша овозим.*

# ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА: ОБРАЗНИ ОБРАЗ БИЛАН БЕРИШ МУАММОЛАРИ

## "Икки дарё оралиғида..."

XX аср 80-йиллари бошида, роппа-роса 40 ёшида Абдулла аканинг мухлисларга тақдим этган бир туркум янги ижод маҳсуллари қатори **"Муаллақ гапларни сўйлама менга..."** сатри билан бошланувчи шеъри ниҳоятда машҳур бўлган. Айниқса, бу шеър охиридаги:

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тиғида*
*Фалакни кўзларди менинг ҳам созим.*
*Лекин икки дарё оралиғида*
*Қолиб кетди менинг ўша овозим*[1], – деган мисралар шеърият мухлисларининг қизғин давраларида кенг муҳокама қилинган.

Энг муҳими, фикри ожизимча, асосли талқинлардан бири шундай эдики, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ва қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов рус тилида ижод қилган бўлса, доғистонлик шоир Расул Ҳамзатовнинг шеърларини аввалбошдан етук рус шоирлари ҳамда таржимонлари авар тилидан русчага ўгирган.

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Иккинчи жилд: шеърлар ва достонлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б. 12.

Шунинг учун собиқ иттифоқ миллий республикалари ижодкорлари орасида уларнинг довруғи бизнинг шоиру адиблар, хусусан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби юксак истеъдодли ўзбек шоирларига нисбатан ҳам машҳурроқ бўлиши таъминланган.

Аввало, ушбу русийзабон адибларимизнинг туғма иқтидорига зиғирча шак келтирмаган ҳолда, ардоқли ўзбек шоирлари ўз она тилида ижод қилгани – уларнинг фазилати эканини ҳам эътироф этишга бурчлимиз.

Айни чоғда, агар Абдулла ака каби забардаст шоирларимизнинг ижоди ҳам дунёнинг етакчи тилларига баркамол даражада, демакки, аслиятга муқобил тарзда таржима қилинганида, уларнинг довруғи "икки дарё оралиғи"дан, яъни Марказий Осиё минтақасидан ташқарида аллақачон маълуму машҳур бўлиб кетарди.

Абдулла аканинг "Арслон чорлаганди" номли шеъри талқини орқали ҳам айни шундай фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин.

### "Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни..."

Абдулла Орипов 1982 йилда ёзилган "Арслон чорлаганди" шеърини Эркин Воҳидовга бағишлаган. Бу шеър ҳам маърифатли шеърхонлар даврасида кўп мушоҳадаларга сабаб бўлган.

Ана шундай гурунгларда қайта-қайта эшитганимдек, хусусан, бир пайтлар собиқ марказда: "Рус адабиётида – фалончи адиблар, украин ва белорус адабиётида пистончи шоир ва ёзувчилар жаҳон адабиёти намояндалари даражасига кўтарилган. Шундай экан, нега Марказий Осиё республикаларида ёрқин истеъдодли адиблар етишиб чиқиб, дунёни лол қолдирмаяпти? Ахир, Шарқ адабиёти азал-азал Ғарб адабиёти-

дан устун бўлиб келган-ку?" қабилидаги истеҳзоли саволлар пайдо бўлган.

Биламизки, ўша замонларда собиқ иттифоқ ҳудудида яратилган ҳар қандай асар дунёга фақат рус тили орқали чиққан. Бошқача айтганда, шоирнинг баҳоси шеъру достонлари рус тилида қандай жаранглашига бевосита боғлиқ бўлган.

Шу боис Тошкентга бир гуруҳ рус таржимонлари келиб, "Бугунги ўзбек шеъриятини жаҳонга олиб чиқишга муносиб энг сара шоирларингизни кўрсатинг, уларнинг энг ажойиб шеърлари ва гўзал достонларини беринг", дейишган. Хўш, кейин нима бўлган, дерсиз?

Нима ҳам бўларди, ёстиқдек-ёстиқдек китоблари Тошкент ва бошқа шаҳарларимиздаги дўконларда сотилмай, йиллар давомида чанг босиб ётган айрим арбоб шоирлар "Мана, биз ўшандоқмиз-да, бизнинг асарларимиз ана бундоқ-да", деб ўртага чиққан. Ўша шуҳратпарастлар таржимонларни ҳатто келганларида – меҳмонга айтиб, бўғзидан чиққунича тўйдирган бўлса, кетганларида – изларидан совға-салом ташишдан чарчамаган. Бир сўз билан айтганда, худбинлик туфайли шахсий манфаатлар йўлида сохта обрў тўғридан-тўғри сотиб олиниб, аксинча, миллат, халқ ва юрт обрў-нуфузи бемалол сотиб юборилган.

Энг ёмони, миллий адабиётимиз келажаги сариқ чақага пулланган. Акс ҳолда, қирқ ёшнинг нари-бериси даёқ халқимизнинг машҳур ва севимли шоирларига айланган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби юксак истеъдодлар гуркираб ижод қилаётган бўлишига қарамай, ўша йилларда миллий шеъриятимиз жаҳонга чиқа олмаганини яна нима билан изоҳлаш мумкин? Агар бошқача бўлганида, ўзбек шеърияти ўша йилларда ҳам жаҳон минбарларидан кўп ва хўб жаранглаган бўларди.

Шу тариқа собиқ марказда Марказий Осиё республикаларида дўмбира билан куйлайдиган бахши, оқин ва жировлар бор бўлиши мумкин, аммо дунё шеърияти забт этган марралардан ўзиб кетадиган замонавий шоирлар йўқ, деган нохолис хулоса шаклланган. Оқибатда компартиянинг миллий сиёсатига риоя қилиш нуқтаи назаридан, ҳатто айрим шоирларимизнинг номидан рус тилида шеърлар ёзилган ва бундай сохта ижод маҳсуллари таржима сифатида эълон қилинган ҳоллар ҳам юз бериб турган.

Шундай мураккаб шароитда Абдулла Орипов каби миллий шеъриятимиз ёрқин юлдузларини юзага чиқариш учун, айтиш мумкинки, энг ғариб имкониятлардан ҳам фойдаланишга тўғри келган. Шоирнинг "Арслон чорлаганди" шеъри худди шу ўкинч руҳига йўғрилган. Бу ерда арслон образи – буюклик, содда қилиб айтганда, жаҳон адабиёти шоҳсупаси, демакдир. Ҳамма нарсани ўз инига ташийдиган очофат қумурсқалар эса – ўша худбин ижодкорларнинг умумлашма образи.

Абдулла аканинг юқорида тилга олинган икки шеъри талқини туфайли туғилган ушбу очиқ ва аччиқ мушоҳадаларни, 1989 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетини битириш асносида ёзган диплом ишим доирасида илмий-таҳлилий асосда ўрганишга ҳаракат қилганман.

Бундан қарийб ўттиз йил илгари битилган, икки улуғ устозим – Университетнинг Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудири профессор Ғайбулла ас-Салом ва диплом раҳбарим доцент Тилак Жўранинг назаридан ўтган ўша мухтасар тадқиқотни бугун сиз билан баҳам кўргим келди, азиз ўқувчим.

## “Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон...”

(Н.Гребнев таржималари талқини)

Шеърий таржиманинг бош талаби аслиятдаги маънавий-эмоционал ва бадиий қудратни таржимада айнан тиклашдан иборат. Аниқроғи, шеърни сўзма-сўз ўгириш эмас, аксинча, шеърни шеърга айлантириш, поэзияни поэзия билан таржима қилиш лозим.

Яхши таржимада аслиятдаги матннинг бадиийлик кўрсаткичларидан бўлган шеърий санъатлар ҳам ўз ифодасини топади. Зотан, шеърий санъатлар тасвирий ва ифода қуролларидан бўлиб, Шарқ шеърияти ўз фазилатларининг ярмини ана шу бадиий-тасвирий воситалар, образлар иштирокида кўради.

Бадиий таржиманинг асосий хислатларидан бири образлиликни нечоғлик муваффақият билан ўгиришга боғлиқ экан, профессор Ғайбулла Саломовнинг “Таржима назарияси асослари” китобида айтилганидек, “бунда сўзни сўз билан, жумлани жумла билан эмас, балки образни образ билан бериш таржимон олдида кўндаланг бўладиган муаммо ҳисобланади”[1].

Ўзбеклар ва руслар салкам икки аср давомида ён-ма-ён яшаб келаётгани туфайли бу икки халқ шеъриятидаги айрим образлиликларни ўзбекчадан русчага ёки русчадан ўзбекчага айнан ўгирганда ҳам улар тўла эквивалент (мутаносиб) бўла олиши мумкин.

Бошқа ҳолларда эса муайян образга тимсол бўладиган объект халқнинг моддий турмуш тарзига, хўжалигига хос нарсалардан, тушунчалардан олинади.

Қуйида биз шеърий образлиликнинг таржимада берилишини муайян мисолларда кўриб ўтамиз.

[1] *Саломов Ғайбулла.* Таржима назарияси асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983. – Б. 17.

Абдулла Ориповнинг "Саратон" шеъридаги:

*Чўнтакдан тўкилган тангалар мисол*
*Шуълалар ўйнайди супа учида.*
*Бировдан хижолат бўлган каби тол*
*Ер чизиб туради – дами ичида*[1], – бандида биринчи икки сатр ўхшатиш-образлилик бўлса, кейинги икки сатр жонлантириш-образлиликдир. Бу тасвирлар орқали аниқ манзара: супа, бутоқлари билан "ер чизаётган" тол, унинг шохларини оралаб ўтаётган тангадек милтир-милтир шуълалар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Таржимон Н.Гребнев ушбу сатрларни қуйидагича ўгирган:

*В садах шуршит листва.*
*Уже не рано,*
*И путники выходят на тропу.*
*И небо, как медяшки из кармана,*
*Бросает блики солнца на супу*[2].

Бу ерда таржимон жонлантириш-образлиликни қурбон қилган, лекин яна бир "аммо"ни ҳисобга олмаганда, ўхшатиш-образлиликни чиройли ифодалаган. Яна бир "аммо" шуки, "тангалар" ("медяшки") қаердан тушаётгани ноаниқ, чунки аслиятда мавжуд бўлган супа тепасидаги тол таржимада "қирқиб ташланган". Бандниг биринчи ("В садах шуршит листва") қаторига таянамиз десак, ўртада иккита сатр – икки мустақил лирик ҳолат ва фикр мавжудки, улар боғлар ("в садах") билан супанинг орасини анча узоқлаштириб қўйган.

[1] *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 212.

[2] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 55.

Ушбу шеър таржимасида Н.Гребневнинг муваффақиятлари ҳам бор. Масалан, аслиятдаги:

*Бутун олам гўё улкан дошқозон,*
*Қайдадир – кўринмас унинг нарёғи.*
*Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон,*
*Ичига тушмоқлик осонмас чоғи*[1], – бандини мутаржим:

*Посевы и кусты обожжены,*
*Земля – котел, он на огне калится.*
*Мучительно глядеть со стороны,*
*А каково в таком котле вариться*[2], – деб ўгирган. Бу, назаримизда, айни образни образ билан беришнинг ёрқин мисолидир. Гарчанд шоир "Бу қайноқ қозонни кузатмоқ **осон**", деб ҳисобласа, аксинча, таржимон "**Мучительно** глядеть", дейди. Аммо хулоса битта: "**Ичига тушмоқлик осонмас...**"

Шу шеърнинг биринчи бандидаги:

*Ногаҳон фалакка урган каби дўқ*
*Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар*[3], –

жонлантириш-образлилигини ҳам Н. Гребнев, фикримизча, кўнгилдагидек ўгирган:

*И тополь, словно небу он грозится,*
*Воздел свои сухие ветви ввысь*[4].

---

[1] *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 212.

[2] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 55.

[3] *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 212.

[4] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 54.

Таржимада шеърий образ бир қадар конкретлаштирилган. Яъни, тераклар эмас, терак ("тополь") қуруқ қўлларини кўкка ўдағайлагандай кўтариб турибди. Жонлантириш ҳам анча кучайтирилган. Шу йўллар билан таржимон аслиятдаги образлилик бераётган маънони тўла-тўкис ифодалай олган.

## "Баҳодир найзаси"ми ё "Дон Кихот шамшири"?

(А.Файнберг, О.Дмитриев таржималарининг танқидий таҳлили)

Хўш, образларни таржима қилишда ушбу йўлни (Н.Гребневнинг мавҳумликни конкретликка айлантириш усулини) қўллаш доимо муваффақиятга олиб келаверадими?

Яна таржималарга мурожаат қиламиз. Абдулла Орипов қаламига мансуб "Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси" шеърида шундай ўзига хос образлилик бор:

*Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол*
*Маъюс эгилади терак учлари.*

Шеърда нимадандир "қалбининг сафоси ўчган" лирик қаҳрамоннинг мунглиғ ҳиссиёти изҳор этилган. Юқорида келтирилган образлилик ҳам, ундаги "мағлуб" ва "маъюс" сўзлари ҳам ана шу ғамгинликни кучайтиришга хизмат қилган. Бунда айнан "мағлуб баҳодир" шахс сифатида онгимизда деярли бирон белги қолдирмайди. Аксинча, маъюс эгилган терак учлари (мағлуб баҳодирнинг ерга қаратилган найзасига қиёслангани туфайли) қалбимизда чуқур мунг уйғотади.

Шеърни рус тилига ўгирган шоир ва таржимон А. Файнберг ушбу образлиликдаги "мағлуб баҳодир" образини конкретлаштириш йўлидан борган:

*Как будто шпага Дон Кихота,*
*Там ветка тополя висит*[1].

Оқибатда шоир қўллаган образлиликни ҳис этиш борасида аҳвол бутунлай ўзгаради. Дон Кихот ҳақидаги киноявий қиссадан хабардор бўлган ҳар қандай ўқувчи кўз ўнгида беихтиёр ҳовлиқма рицарнинг қўлида найза билан шамол тегирмонига ҳужум қилгани-ю, шароб мешларини тешиб ташлаганига ўхшаш серҳангома саргузаштлари гавдаланади.

Демакки, энди шеърхонда ҳажв ва кулгига мойиллик уйғонади. Албатта, ўз навбатида, "теракнинг маъюс эгилган учлари" ҳам, аслиятдагидан фарқли равишда, таржимада фақат кулги уйғотиши мумкин ёки бутунлай ҳиссий таъсирини йўқотган бўлади.

Бундан ташқари, ушбу образлиликнинг таржимада айнан шунақа берилиши шеърнинг миллий оҳорига ҳам путур етказган. Ҳар ҳолда, таржимон "баҳодир" тушунчасининг ("рицарь" эмас!) миллий руҳини таржимада тиклаши шарт эди, деб ўйлаймиз.

Айни шу шеърнинг О.Дмитриев амалга оширган таржимасини ўрганар эканмиз, у биз таъкидлаётган образлиликни русчага ўгиришда, ҳар тугул, нисбатан мақбулроқ йўл тутгандек туюлади:

*И гнутся кроны тополей,*
*Как будто*
*Копье батыра, павшего в бою*[2].

Аммо аслиятдаги 2 та сатрда ихчам берилган фикрнинг О.Дмитриев таржимасида 3 та сатрга чўзили-

[1] *Арипов Абдулла.* Удивление. – Ташкент, 1985. – С. 112.

[2] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 54.


ши, назаримизда, тегишли образлиликнинг таъсир кучини бироз камайтиргандек.

Бинобарин, таниқли рус адиби, таржимони ва адабиётшуноси Николай Гумилев таржима шеърдаги сатрлар миқдори ҳақида шундай деган: "Таржимон бу соҳада муаллифга бўйсунишга мажбур. Гарчанд образлар сони сақлаб қолинса-да, аслият оҳангини ўзгартириб юбормаслик учун, шеър ҳажмини чўзиш ёки қисқартириш мумкин эмас. Чунки образнинг лўндалиги ва яхлитлигини таъминлаган ўша фикр туранглиги ҳар бир ортиқча ёки етмаётган сатр туфайли йўқолиб қолади"[1].

Абдулла Орипов шеърларининг кўпчилик шоирлар ва таржимонлар таржимасидаги яна бир русча тўплами 1985 йили "Жажда весны" деган ном билан Тошкентда босмадан чиққан. Афсуски, тўпламдаги таржималарнинг кўпчилиги саёз, аслиятдан узоқ, шоирнинг ўзига хос услубига бегонадир. Масалан, Абдулла Ориповнинг "Муножот"ни тинглаб" шеърида шундай банд бор:

*Агар алдамаса шу совуқ симлар,*
*Гар шул эшитганим бўлмаса рўё,*
*Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,*
*Сен она эмассан, жаллодсан, дунё![2]*

Бу мисрада образлар бир-бирини тўлдириб, бир-бирига боғланиб ва ўзаро зидланиб келган:




[1] Перевод – средство взаимного сближения народов. Сборник: эссе, статьи, выступления крупнейших отечественных и зарубежных писателей и переводчиков посвящённые практике и эстетике перевода. – Москва: "Прогресс", 1987. – С. 78. (Иқтибос таржимаси бизники – *Ғ.М.*)

[2] *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 60.

Ушбу образлар орқали шоир ифодалаган фикрни кенгроқ қараб кўрайлик. ТАБИАТ – ИНСОН вояга етадиган макон, яъни БЕШИК; ДУНЁ эса ИНСОН тарбиячиси – ОНА. Лекин ИНСОН шуларнинг паноҳида яшаб ҳам шунчалик азоб тортган эканми, у ҳолда, энди ТАБИАТ – БЕШИК эмас, балки – ДОР; ДУНЁ эса ОНА эмас, аксинча –ЖАЛЛОД демакдир!

А.Файнберг таржимасида бу теран мазмундаги фалсафий образлилик қандай аҳволга тушганини кўринг:

*Я не могу. Мне хочется свободы.*
*Невыносимо слышать этот плач.*
*И если это песнь твоя, природа,*
*Тогда не колыбель ты, а палачь*[1]*...*

Юзаки қараганда, шеърий парчанинг мазмуни сақлаб қолингандек кўринса-да, биринчидан, таржимада образлар занжири узилган ва чала берилган; иккинчидан, "бешик" ("колыбель") – жонсиз нарса бўлса ҳам, "жаллод" ("палачь") жонлига тенглаштирилган. Оқибатда мантиқсизлик юзага келиб, маъно эса мавҳум бўлиб қолган.

### "Баҳор тетапоя гўдакдай ширин..."

(А.Наумов, А.Преловский, В.Цибин таржималари)

Москвада 1988 йили чоп этилган "Ветер моего края" тўпламида Абдулла Ориповнинг "Муножот"-ни тинглаб" шеъри А.Наумов таржимасида берилган. Шеър ҳажм жиҳатдан ошиброқ кетган, яъни 5 бандли аслият 7 бандли таржима матнга айланган. Шунга қарамай, таржима нисбатан яхши чиққан.

[1] *Арипов Абдулла.* Жажда весны. – Ташкент: "Ёш гвардия", 1985. – С. 17.

Ушбу шеърдан биз юқорида таҳлил қилган образли банднинг таржимасини келтирамиз:

*Если правда, что было так плохо,*
*Как твердит этой музыки плач,*
*Значит, мир нам не люлька, а плаха!*
*И природа – не мать, а палач*[1]*...*

Бу таржимада аслиятдаги "дор"нинг "плаха", яъни жаллод "кунда"сига айлантирилгани ҳам мақсадга мувофиқдек. Чунки ўзбек тилидаги "дор" сўзига юкланган ҳиссий маънони "плаха" сўзи рус китобхонига худди ўшандайлигича етказиб бермоқда.

"Ветер моего края" тўпламидаги мутаржимлари турли шоиру таржимонлар бўлганидек, таржималарнинг сифати, савияси ва аслиятга оҳангдошлик даражаси ҳам турличадир. Масалан, Абдулла Ориповнинг "Кузак шамоллари" шеърида:

*Келгил, паривашим, келгил жимгина,*
*Келгил самолардан мезонга ўхшаб*[2]*, –*

образлилиги А.Преловский таржимасида:

*Приди, моя любимая, ко мне,*
*Как паутинка осени, спустись*[3]*, –* сингари чиройли ўгирилган. Ёки "Туман тушаётир" шеъридаги:

*Мажнунтол уватда ҳорғин олар тин,*
*Оппоқ сочларини ёйган паришон*[4]*, –*

---

[1] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 121.

2 *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 240.

3 *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 158.

4 *Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 351.

образлилигини В. Цибин:

*Устав, отдыхает плакучая ива,*
*Рассыпав рассеянно пряди волос*[1], – тарзида аниқ ифодалаб бера олган. В. Цибин таржимасида "Баҳор" шеъри ҳам яхши чиққан. Таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов бу шеър ҳақида шундай деган: "У (Абдулла Орипов) баҳорга шеър бағишлар экан, шеърнинг дебочаси қилиб ҳаётни, уйғонишни, қайта тикланишни олади"[2].

Лекин А.Файнберг таржимасида Абдулла Ориповнинг машҳур шеъри дебочасидаги уйғониш, ҳаёт ҳақидаги ўша ўтли мисралар, уларга сингдирилган шода-шода ташбеҳлар силсиласи русча матнда ўз аксини топмаган эди. В. Цибин эса таржима жараёнида шеърнинг айни шу хислатларига алоҳида эътибор қаратган. Таржимадаги:

*

**Проснулись ветры вновь, ладони потирая...**
*(Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин...)*

*

**Кивает головой здесь травка молодая...**
*(Безавол майса ҳам силкитади бош...)*

*

**Читает скорбный бейт надгробия в бессилье**
**Цветок, склонивши лик на мраморную твердь...**
*(Кимнингдир кўксига энгашганча гул*
*Мармар сағанадан ўқиб турар байт...)*
*

1 *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 195.

2 *Қўшжонов Матёқуб.* Сўзбоши /*Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 19.

**Все чаше, все тесней,**
**Как бейты у поэта,**
**Выстраиваются в ряд, рыдая, журавли...**
*(Шоирнинг дилрабо байтлари мисол*
*Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи...)*

*

**Слетает вмиг с души**
**Грусть лепестками мака[1], –**
*(Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам...)* –

сингари қатор ташбеҳлар аслиятнинг нафасини, Абдулла Орипов шеъриятига хосу мос бадиий тароватни сақлаб қолиш учун хизмат қилган.

Бироқ В. Цибин таржимасида ҳам барча образли мисралар тўлақонли сақланган ва рус тилига муваффақиятли ўгирилган, дея олмаймиз. Жумладан:

*Жемчужиной ночной на стареньком камзоле*
*Сияет из-за туч далекая звезда,* – сатрлари аслиятда келтирилган:

*Увада камзулда биллур тугмадай*
*Булутлар ортидан боқади юлдуз,* – ташбеҳини бутун гўзаллиги ва поэтик зиддияти билан бирга қамраб ола билмаган, деб ҳисоблаймиз. Ёки:

*Баҳор тетапоя гўдакдай ширин,* – образли сатри таржимада:

*Как первенец-ползун, весна мила, сладка,* – тарзида берилганки, бу мисра ўқувчи руҳига сингмайди ва зўрма-зўраки, сўзма-сўз ўгирилгандек тасаввур пайдо қилади.

[1] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 87, 89, 92.

Шу шеърнинг бошқа бир мисрасида шоир:

*Юксак арғувоннинг учида ҳилол*
*Пахмоқ булутларни этади нимта,* – дер экан, ҳилолнинг қиличдек шаклига эътиборимизни қаратадики, кейинги сатрда келаётган:

*– Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...* – образлилигидаги "ой" сўзи ўрнига яримлик, кемтикликни ифодаловчи "ҳилол"ни ишлатишга ҳожат қолмайди. Чунки биз аввалги ташбеҳданоқ осмонда ҳилол борлигини уқиб олганмиз.

Таржимада эса ушбу ташбеҳлар:

*Луна давно взошла над кроной аргувана*
*И, рассекая тьму, трепешет, как волна,* – яъни, алақачон арғувон учларига кўтарилган ой зулматни ёриб, тўлқиндек талпинади, деган мазмунда жўнгина талқин этилган.

Шоир шакл ўхшашлигидан фойдаланиб, ҳилолни қиличга қиёслаган ва бу ерда метафора қўллаган (яъни, "қилич" сўзини тушириб қолдирган ҳолда, унинг тимсолидан фойдаланган) эди. Таржимон эса ушбу метафора ўрнига ўхшатиш ишлатади ва ой образини аслиятдагидан фарқли равишда тўлқинга қиёслайди.

Шу туфайли ташбеҳда истифода этилган "ой" тушунчаси – бу тўлин ойми ("луна") ёки ой ўроғи, яъни ҳилолми ("серп луны"), деган саволга таржима матнида яққол жавоб топа олмаймиз. Чунки, хусусан, таржимон қўшган "тўлқин" ("волна") образи шоир яратган ёрқин ой образини "ювиб", хиралаштириб қўйган.

Ўз навбатида, юқорида айтиб ўтганимиздек, кейинги сатрда:

*Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...* – дейилганда ҳам, энди биз аслиятдаги "ой" ("ҳилол") билан кўнгилнинг яримталигига асосланган гўзал қиёсдан олади-ган завқимизни тўлиқ ҳис эта олмаймиз.

## Таржимон шоирнинг образлар оламини билмаса...

Атоқли рус адабиётшуноси В.Г.Белинский айтганидек, "шоир воқеликни тасвирлашнинг жозибадор ва ёрқин воситалари билан қуролланиб, ўз китобхонларининг ижодий хаёлотига таъсир қилиб", шу орқали ўзининг фикрини, ғоясини ўқувчига етказиб беради.

Ёки "Таржима назарияси асослари" китобида: "Ҳар бир асарни таржима қилишга, ё бўлмаса ўгирилган китоб таҳлилига киришишдан олдин шу ижод намунасини яратган санъаткорнинг ўзига хос услуби, диди, образлар оламини билмоқ керак", деб қайд этилган.

Абдулла Ориповнинг айрим таржимонлари эса кўпинча, шоирнинг "образлар олами"дан бехабар ҳолда, шеърларини таржима қилавергандек туюлади. Бу фикримизга мисоллар, афсуски, жуда кўп.

Хусусан, шоир "Дорбоз" шеърида:

*Булутларга ёндош, осмон остида*
*Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.*
*Қиличнинг дамидай арқон устида*
*Кўзларини юмиб юрибди дорбоз*[1], – деб ёзар экан, дорбозни "киприкдаги ёш"га, арқонни эса "қиличнинг дами"га ўхшатиб, бу образлар орқали шу ҳолат учун хос омонатлилик ва таҳдид ҳиссиётларини фикр сиқиқлиги асосида аниқ ва жуда кучли тасвирлаган.

[1] *Қўшжонов Матёқуб.* Сўзбоши */Орипов Абдулла.* Йиллар армони. – Тошкент, 1984. – Б. 19.

Бу ташбеҳларни чала ва палапартиш ўгириш эса, албатта, таржимонга "қимматга тушган". Яъни, аслиятдаги 9 сатрли шеър моҳияти 14 сатрли таржимада зўрға очиб берилган. Табиийки, бу билан шоир фикр сиқиқлиги орқали эришган эмоционалликка ҳам зарар етган.

Ачинарлиси шундаки, баъзи таржималарда Абдулла Орипов шеърларидаги ана шу маржондек ташбеҳу тимсоллар чала ва ўта ғализ ҳолда берилган бўлса, бошқа ўринларда бу каби бадиий санъат унсурлари мутлақо ташлаб кетилганига гувоҳ бўламиз.

Баъзан ҳатто таржимада Абдулла Ориповнинг ижодига хос бўлмаган ташбеҳлар қўлланилганини кўриш мумкин. Масалан, шоирнинг "Отелло" шеърини таржима қилган А.Наумов:

*Цветы цветут,*
*как птицы в пестрых перьях*[1], – образлилигини ишлатганки, бундай метафора "Отелло" шеъри матнида ҳам, Абдулла Ориповнинг бошқа шеърларида ҳам учрамайди.

Абдулла Ориповнинг шеърлари таржималаридан иборат олдинги, яъни 70-йилларда чиққан русча тўпламлар билан танишган машҳур адабиётшунос Пётр Тартаковский шундай деган: "Кўпгина рус истеъдодли шоирларида фақат таглама[2] доирасидагина ўралашиб қолмасдан, шоирнинг бутун дунёси: шахси, овозини ҳам чуқур ўрганиш, ўзбек қаламкашлари қалбидаги теран самимиятни ҳис қилиш ва ўткир ҳамдардлик туйғуси етишмайди. Назаримда, истеъдодли шоир

[1] *Арипов Абдулла.* Ветер моего края. – Москва: "Художественная литература", 1988. – С. 170.

[2] **Таглама** – хорижий тилдаги асарнинг таржимон биладиган тилга сўзма-сўз ўгирилган, изоҳ ва тушунчалар берилган матни. Таглама қанчалик сифатли тайёрланса, асар таржимасининг муваффақиятли чиқиши шунчалик ишончли бўлган. – *Ғ. М.*

Абдулла Ориповнинг, асосан, О. Дмитриев ва А. Преловский таржимасида яқинда Москвада босилган тўплами рус китобхонига муаллифнинг жонли овозини етказа олмаганининг сабаби ҳам ана шунда, чунки бу таржимонлар (мен 1970 йили Тошкентда А. Ориповнинг рус тилида босилган "Чашма" китобидаги Н. Гребнев қилган гўзал, аммо кам сонли таржималар ҳақида гапирмаяпман) ўзбек шоири ашъорининг семантикаси, "сюжети", ташқи шаклини профессионал тарзда берганлар-у, аммо унинг шеърларидаги ички ҳароратни, нозик, нафис ижодий манерасидаги ўзига хосликни, бетакрор интонациясини, босиқ овоз кучига бўйсунувчи сиқиқликни, ҳиссий тиниқликни ифода этишда оқсаганлар"[1].

Абдулла Орипов шеърлари таржимасидаги бундай камчиликлар 1985 йили Тошкентда нашр этилган "Жажда весны" ва "Удивление" тўпламларида ҳам, 1988 йили Москвада чиққан "Ветер моего края" китобида ҳам анча-мунча учрайди[2].

Хулоса қилиб айтганда, таржимон бадиий асардаги сўз ва оҳангни аниқ бериш билангина аниқ таржима матнини ярата олмаслигини юқоридаги мисоллар ҳам аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Ижодий жараён бошида ҳар қандай ижодкорнинг тахайюлини сўз билан ўзаро уйғун, сўз орқали ифодаланадиган фикрлар ва шеърий образлар банд этиши табиий ҳол.

Шундай экан, асар таржимасига киришган таржимон фақат аслият тилининг тузилиши ва асар оҳангини ўрганишга бутунлай ўралашиб қолмасдан, асарни тўлалигича таҳлил ва талқин қилиши, ундаги барча бадиий унсурларни аниқ ифодалайдиган жонли образларни теран ҳис этиши лозим.

---

[1] Таржима санъати. 4-китоб. – Тошкент, 1978. – Б. 95.

[2] Устоз шеърлари русча таржималарининг кейинги тўпламлари бўйича алоҳида тадқиқот олиб борганимиз йўқ. – *F.M.*

Таржимон асарга қуруқ расмиятчилик билан ёндашса юзаки таржима матнигагина эга бўлади, холос. Бунда жонли образлар сўнади, асарни яхлитлаштириб турган қон томири мисоли ҳаётий силсилалар узилади, қисмлари орасидаги узвий алоқа йўқолади. Охир-оқибатда, "аниқ" ўгирилган сўзлар ҳеч қандай фикр бермай қўяди.

**Абдулла ОРИПОВ**

## АДОЛАТ ОФТОБИ

*Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,*
*Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдими,*
*Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,*
*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*
*Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

*Ўтди қанча талотўп, ўтди қанча ғавғолар,*
*Ўтди қанча маломат, ғийбату кин, иғволар,*
*Оқартирди сочларни неча қора савдолар,*
*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*
*Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

*Сафга тизил, набирам, отажоним, тур энди,*
*Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди,*
*Қўлни бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди,*
*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*
*Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

*Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали ётлар,*
*Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,*
*Шоҳ сурибсан, инжима, ғингшиса агар мотлар,*
*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*
*Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

*Ўз қўлингга олганинг – Ялов сенга муборак,*
*Юрагингда сўнмаган – олов сенга муборак,*
*Ёндиролдинг қорларни – қалов сенга муборак,*
*Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*
*Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.*

## УСТОЗ БИЛАН ИНЖА ГУРУНГЛАР

### Мудроқ ғурурларни уйғотган сиймо

**Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг бу галги муборак таваллуд кунлари келгуси, яъни 1996 йили нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида тантана қилинажак қутлуғ тўйларига қизғин тайёргарлик авж олган паллага тўғри келди. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил декабрида қабул қилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга биноан мамлакатимиз бўйлаб ушбу қутлуғ санага ҳозирлик борасида улкан тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда.**

**Амир Темур таваллуди куни арафасида Ҳазратнинг ҳаёти, тарихда тутган ўрни хусусида Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутати Абдулла Орипов билан суҳбатлашдик.**

– Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасида бошқа кўпгина соҳалар катори маънавият масаласига ҳам жуда катта эътибор қаратилди. Зотан, маънавиятимиз илдизлари бўлмиш ўтмиш қадриятларимизга муносабат, уларни қайтадан халқ назарига, жаҳон назарига етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз.

Жумладан, маънавиятимизнинг энг теран илдизларидан, ўқтомирларидан бири, албатта, Амир Темур сиймосидир. Мен ҳозиргача ҳам бир гапни ҳазм қи-

лолмайманки, шунча йиллар мобайнида Темурдек улкан сиймони, жуда катта хазинани, биздан яшириб келишга қандай ҳаддилари сиққан экан. Ахир, Амир Темур сиймоси ҳам Помир ёхуд Ҳимолай тоғидай ёхуд осмондаги ойдай ва ё Тинч океанидай кўз ўнгимизда турган ҳодиса-ку!

Яъни, Амир Темур сиймоси инсоният тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир жаҳоншумул факт. Темурни кимдир яхши кўриши ёки кимдир ёқтирмаслиги мумкин. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон бу фактни инкор этолмайди. Бу сиймо олдидан кўз юмиб ўтиб кетиш мумкин эмас.

Таассуфки, худди ана шундай буюк ҳодиса – Амир Темур сиймоси биздан шу яқин вақтгача беркитиб келинган. Қолаверса, Амир Темур фаолияти билан боғлиқ тарихий ва адабий манбаларни яхши билган, мадрасаларда эски китобларни ўрганган Ойбек, Абдулла Қодирий каби зотларнинг Амир Темур ҳақида билганларини ёзиб қолдиролмаганликлари буюк армон бўлиб туюлади.

Амир Темур ҳақидаги ёзма манбаларни ўрганиб борсангиз, шўро мафкураси фақат бизгагина Соҳибқирон номини ман қилиб қўйгани маълум бўлади. Ҳолбуки, жаҳон афкор оммаси, маърифатли олам Шарқ маънавиятини, жумладан, Амир Темур сиймосини ҳам ўрганишдан, у зот ҳақида асарлар яратишдан ҳеч қачон тўхтамаган.

Инглиз темуршунос олимаси Ҳильда Ҳукҳэмнинг "Соҳибқирон" номли китоби рус тилида нашр этилди. Бу китобнинг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, Буюк Британия энциклопедиясининг Амир Темурга бағишланган боби ана шу асар асосида яратилган.

**– Юқорида таъкидлаганингиздек, Амир Темур сиймоси мамлакатимизга Истиқлол билан изма-из кириб келди. Амир Темур ва Истиқлол – ана шу**

**икки юксак тушунча ўртасидаги боғлиқликларни нималарда кўрамиз?**

– Аввало, бугунги Ўзбекистонимиз иқтисодиёти ва сиёсатида кенг қамровли ҳамда умидбахш ўзгаришлар рўй бераётгани сингари шаҳарларнинг барпо бўлиши, илм-фан, маданиятнинг юксалиши, умуман, инсоният маънавий, маданий, сиёсий географияси Амир Темур салтанати даврида мутлақо ўзгарган. Бошқача шаклга, жараёнга ўтган.

Амир Темурнинг шоён таҳсинга сазовор ишларидан бири шундаки, унинг ҳукмдорлиги даврида ўғри ва қароқчилар қаттиқ жазоланган, шунинг баробарида, ўғирлик содир этилган ҳудуднинг ҳокимидан катта миқдорда жарима ундирилган. Шу йўл билан салтанатда жиноятчиликдек иллатнинг томир отиб кетишига йўл қўйилмаган.

Бу ҳол, бу ютуқ – ҳозирги кўпгина давлатларнинг ҳам орзуси. Бугун Ўзбекистонимизда уюшган жиноятчиликка қарши амалга оширилаётган муросасиз кураш ва унинг жаҳон давлатлари томонидан тан олинаётганини кўрганда бизни бу борада Амир Темур бобомиз руҳи қўллаб тургандек туюлади.

"Темур тузуклари"да тилга олинган, Соҳибқироннинг саркардалик фаолиятида ҳам бўртиб кўриниб турган жиҳатларидан яна бири у зотнинг тинчликпарвар сиёсат тарафдори бўлганидир. Амир Темур тинч йўл билан, сулҳ ва келишув асосида иш битиши мумкин бўлган жойда қон тўкишни, қилич ишлатишни мутлақо қоралаган. Қолаверса, Соҳибқироннинг халқаро сиёсатдаги ўрни ҳам, бу борадаги амалий фаолияти ҳам ибратли ҳамда ўзига хосдир.

**– Абдулла ака, халқ орасида Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ ривоятлар кўп...**

– Дарҳақиқат, Амир Темур фаолиятини ўрганиш жараёнида тарихий фактлар қатори турли-туман ри-

воятлар, афсоналарга дуч келамиз. Буюк шахслар ҳаёти ҳақида афсоналар туғилиши шубҳасиз.

Биргина, Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталиши хусусидаги ривоятни кўрайлик. Ўша давр мунажжимларининг ҳисоблашларича, ҳар 800 йилда жадий юлдузлар туркуми муайян бир тартибда жойлашади, яъни улар кийик шаклига киради. Фалакиёт оламида юз берадиган ана шу ҳодиса кунида туғилганлар Соҳибқирон бўлар экан. 800 йилликнинг бирида Искандар Зулқарнайн, яна бирида пайғамбаримиз – Муҳаммад алайҳиссалом, бошқасида эса Амир Темур ҳазратлари туғилган, деган саноқни келтиришади.

Бу борада маълум бир қонуният мавжудми-йўқми, бу хусусда бир гап айтиш мушкул. Агар тарихга холис боқсак, шу ўринда мунажжим боболаримиз ўзимизга яқин ва таниш шахсларни ушбу тизимга киритганига гувоҳ бўламиз. Табиийки, европаликлар ёхуд африкаликлар ҳам уларнинг ўрнида худди шундай йўл тутган бўлур эдилар.

Гап шундаки, биз бундай ҳикоятларга буюк бир тимсол сифатида қарашимиз керак. Биз ўрганаётган шахсга ҳайратимизнинг ифодаси сифатида ёндашмоғимиз лозим. Яна бир ривоятда айтилишича, Темур жанггоҳларда, мамлакатлардан мамлакатларга сафарлар чоғида минган жанговар тулпорининг номи "Кунўғлон" деб аталар экан. Бу сингари атамалар ва умуман, бундай ривоятлар қадимий халқ оғзаки ижоди билан ҳамоҳанглиги, романтикаси ва жозибаси билан бизга бирдек азиз ва қадрдон.

Албатта, Амир Темурни идеаллаштирмаслик керак. Индаллосини айтганда, афсонаю ривоятларга қарамасдан, Амир Темур тарихий шахс сифатида мавжуд ва унинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан чамбарчас боғлиқ қадамжолар, осори-атиқалар жаҳон бўйлаб

сочилиб кетган. Уларни тадқиқ ва таҳлил қилиш илм аҳли, қадимшунос ва тарихчиларимизга ҳавола.

Амир Темурнинг ўз даври одами эканига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Аммо унинг ҳаёти ва фаолиятига бирров назар ташлаб, ўша даврнинг техникаси, ўша давр одамларининг ўзаро муносабатлари, ахлоқий мезонлари, маданият даражаси ва ҳоказоларни ҳисобга олиб қарасак, кўплаб мамлакатларни забт қилган Амир Темур ўз даврида ниҳоятда катта шахс бўлганини кўрамиз.

Амир Темурнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у мамлакатларни босиб олиш, ишғол қилиш баробарида яратувчанлик ишлари, хусусан, шаҳарсозлик билан шуғулланган. У зотнинг тузукларида ҳам забт қилинган юртларда гуллар, дарахтлар экиб, қаламравидаги мамлакатларни обод қилиш тўғрисида ибратли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар учрайди. Самарқанд ва Шаҳрисабз Амир Темурнинг шаҳарсозлик борасида амалга оширган ишларининг мукаммал самараси, десак лоф эмас.

Амир Темур қаерга бормасин, динидан, миллатидан қатъи назар, ўша мамлакат маҳаллий усталарини масжид, мадраса, сарой ва бошқа турли иморатлар қуришга жалб этган. Айтайлик, Кавказда ҳозиргача Барлосариқ деган ариқ бор. Буюк Соҳибқирон ўша ерни забт этганида ариқ қазишга фармон берган ва уни ўзи мансуб туркий уруғ номи билан атаган. Ҳолбуки, юртни ишғол қилган музаффар саркарда бундай ишга бош-қош бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Демоқчиманки, Амир Темур ўзи қилаётган эзгу ишларнинг яшаб қолишига ишонган, яхшиликнинг абадийлигига иймон келтирган.

**– Республикамиз бўйлаб Соҳибқирон номини абадийлаштириш ишлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шу хусусда фикр билдирсангиз.**

– Бизга эски мафкурадан ташвишлантирадиган бир мерос қолган эди. Бу – кампаниячилик. Масалан, кўчат экиш ойлиги ўтказилади. Ҳамма бир ой мобайнида кўчат экади ва шу билан тамом. Кўчат кўкардими-йўқми, бировнинг иши бўлмас эди. Бу каби ҳоллар илгари учраб турган эди. Амир Темур бобомиз билан боғлиқ залворли ишлар муваққат бўлиб қолмаслигига қатъий ишонаман. Ишончимнинг сабаби нимада? Чунки, бу ишнинг тепасида Президентимиз турибди. Юртбошимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий сингари табаррук боболаримизнинг обрўларини қандай кўтарган бўлсалар, бу бобомизнинг обрў-эътиборини юксалтиришни ҳам ана шундай давлат сиёсатига айлантирди. Кечаги сессияда айтилганидек, умуман, Ўзбекистонда маънавият давлат сиёсатига айланди.

Шундай экан, давлатимизнинг шавкатли боболаримизга, қадриятларимизга юксак муносабат билдирган сиёсатини амалга оширишимиз керак. Бу барчамизнинг виждон ишимиз. Амир Темур фаолиятини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш мунтазам ва изчил давом этадиган жараён бўлмоғи зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизни Амир Темур бобомиз руҳи қўллаб турибди деймиз-у, бу гапларга фанатик ёндашмаслигимиз керак. Бунинг ҳаммаси – аниқ ва бор гап. Яъни, Амир Темур бизнинг мудроқ ғуруримизни уйғотди. Шунинг ўзигина шавкатли бобомизнинг руҳи бизни қўллагани эмасми? Юрт Соҳибқирон сиймосини мамлакатимизга, халқимизга қайтариш учун Амир Темурнинг ўзида бўлганидек катта жасоратга эга зотга муштоқ эди.

Президентимиз Амир Темурни миллий қаҳрамонимиз, тарихимиз бунёдкори, энг буюк жаҳоншумул сиймолардан бири сифатида халқимизга қайтаришдек савобли ишнинг бошида турибди. Мустақиллик

нима берди, дейилган саволга, у бизга бир қатор тарихий воқеалар қатори бобомиз Амир Темурни ҳам қайтиб берди, дейишимиз жоиздир. Бу – энг ўктам, дадил, мардона ва тўғри жавобдир.

"Халқ сўзи",
1995 йил 8 апрель

## Тошкент ҳавосида Римнинг нафаси

Пойтахтимиздаги Италия элчихонаси қароргоҳида 2001 йил 6 апрель куни "Италия поэзияси ўзбек шоирлари ижодида" мавзуида адабий анжуман бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Италия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуман Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 60 йиллигига бағишланди.

Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Серри де Ладзара шеърият кечасини очар экан, атоқли шоир Абдулла Орипов амалга оширган улкан ва маҳобатли ижодий иш – италиялик ҳассос шоир Алигьери Дантенинг "Илоҳий комедия" асарини ўзбек тилига моҳирона ўгиргани бемисл аҳамият касб этишини таъкидлади. Негаки, она тилимиз сарчашмаларининг бошида улуғ Дантенинг "Илоҳий комедия" асари турибди, деди элчи жаноблари. Итальян адабий тили шу асар туфайли дунёга келди ва дунё бўйлаб тарқалди, машҳур бўлди.

Мазкур асар Италия энг оғир даврларни бошидан кечираётган бир паллада яратилган. Эндиликда буюк Алигьери Данте номига сўнмас шуҳрат келтирган, шоирни ва Италияни дунёга танитган, жаҳон адабиётининг шоҳ асарларидан бири сифатида эътироф этилган "Илоҳий комедия"дан кўплаб италиялик шоирлар ҳамда дунё ижод аҳли асрлар мобайнида ҳайратланиб, илҳом олиб келаётир.

Элчи жаноблари Данте асарининг марказий қисмини ташкил этувчи "Дўзах" достони ҳақида алоҳида тўхталди. "Илоҳий комедия" асарининг айни шу қисми ҳаёт зиддиятларини ўзида тўлароқ акс эттир-

риши, қаҳрамонларнинг жонли ва воқеаларининг ҳаётийлиги билан ажралиб туришини қайд этди.

Ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг фикрича, "Илоҳий комедия" таржимаси устида ишлаш – том маънодаги дўзах машаққатидир. Бу гапни зукко шоиримиз фасоҳат ила ишлатган чиройли сўз ўйини ўрнида қабул қилиш билангина кифояланмаслик маъқулдек кўринади. Зеро, Абдулла Орипов айтмоқчи, Данте – қўл етмас, қадам етмас чўнг бир тоғ. Унинг "Илоҳий комедия" асари эса одамзот барпо этган улкан маънавий хазина! Шундай экан, ушбу маҳобатли асар таржимасига журъат билан киришган, йигирма йилдан буён шу шарафли ва машаққатли меҳнат ичида яшаётган, ижод қилаётган шоир бу йўлдаги ижод азобларини бошқаларга нисбатан кўпроқ ва теранроқ тушуниши табиий.

Хўш, Абдулла Орипов нима сабабдан "Илоҳий комедия" таржимасига қўл урди?

– Аввало, мен юксак маърифатли халқимиз ҳамда бой ва ранг-баранг мумтоз меросга эга улуғ адабиётимизнинг бир вакили сифатида Данте асари билан танишганимда, қаршимда нечоғлик юксак чўққи бутун виқорини кўз-кўз қилиб, бор салобати билан қўр солиб турганини шоён англадим, – деди шоир шеърият кечасида.

– Шу билан бирга, Данте назмга солган тароналар Шарқ китобхонига жуда яқин ва қадрли эди. Биргина мисол, асарда аждодларимиз ибн Сино, Тўмарис каби тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар тилга олинадики, бундан ҳамюртларимизнинг хабардор бўлмоқликларини ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисобладим.

Қолаверса, "Илоҳий комедия" асарининг шеърий шакли ғоят мураккаб экани, ундаги ҳар бир учлик маъноларининг ниҳоятда серқирралиги, мисраларда Ғарб тарихи ва жўғрофиясига оид шахслар ҳамда жойлар

номлари, турфа тимсолларнинг жуда кўп ишлатилиши, бундан ташқари, асар бир қарашда фақатгина диний-теологик мавзуда ёзилгандек туюлгани сабабли қадимда ҳам, кейинги даврларда ҳам Шарқда кенг тарқалмаган, жумладан, бизнинг тилимизга ҳам таржима қилинмаган. Ниҳоят, бу балки мен учун энг муҳимдир, "Илоҳий комедия"ни ўзбек тилида кўриш иштиёқи устун келгани учун унинг таржимасига қўл урдим.

Абдулла Ориповнинг уқтиришича, итальянлар ҳам, ўзбеклар ҳам – ягона дунёвий маданиятнинг вакиллари, қадимги тарихи ва мумтоз адабий мероси бир-бирига бемалол бўйлаша оладиган маърифатли халқлардир. Юртимиз мустақилликка эришгач, халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик робиталари янада мустаҳкамланиб, мамлакатларимизнинг турли жабҳалардаги амалий ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Айни пайтда буюк шоир Дантенинг боқий руҳи ҳар икки қадимий ва улуғ халқни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилаётганлиги кишига чексиз мамнуният бахш этади.

Достон таржимасига Абдулла Орипов 1968 йили, ўз ибораси билан айтганда, "ҳадиксираб, лекин қалб даъвати билан" киришган эди. Достон таржимаси аввалига парчалар ҳолида газета ва журналларда эълон қилинган бўлса, тўлалигича илк марта 1975 йили алоҳида китоб ҳолида ўзбек китобхонларига тақдим этилди.

Шоир йигирма йилдан зиёд муддат мазкур асар таржимаси устида ишлар экан, шунча йил мобайнида таржима жараёни билан боғлиқ ижодий лабораторияси сир-асроридан, ижодий изланишларнинг ютуқ ва муаммоларидан мухлисларини мунтазам хабардор этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Масалан, 1969 йилнинг сентябрида матбуотда чоп этилган "Орзуга айб йўқ" мақоласида таржимон "Илоҳий комедия" асари таржимаси ҳақида холислик

ила: "Эҳтимол, бу асар ҳали бир неча бор таржима қилинар. Чунки таржима нусхалари кўпайган сайин буюк ижодкор даҳосининг янгидан-янги қирралари ҳам очилиб бориши шубҳасиздир", деб ёзган эди.

Бошқа бир суҳбатда шоир "Илоҳий комедия" таржимасининг ўз ижодига таъсири хусусида тўхталиб: "Агар мен Данте билан суҳбатдош бўлиб қолсам, нима ҳақида гаплашар эдим? У менга энг яхши замондош бўларди!" деб хитоб этади.

Дантенинг маҳорати унинг ўз асарида ўқувчисига қарата ҳадеб насиҳат қилавермаслигида, воқеаларни баён этмасдан, тасвирлаб кўрсатишида. Дўзахда ётган одамни шундай кўрсатадики, у шоирга дўстми, бегонами билинмайди, дейди таржимон.

Абдулла Орипов бир неча бор Италия сафарида бўлган. Данте таржимони сифатида Италияга қизиқиши туфайли бўлса керак, ушбу мамлакат сафарларидан олган таассуротларини беҳад қадрлайди. Абдулла ака, айниқса, боқий шаҳар Рим ҳақида сўз кетса: "Магар қадимий дунё хўкиз шохлари устида турган бўлса, унинг бир шохи Самарқандга, иккинчиси эса Римга қадалган бўлиб чиқади", деган ривоятни такрорлашни ёқтиради.

Ана шундай сафарлардан бирида Очериали шаҳрининг мэри қабулида бўлган шоиримиз мэрга дўппи кийгизади ҳамда Дантенинг ўзбек тилида нашр қилинган "Дўзах" китобини совға қилади.

"Тўғрисини айтганда, Данте китобининг ўзбекча нашрини кўриб, итальянлар ниҳоятда ҳаяжонга тушишди. Бир-бирлари билан чуғурлашиб, алланарсаларни уқтиришди. Мен уларга "Дўзах"нинг бошланиш қисмидан ўзбекча парча ўқиб бердим. Залдагиларнинг баъзилари итальян тилида жўр бўлишди", деб ўша сафар кунларини хотирлайди шоир бир мақоласида. Бу – 1983 йилнинг воқеалари. Аммо...

Орадан салкам 20 йиллик фурсат ўтгач, яъни 2001 йилнинг апрелида ўша сафар воқеалари гўё яна такрорланади. Бугунги кунда Италия адабий доираларида Абдулла Ориповни жуда яхши танишади. Ваҳоланки, бу гал шоиримиз узоқ Италия мамлакатига ҳам эмас, балки Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига яқин жойлашган Италия элчисининг қароргоҳига ташриф буюрган эди.

Барибир, Абдулла Ориповнинг Данте ватанидан эсдалик бўлиб қолган ўша ширин ва ҳайратли хотиралари деярли тўлалигича қайталанди: шоир Италия элчисига Дантенинг ўзбек тилида янги нашр қилинган "Дўзах" достонини совға қилди. Данте китобининг ўзбекча нашрини кўриб, итальянлар яна ҳаяжонга тушишди. "Дўзах"нинг бошланиш қисмидан ўзбекча, русча, итальянча парчалар ўқилганда, залдагиларнинг баъзилари ўз тилларида жўр бўлишди.

Ана шу учрашув чоғида элчи жаноблари "Илоҳий комедия"ни ўзбек тилига таржима қилишдек улкан ва шарафли ишни амалга оширгани учун Абдулла Ориповга ўз ҳукумати ва халқи номидан чуқур миннатдорлик изҳор этиб, ўзбек шоири Италия дантешунослари жамияти томонидан махсус кўкрак нишони ҳамда фахрий диплом билан тақдирланганини эълон қилди.

Шоирга кўкрак нишони ва дипломни топширар экан:

– Балки бу дипломга бир парча оддий қоғоз деб ҳам қараш мумкиндир. Аммо биз – италияликлар учун унинг аҳамияти беқиёс, қиммати эса тенгсиз! – деди элчи жаноблари ғурурланиб.

Инчунин, биз – ўзбекистонликлар ҳам шундай фикрдамиз.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
2001 йил 13 апрель

## Буюкликнинг олтин зиналари

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири,
Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов билан суҳбат

**– Абдулла ака, эски тузум даврида давлат тараққиёти ҳақида гап кетганда, "социализм"дан "ривожланган социализм"га ўтилгани, "коммунизм"гача саноқли одимлар қолгани ҳақида узундан-узоқ ваъзлар қилинар ва албатта, ҳар гал "чириб бораётган капитализм" ҳовлисига тош ҳам отиб қўйиларди. Амалда эса оддий меҳнаткаш халқ ўз ҳаёт тарзи билан кўп ҳам уйғунлашмаган бундай қуруқ назарий мавҳумотларнинг мазмунини унчалик ҳам англаб етавермасди. Бугун давр ўзгарди, сиёсат ўзгарди, одамлар, уларнинг онг-тафаккури, орзу-интилишлари ва ҳаёт тарзи туб янгиланишларга юз тутди. Ана шу залворли ислоҳотларнинг моҳиятини, Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг ривожланиш тарихини, сизнингча, қандай халқчил ифодаю жумлалар ёрдамида соддагина изоҳлаш мумкин?**

– Яратганга беадад шукрларки, сиз эслатган "изм"лар измидан юрмай қўйганимизга анча вақт бўлди. Ундан буён кўп сувлар оқиб ўтди, бир неча қовун пишиғини кўрдик.

Истиқлолнинг бош мазмун-моҳияти шундаки, у аввало элимизга эркинлик берди, халқимизга, юртимизга ўз тақдирини том маънода ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Шавкатли ва ёвқур аждодларимиз қонидан қонимизга, руҳидан руҳимизга кўчиб келаётган озодлик, ҳурлик аталмиш покиза ва азалий орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар юзага келди.

Эндиликда Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олган. Бу йўл жаҳонда "Ўзбек модели" деб довруғ қозонди. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз унинг ижодкорию ташаббускори муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизга изчил ва босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугунги кунга келиб аллақачон дунё назарига тушиб улгурган, башарият эътирофига сазовор бўлаётган ана шу мустақил тараққиёт йўлимиз турмушимизнинг барча жабҳаларида ўзининг ҳаётбахш самараларини бера бошлаганига ҳар қадамда гувоҳ бўлиб турибмиз.

**– Бу йўлнинг асосида қандай ғоялар мужассам? Бу йўлдан мақсад-муддаолар не?**

– Мустақил ривожланиш йўлимизнинг негизи илмий-ғоявий жиҳатдан бағоят мустаҳкам. Зотан, у истиқлолнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилаётган машҳур бешта тамойилга асосланган дир.

Муддаога келсак, бу ҳам бениҳоя аниқ ва равшан: биринчидан, тинчлик-осойишталикни, барқарорликни таъминлаш, иккинчидан, Ватан тараққиёти, учинчидан, халқ фаровонлиги ва ниҳоят, тўртинчидан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш – энг асосий эзгу мақсадларимиздан ҳисобланади.

**– Ана шу эзгу мақсадларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

– Аввало, Ватан тараққиёти ҳақида. Бу – мамлакат обрў-эътибори, салоҳияти ва қудратини белгиловчи жуда кенг қамровли тушунчадир. Жумладан, бунда биз бозор иқтисодиётига ўтиш, илм-фан, илғор техника ва технология ривожи соҳасида дунё билан бўйлашиш, мудофаа тизимини такомиллаштириш, оламда сиёсий мавқеимизни юксалтириб боришни кўзда тутамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон катта шиддат билан жаҳон майдонига чиқиб келди. Бунинг сабаблари бисёр.

Масалан, иқтисодиётдаги ютуқларимизнинг бош сабабини қисқа фурсатларда юртимизни "хомашё омборхонаси" деган эски тамғадан халос қилганимиз, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этишга киришганимиздир. Бошқача айтганда, ўз саноатимизни жадал ривожлантирганимиз ва шу йўл билан хомашё сотиш эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш сиёсати иқтисодиётимизда устувор йўналишга айланганида, деб биламан.

Пахта яккаҳокимлигидан воз кечдик. Ерни эгаларига бердик. Бу эса юртимизда фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти кенг ривожланишида катта омил бўлди. Миллий пулимизни жорий этдик ва замонавий банк тизими хизматини йўлга қўйдик. Нефть ва ғалла мустақиллигига эришдик. Хориж билан иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини кенгайтирдик. Чет эллик ҳамкорларимизнинг сармояларидан бизга ҳам, уларга ҳам манфаат тегадиган тарзда, оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратдик.

Албатта, юртимизнинг бугуни ва буюк келажагини таъминлайдиган малакали кадрлар масаласини ҳам, бир зум бўлса-да, хаёлимиздан фаромуш этганимиз йўқ. Давлатимиз муттасил равишда ёшларимизнинг кундан-кун тобора янгича сурат ва сийрат касб этаётган юртимиз илм даргоҳларида, шунингдек, хорижда таҳсил олиши, мутахассисларимизнинг ривожланган ўлкаларда малака ва тажриба орттириб келиши йўлида изчил ва истиқболли саъй-ҳаракатларни амалга ошираётир.

Ташқи сиёсат жабҳасидаги залворли одимларимиз ҳам катта аҳамиятга эга. Мустақиллик йиллари-

да дунёнинг қарийб барча давлатлари Ўзбекистонимизни тан олди, кўпчилик давлатлар мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ўзаро борди-келди учун кенг йўл очилди. Обрўли халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора ривожланиб бормоқда.

Биргина жорий 2002 йилнинг ўзида – март ойида Америка Қўшма Штатлари, июль ойида эса Япония Ўзбекистонимиз билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини расмийлаштирди. Ўзбекона айтганда, эндиликда юртимиз билан бу икки қудратли мамлакат, бир-бирига тўн кийдириб биродарлашган танти инсонлар янглиғ, ўзаро қиёматли дўст тутинди.

Аёнки, ҳозир жаҳонаро дўст ва ҳамкоримиз кўп. Шу билан бирга, энди биз Машриқда ҳам, Мағрибда ҳам оқибатли, ишончли, оғир кунларда қўллаб-қувватлайдиган, шодмон дамларимизни биргаликда баҳам кўрадиган энг яқин ва елкадош дўстларимизга эга бўлдик.

**– Абдулла ака, ана шу кучли ва илғор давлатларнинг юртимизга бунчалик катта ишонч билдириши ва умуман, дунё ҳамжамиятининг бизга очиқ ва дўстона муносабатининг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?**

– Жуда ўринли савол. Фикри ожизимча, халқаро майдонда эришаётган дадил муваффақиятларимиз замирида, аввало, Йўлбошчимиз амалга ошираётган оқилона, мардона ва ҳалол сиёсатнинг ҳаётбахш ҳосилалари мужассамдир. Зеро, бу сиёсат халқаро ҳуқуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариятга ҳар жиҳатдан мақбул келадиган устувор тамойилларига асосланган.

Дунё давлатлари, халқлари ташқи ва ички сиёсатимизни эътироф этаётганининг боиси ҳам мана шунда, аслида. Худди шу туфайли улар Ўзбекистоннинг ке-

лажаги, ҳақиқатан ҳам, буюклигига ишонади ва буни аниқ тасаввур этади.

Қолаверса, табиий бойликларимиз кўлами ва ҳажми, захираларимизнинг нечоғлик улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади.

Ва ниҳоят, "Қўшнинг – тинч, сен – тинч" деган мақолнинг қамров доираси жуда кенг. Қўни-қўшни, ҳамкор давлатлар билан муносабатларда Президентимиз улардан ҳар бирининг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришни мунтазам равишда алоҳида эътиборда тутиб келаётир ва бу ҳам жаҳон ҳамжамиятига манзур бўлаётгани шоён ҳақиқат.

**– Истиқлол ва ислоҳотларимизнинг халқ фаровонлигида тутган ўрни қандай?**

– Халқ турмуш фаровонлиги масаласига келсак, фикрим шуки, аслида кўп хатти-ҳаракатларимиз асосида тирикчилик мажбурияти ётиши сир эмас. Осмондан чалпак ёғмаслиги – аниқ гап. Меҳнатдан мурод – самара, тер тўкишдан мақсад ҳосил ҳузурини кўрмоқдир.

Шу маънода, об-ҳавонинг турли инжиқликлари, гоҳ селу дўл, гоҳ қурғоқчилик, сув тақчиллигига дуч келаётганидан қатъи назар, азалдан сабр-бардошли, қаноатли, меҳнаткаш халқимиз ўз дастурхони фаровонлигини ўзи яратиб келяпти. Бунда Президентимизнинг оқилона сиёсати натижаси ўлароқ, меҳнат аҳли учун яратилаётган муҳим шарт-шароитлар ғоят қўл келмоқда.

Биргина мисол, мустақиллик туфайли эски, самарасиз "совхоз-колхоз"лар барҳам топиб, пайчилик, ижарачилик, фермерлик пайдо бўлди ва шаклланяпти. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганидек, албатта, ер эгасини топиши керак. Шундагина ерга эгалик

қилаётган одам ўзини деб жон куйдиради, ўзини ўзи талон-торож қилмайди, олмаган ҳосилини олдим деб "қўшиб ёзиш"лардан холи бўлади, ҳалол меҳнатига таяниб, барака кўради.

Алалхусус, кечаги ташландиқ, қаровсиз ернинг бугун ҳосилдор, обод бир масканга айланишида, гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлаётган фермерлик каби янгича хўжалик тизимларининг мавқеи беҳад улуғ, эртаси порлоқ эканига зиғирча шак-шубҳа йўқ.

Юрт бўйлаб теран ва мазмундор ислоҳотлар жадал давом этаётир. Қийинчиликлар борлиги тайин, муайян муаммоларнинг ҳали маълум муддат учраб туриши ҳам табиий. Зеро, бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш ҳеч қачон ҳеч қаерда осон ва енгил кечмаган. Карвон бехатар бўлмас, деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Бироқ ўтган ўн бир йилда биз баъзи давлатлар эллик-юз йилда босиб ўтган узоқ тараққиёт йўлини жадал ўтиб келаётганимиз ҳам бор гап. Шу ўринда фаровонлик билан маънавий-маърифий дунёмиз ўзаро дахлдор бўлган бир жиҳатга тўхталиб ўтмоқчиман. Қадимги файласуфлардан бири Сенека шундай деган экан: "Яхши одам улдирким – сопол косада овқат ея туриб, косани тилло деб билсин ёинки тилло косада таом тотинар экан, косани сопол деб ҳисобласин". Одамни жуда ўйлантирадиган теран фикр, мағзи тўқ фалсафа-ку бу.

**– Абдулла ака, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳам фаровонлигимизнинг ўзига хос далолати эмасми?**

– Бугун мамлакатимизни, ҳеч шубҳасиз, улкан қурилишлар майдонига қиёсласак, хато қилмаймиз. Президентимиз маърузаларидан бирида андижонликларнинг фаолиятига баҳо берар экан, йўл четидаги

гулзорлар, шинам ишкомларни кўриб қанчалик қувонганларини айтиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, бундай фазилатли ишларни бажариш маблағ талаб этмайди. Бунинг учун дид ва ҳафсала бўлса кифоя. Ўзбекистон – гул диёр. Энди у бошдан-оёқ чаманзорга бурканмоғи шарт. Бунинг учун бизда барча имконият мавжуд ва бу имкониятларга Истиқлол туфайли эришдик.

Ваҳоланки, ёши улуғларимиз яхши эсласалар керак, собиқ империя даврида наинки бир иншоот қуриш, гулзорлар барпо этиш, балки бирон-бир мозорни таъмирлаш учун ҳам "марказ"дан рухсат сўралар ва бундай тартибга бўйсунмаган "ўзбошимча"лар албатта қаттиқ жазога мустаҳиқ этиларди.

Ўтган ҳафтада хизмат сафари билан бир неча вилоятларда бўлдим. Биргина Жиззахнинг ўзида Саъд Ваққос зиёратгоҳи бунёд этилганини ёки вилоят маркази яқинидаги улкан тепаликда "Боғишамол" номли мўъжизавий оромгоҳ барпо этилганини бориб кўрдим. Назаримда, атроф борлиқ манзарасига юксакликдан боқиб ҳайратланишни истаган кишига ҳузур бағишлаш бобида Жиззах "Боғишамол"ининг Париждаги Эйфель минорасидан кам жойи йўқ.

Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани марказида мушоира ўтказдик. Бу ердаги амфитеатрли боғ ҳам жаннатмонанд гўша бўлипти. Ёки Қорақалпоғистон Республикасида Нукус шаҳри юбилейи муносабати билан бошланиб кетган қурилиш-таъмирлаш ишлари ёинки Элликқалъанинг маркази Бўстондаги ободончиликларни олиб кўрайлик.

Амир Темур бобомиз таваллуд топган шаҳар – Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигини нишонлаш наинки бизнинг руҳий-маънавий бойлигимиз, балки шу каби юбилейлар муносабати билан жойларда қурилаётган, қайта таъмирланаётган қанчадан-қанча иншоотлар,

барпо этилаётган боғлар, хиёбонлар – буларнинг бари аслида юрт ободлигига қўшиладиган муносиб ҳиссадир. Умуман, ҳозир юртимизнинг ҳамма гўшасида ана шундай бунёдкорлик юмушлари қизғин давом этаётир. Айниқса, пойтахтимиздаги шаҳарсозлик ва яратувчилик ишларини чексиз ифтихор билан эслаш жоиз. Биргина "Шаҳидлар хотираси" музейи қурилиши ниҳоясига етаётгани ва энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бемисл савобга дохил бундай масканнинг ишга тушажагини эслаб руҳ таскин топади, кўнгил тоғдек юксалади.

**– Бундай ҳаётбахш ислоҳотлар, давлат ва жамият қурилиши жабҳасида қай йўсинда ўз аксини топаётир?**

– Зикр этганимдек, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш – олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиздан бири.

Бу борада, даставвал, юртимизда янги миллий давлатчилигимиз пойдевори яратилганига диққатингизни тортмоқчиман. Эски мафкура ҳукмронлиги давридагидан фарқли ўлароқ, Конституциямизда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган.

Парламентимизнинг икки палатали тизимга ўтиши билан боғлиқ ислоҳотлар эса бу жабҳада навбатдаги, тубдан янги босқични бошлаб берди.

Табиийки, бу каби ижобий янгиланишлар, ўз навбатида, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маърифатини оширишни, жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришни тақозо этади. Шундай бўлиши керакки, ҳуқуқий муносабатларга киришаётган фуқаро иложи борича адвокатга муҳтожлик сезмасин.

Ҳар бир фуқаро, содда айтганда, қонуннинг яшил чироғида юриб, қизил чироқда тўхташ кераклигини ўзи пухта билиб олсин. Фикримча, бу – ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шартларидан биридир.

**– Ўз навбатида, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

– Маълумки, фуқаролик жамияти инсонлар, фуқароларнинг ўз ҳуқуқини таниши ва ўзини ўзи бошқариши принципига таянади. Олис тарихимизда фақатгина бизнинг халқимиз турмуш тарзига хос ўзини ўзи бошқариш усуллари мавжуд бўлган. Шулардан бири – маҳалла жамияти ўзининг бетакрорлиги билан дунё аҳлини ҳозирга қадар қойил қолдириб келмоқда.

Маҳалла – халқ ҳокимиятининг бир кўриниши, демакдир. Шу сабабли бугунги янгиланишлар жараёнида ушбу ноёб жамоавий яшаш тарзига юксак эътибор билан қаралаётир. Хусусан, мустақиллик йилларида маҳалла фаолияти тамомила янгича руҳ, янгича мазмун билан бойимоқда.

**– Шу ўринда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жабҳалардаги ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ эркинлик, демократия, адолат тушунчаларини ҳам шарҳлаб ўтсангиз.**

– Аввало, эркинлик тўғрисида. Конституциямизда ва қонунларимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб берилган бўлиб, улар халқаро андозаларга тўла мос келади. Шунингдек, бу борада азалий миллий қадриятларимизга ҳам таянамиз.

"Темур тузуклари"да инсон эркинлиги масаласига жиддий, ўзига хос эътибор қаратилган. Инчунун, Амир Темур ҳазратлари тўрт мучаси соғ одамларнинг тиланчилик билан машғул бўлишини хушламаган, уларни маош тўланадиган ишларга мажбурий равишда жалб этган. "Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига ва-

зифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин", дейилади тузуклардан бирида. Хотин-халаж, кексалар ва гўдаклар, майиб-мажруҳлар бундан мустасно ҳисобланган, албатта.

Бу ўринда жамиятга зиён келтирувчи текинхўрлик, танбаллик, боқимандалик каби иллатларнинг пайини қирқишга қаратилган сиёсат устуворлиги аён.

Демократия борасида ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш йўлидан бораётирмиз. Зеро, халқимизнинг неча-неча авлодлари "Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма", "Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл" каби шарқона маърифатга йўғрилган ҳикматлар, ёзилмаган одоб-ахлоқ қонунлари руҳида тарбия топган.

Бир мисол келтирай. Баъзи мамлакатларда давлат раҳбарларини ҳазил-мазах қилиш демократиянинг яққол намунаси сифатида эътироф этилса, бизнинг халқимиз бундай ҳолатни айб, ҳатто ҳақорат деб ҳисоблаши ҳеч кимга сир эмас.

Худди шунингдек, миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, ошна-оғайнигарчилик манфаатларини ҳимоя қилиб чиқишлар-у мақола ёзишлар ва уларни айнан ҳақиқат деб талқин қилиш демократиянинг қўпол бузилиши, деб биламан.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари лутф қилганларидек:

*Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши,*
*Олдига келганни емоқ ҳайвоннинг иши.*

Умуман олганда, ислоҳотларимизнинг ҳозирги босқичида барча жабҳаларни эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралаётгани айни муддаодир.

Ва ниҳоят, адолат тушунчасига тўхталсак. Адолат, ҳақиқат тушунчаларининг катта-кичиги йўқ.

Президентимиз мудом уқтирганларидек, одам боласи ҳамма қийинчиликларга бардош бериши мумкин, аммо адолатсизликка зинҳор чидай олмайди.

Шу ўринда, нокамтарлик бўлса ҳам, "Адолат" деб аталувчи шеъримни келтирай:

*Йўқсилга дедилар: Даъвойингдан кеч,*
*Мана ол, сийму зар сенга кафолат.*
*Йўқсил улар гапин тингламади ҳеч,*
*Адолат, деди у – фақат адолат!*
*Бадавлат кимсага бердилар савол,*
*Дедилар: Нима бор кучлироқ пулдан?*
*У жавоб қайтарди: Қўрқаман, алҳол,*
*Адолат ахтарган ўша йўқсилдан.*

**– Адолат хусусида гап бораётган экан, адолат ва бадиий ижод, адолат ва ижодкор мавзуида ҳам фикрлашсак. Мустақиллик йилларида ўзбек шўро адабиёти вакиллари ижодига муносабатдек нозик масалага холисона, адолат нуқтаи назаридан ёндашилаётгани жамоатчилик хайрихоҳлигига сазовор бўляпти...**

– Яқин даврда ўтган ижодкорлар фаолиятига баҳо беришда кўҳна тарихга ибрат бўлгулик муносабатни бевосита Президентимизнинг бу борадаги оқилона сиёсати мисолида кўрдик. Биз турли сабабларга кўра ўша давр мафкураси ғояларига ишонч ва эътиқод қўйиб асарлар ёзган кўпдан-кўп ижодкорлар, адибларнинг ҳақиқий ички дунёсини, асл орзу-истакларини муносиб даражада қадрлаётирмиз.

Жумладан, Ғафур Ғулом, Миртемирдек улуғ шоирларимизнинг ижодини баҳолар эканмиз, аввалambор, биз улардан ибратли жиҳатларнигина ахтарамиз. Ғафур Ғулом инсониятга қарата меҳр ва мардоналик

ила "Сен етим эмассан" деб турса ёхуд Миртемир "Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим" деб фиғон этаётган бўлса, нега бу улуғ нидоларга бепарво қарашимиз керак?!

Мустақил Ўзбекистон – улкан кема. Бу кемага маънавий ҳуқуқи бор зотларнинг барчаси кирадилар. Ахир, бағрикенглик халқимизга хос буюк фазилат. Лекин бу ҳолатларни суиистеъмол ҳам қилмаслик керак. Фикримни ёзаётган бир шеъримнинг ғояси билан ифодалайдиган бўлсам: "Ҳар бир дуэлда ўлган Пушкин бўлмаганидек, ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир"...

**– Бугунги бадиий ижод жараёнининг қайси жиҳатлари эътиборингизни кўпроқ тортади? Истиқлол ва ижодкор, замонавий қаҳрамон образини яратиш масалаларига ҳам тўхталсангиз.**

– Мен, кўпинча, ҳозирги ҳаваскор шоирларни йигирма йил бурунгилар билан таққослашни хуш кўраман ва ўртадаги катта фарқ мени ҳар гал ҳайратга солади. Бундан йигирма йилча олдин шоир илк шеърини партияга, Кремлга, Москвага бағишларди. Ҳозирги навқирон шоирлар Мустақилликни, ҳур Ўзбекистонни куйлаётир. Ўз Ватанингни баралла куйлаш имконига эга бўлганинг – ҳақиқат қарор топганининг ошкора тасдиғи эмасми!

Қолаверса, юртимизда ижод аҳлига меҳр, муносабат мудом бардавомдир. Биргина ижодкор қизларимизни тақдирлаш учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганини олайлик. Ёки бўлмаса, мана, Зоминда ёш ижодкорлар анжумани мунтазам равишда ўтказиляпти, унда янгидан-янги номлар, иқтидорлар кашф этиляпти ва ҳоказо.

Айни чоғда, амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни ижодий таҳлил ва тадқиқ этиш, бу улуғ

ишларнинг бошида турган бунёдкор халқимиз меҳнатини куйлаш, бадиий тасвирлаш, васф этиш адабиётимиз олдида катта қарз бўлиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, жадал тараққий этаётган бугунги ҳаёт ижодкорларимизга нисбатан анча илгарилаб кетди. Давримизнинг улуғвор, алп одимларига тенглашиб олиш биз, ижод аҳли учун фарз ва қарз, деб ўйлайман.

**– Ватан ва ижодкор. Шоирнинг, адибнинг ватансеварлиги замирида нелар мужассам, деб ўйлайсиз?**

– Ижодкор киши ҳар бир нарсага баҳо беришдан олдин уни яхши билиб олиши, теран тасаввур қила олиши лозим. Хусусан, Ватанни севиш учун ҳам аввало уни билиш, кашф этиш даркор. Иккита хушқад терак, битта тол, чойхона ва жилдираган ариқчадан ҳам Ватан туйғусини илғаб олиш мумкин ва керак.

Бироқ Ватанни наинки китоб орқали таниш, балким ўз кўзинг билан кўриб – тоғ-тошларига тирмашиб, дала-даштини яёв кезиб, дарё ва ирмоқларидан чанқоғингни босиб, мовий осмонига ошиқона термулиб, шайдою маҳлиё бўлиб мадҳ этишга не етсин!

Зеро, она Ўзбекистонимиз шундай ажиб бир ўлкаки, унда буюк тоғлар ҳам, чексиз саҳролар ҳам, бепоён чўллару айқирган дарёлар ҳам мавжуд. Ахир, биз ўз Сайхуну Жайҳунимиз турганда, Волгаю Миссисипиларни куйлаб ҳам яшадик-ку! Бойсун ва Зомин тоғлари таровати қайси бир Швейцария манзараларидан кам? Бир тўртлигим бор:

*Кимлигимни билар эдим озроқ,*
*Билар эдим элга суюклигимни.*
*Амударёни кўрганда, бироқ*
*Билиб қолдим буюклигимни.*

**– Абдулла ака, суҳбатимизнинг бошида миллий тараққиёт йўлидаги бош мақсадларимиздан бири**

**сифатида тинчлик-осойишталикни санаб ўтгандингиз...**

– Албатта. Эл тинч-хотиржам, юртда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлмаса, барча тоат-ибодатларимиздан не фойда? Ватанда тинчлик бўлсагина, тўйлар татийди, қозонлар қайнайди, шўх ўланлару шодон ўйин-кулгилардан диллар яйрайди. Тинчлик барқарор бўлсагина, Юртнинг отасидан тортиб оддий шоирини ҳам ҳузурбахш илҳом тарк этмайди.

Шуни ғурур билан айтмоқчиманки, терроризм сингари халқаро офатни бартараф этишда мамлакатимиз, Президентимиз кўрсатган ва кўрсатаётган саъй-ҳаракатлар наинки ўз юртимиз, балки она сайёрамизнинг осойишталигини таъминлашда ҳам улкан ҳисса бўлиб турибди.

Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш, тинчлигига посбон бўлиш инсон фарзандининг комиллигини белгиловчи энг муҳим шартдир. Яқинда мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида бўлиб қайтдим. Сафар чоғида Термиз ёнидаги Ҳайратон кўприги посбонлари билан суҳбатлашдим. Бир навқирон йигитга: "Чегарани қўриқлаб турганингда, хаёлингдан нималар кечади", деб савол бердим. У: "Абдулла ака, дарё ортидаги афтодаҳол одамларни кўрганимда, мен Ўзбекистондай буюк мамлакат фарзанди эканимдан, бунёдкор халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаб турганимдан бошим осмонга етади", деди. Шу сингари илоҳий ҳиссиёт барчамизда бўлса, қанийди.

Нокамтарлик бўлса ҳам, кези келганда бир гапни айтай. Марҳум Мутал Бурҳонов билан Ўзбекистон Мадҳиясини яратаётганимизда наинки қофия талаблари, балки адолат нуқтаи назаридан келиб чиқиб, матнда "тинчлик посбони" иборасини қўлладик. Шунда Мутал ака ўзгача бир ҳаяжон билан: "Абдуллажон,

сиз бу иборани баландпарвоз сўзлар деб ҳисобламанг, аслида ҳам бу бор ҳақиқат-ку", дегандилар.

Биласизки, Шарқ шеъриятида шукроналик мавзуси доимо етакчилик қилган. Шайх Саъдий бир байтларида бу хусусда жуда нозик лутф қилганлар. Яъни, нафас олганингда ҳам шукр қил, нафас чиқарганингда ҳам шукр қил. Зеро, бир дақиқа ичида нафас олмай ва нафас чиқармай ҳам қўйишинг мумкин, деган маънони беради ўша машҳур байт.

Шундай экан, биргина мамлакатимиз тинчлигини, халқимиз осойишталигини изчиллик билан таъминлаб келаётганлари учун Президентимизга мингданминг раҳматлар айтсак арзийди.

Жаҳондаги манаман деган не-не буюк давлатлар биз билан ҳисоблашаётган, ҳурматимизни жойига қўяётган экан, бунинг асл сабабларидан бири – бизнинг тинчликпарвар сиёсатимизга бўлган ҳурмат ва ишончдир. АҚШдан то Япониягача – улуғ ва қудратли давлатлар, қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек мўътабар халқаро идоралар Ўзбекистон ва унинг Йўлбошчиси олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб тургани ҳам шундан далолат беради.

**– Байрамолди тилакларингизни ҳам айтсангиз.**

– Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олаётган мана шу шукуҳли паллада мен бир гапни баралла айтишни хоҳлардим. Биз, ўзбеклар наинки жаҳон ҳамжамиятидан баҳраманд бўлаётирмиз, балки биз ҳам уларга тегишли кўмак бериб турибмиз. Бу улуғ жараён ҳар қанча фахр ва ғурурга муносибдир.

Юртбошимиз комил ишонч билан Ўзбекистон – келажаги буюк давлат эканини эслатиб ва таъкидлаб келадилар. Биз ана шу буюкликнинг илк нишонала-

рини кўрдик, шу буюклик сари улуғвор йўлни дастлабки олтин зиналарига пойқадамимиз текканидан кўксимиз фараҳга тўла.

Адолат ва ҳамжиҳатлик – бу йўлдаги мақсад ҳамда вазифаларимиз моҳиятини белгиловчи мезонлардир. Иншооллоҳ, ушбу эзгу ниятларимизнинг барқарор бўлишида бундан буён ҳам бизга омад ёр бўлғай!

"Халқ сўзи",
2002 йил 7 август

## Берн Конвенцияси мамлакатимизда амал қила бошлади

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августдаги қарорига биноан мамлакатимиз Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилди. Ушбу Конвенция қоидалари 2005 йилнинг 19 апрелидан юртимизда амал қилмоқда. Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.**

– Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилганимиз замирида, бир томондан, Ўзбекистоннинг ўз халқаро мажбуриятларига содиқлиги мужассам бўлса, иккинчи томондан, бунда ижодкорларимиз яратган асарлар муҳофазасини хорижда ҳам пухта таъминлашдек хайрли мақсад ифодасини топган.

Муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро нормаларга риоя этиш – давр талаби. Мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ҳаракатида. Шундай экан, ушбу халқаро ташкилотга кириш шартларидан бири Берн конвенциясига қўшилиш билан боғлиқлигини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи чегара билмайди. Бир давлат ҳудудида яратилган асардан бошқа мамлакат ҳудудида фойдаланилганда унинг дахлсизлиги, муаллиф ҳуқуқлари сақланган бўлиши даркор. Дунё миқёсида муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг энг самарадор усули – давлатларнинг бу борадаги миллий қонунчилигини уйғунлаштиришга хизмат қиладиган халқаро шартномаларнинг амал қилишидир.

Дунёда ўнлаб конвенция ва халқаро шартномалар ушбу соҳани тартибга солишга хизмат қиляпти. Улар орасида йирик ноширлик фирмалари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1886 йилда тузилган Берн конвенцияси нисбатан қадимийлиги ва кафолатлари кўплиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон унга 159-давлат бўлиб қўшилди.

Шу ўринда мамлакатимизда муаллифлар ҳуқуқлари ва улар томонидан яратиладиган асарлар муҳофазасини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётгани ҳақида тўхталиш жоиз. Аввало, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигига бу борада юксак мақом берилганлиги шундан далолатдир.

Шўролар даврида ушбу ташкилотнинг асосий бошқарув идораси Москвада жойлашганлиги туфайли барча ҳисоб-китоблар ўша ерда ҳал этилар, биз эса унинг ҳақсиз-ҳуқуқсиз бўлими эдик, холос. Табиийки, бундай шароитда маҳаллий муаллифлар ўз ҳуқуқлари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдилар. Шу боис бу соҳада ҳам ҳуқуқий чаласаводлик ҳукмрон эди.

Истиқлол йилларида мазкур идора мустақил ҳуқуқий ташкилотга – Республика агентлигига айлантирилди. Бугун Агентлигимиз муаллифларга мунтазам ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар бериб борувчи нуфузли ташкилот ҳисобланади.

Ўтган 2004 йили мингдан ортиқ муаллифга турли мавзуларда тавсиялар бердик. Ижод аҳли ўртасида муаллифлик ҳуқуқи, уни муҳофаза қилиш масалаларига оид турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шу пайтга қадар мамлакатимиз муайян давлатлар билан муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси юзасидан тузилган икки томонлама шартномалар асосида алоқа қилар эди. Эндиликда Берн конвенциясига қўшилган барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ушбу кўптомонлама шартнома амал қилади.

Чет элда муаллифларимизнинг адабий-бадиий асарларидан фойдаланилганда, ўша мамлакат бизнинг ҳисоб рақамимизга қалам ҳақи ўтказади. Ўз навбатида, биз ҳам шундай йўл тутамиз. Демак, бу ўринда ҳеч ким ютқазмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг фаолияти давлатлар ўртасида ва умуман, дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини рағбатлантиришдан иборат. Бу ҳукуматлараро тузилмага 1883–1886 йилларда асос солинган, қароргоҳи – Женева шаҳрида. Унинг бош директори доктор Комил Идрис 1997 йили юртимизга келган. Мазкур ташкилот билан ҳамкорликда Тошкентда халқаро конвенциялар тарғиботи бўйича қатор анжуманлар ўтказилди.

Мамлакатимизда интеллектуал мулкни авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар халқаро миқёсда ҳам кенг тан олинмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин медали билан тақдирлангани бунга ёрқин мисолдир. Мазкур халқаро ташкилотнинг ўша пайтдаги бош директори Арпад Богш 1996 йилнинг май ойида юртимизга ташриф буюриб, маънавий мулк ривожи ва ҳимоясига юксак эътибори, бу борадаги ҳамкорликка қўшган буюк ва ижодий ҳиссаси учун Юртбошимизга ана шу олий мукофотни топширган эди.

Бундай юксак халқаро эътироф бежиз эмас. Зеро, Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқи наинки бой маданий ва интеллектуал мерос соҳиби, айни чоғда ана шу олтин меросни авайлаш ва ривожлантириш бобида катта тарихий тажрибага ҳам эга.

**– Юртимизда муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг тарихий илдизлари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.**

– Юртимизда қадим замонларда китоблар қўлёзма тариқасида тарқатилган, улардан нусхалар кўчирилган. Бунда муаллиф қаторида яна бир шахс – хаттот муҳим ўрин тутган. Ҳозирги ношир мақомига тенг келадиган бу касб соҳиблари саъй-ҳаракати билан китоблар кўплаб нусхада кўчирилган ва бошқа юртларга ҳам туҳфа сифатида юбориб турилган. Уларнинг муҳофазасига эса қатъий ёндашилган.

Мисол учун, Қуръони каримни кўчиришда биргина нуқтанинг тушиб қолиши ҳам гуноҳи кабир ҳисобланган. Шунга қарамай, баъзи хаттотлар кўчирилаётган асарга ўзидан байтлар, ҳикматлар қўшган ҳолатлар ҳам учраб турган. Бунинг учун улар мулзам, ҳатто бадном қилинганлар. Негаки, ўша пайтларда ҳам муаллиф асарини ўзгартириш жиноят ҳисобланган.

Ривоят қилишларича, бир куни шоир Машраб кўчада кетаётганида, унинг ғазалини алмойи-алжойи хиргойи қилганича девор ураётган пахсакашга дуч келади. Машраб энди тикланаётган пахса деворни ағдариб юборади. Буни кўрган пахсакаш: "Эй девона, нега деворимни буздинг?" дейди. Шунда Машраб: "Нега ўзинг ғазалимни бузиб айтаяпсан?" деган экан.

Мухтасар айтганда, юртимизда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш масаласи ўша давр тузуклари доирасида ҳал қилиб келинган.

Берн конвенцияси мавзуига қайтадиган бўлсак, унинг дунё миқёсида амал қилиши, биринчидан, жаҳон маънавий мулкини талон-торож бўлишдан асрайди. Иккинчидан, муайян маънода, сайёрамизнинг турли бурчакларида яратилган асарлар инсониятнинг яхлит мулкидир, деган туйғуни мустаҳкамлайди. Қолаверса, шу йўл билан адабий ўғриликнинг ҳам олди олинади.

Бу нормаларга амал қилинмаган жойда бозорлар издан чиқади, қонунлар бузилади, бошбошдоқлик

бошланади, "қароқчилик" учун йўл очилади. Ижодкор эса ўз асарига эгалик қилиш имконидан маҳрум бўлади. Буларнинг барчаси моддий, маънавий ва ҳатто сиёсий аҳамиятга молик масалалардир.

Шунинг учун дунёда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига, нафақат бунга бевосита масъул миллий ва халқаро ташкилотларнинг иши, балки ҳар бир давлатнинг ички ишлар, прокуратура органлари, божхона ва чегара хизматлари жалб қилиниши тақозо этиладиган залворли ва масъулиятли вазифа сифатида қаралади.

**– Берн конвенцияси бизга нима беради?**

– Конвенцияда қайд этилганидек, унга аъзо бўлган мамлакатлар адабий-бадиий асарларга муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қиладилар. Бу ўринда "Адабий-бадиий асарлар" тушунчаси адабиёт ва бошқа барча шу каби ижод намуналарининг адабий жиҳатларини қамраб олишини таъкидламоқ лозим.

Асар қайси давлатда яратилганидан қатъи назар, Конвенцияга қўшилган мамлакатлар ҳудудида бир хилда муҳофаза қилинади. Масалан, муаллифларимизнинг асарлари хорижда, Конвенцияга қўшилган давлатлар муаллифларининг асарлари юртимизда ҳимоя қилинади.

Хорижликлар яратган асарларнинг юртдошларимиз асарларига тенглаштирилиши ҳамда чет эллик муаллифларга уларнинг асарларидан фойдаланганлик учун қалам ҳақи тўланиши муносабати билан четдан келтириладиган асарлар нархида бироз фарқ сезилиши мумкин. Энг муҳими, бунда ўзбошимчалик билан ва "қароқчи"ларча фаолият юритувчиларнинг йўли тўсилади. Адабий-бадиий асарларни хорижда дуч келган чайқовчидан эмас, балки шу маҳсулотни сотишга ҳуқуқи бор кишилардан, фирмалардан харид қилиш мумкин бўлади.

Шу каби омиллар ҳисобга олиниб, Ўзбекистонда Берн конвенциясига қўшилиш учун муайян тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Юртимизда муаллифлик ҳуқуқига оид миллий қонунчилик изчил такомиллаштирилмоқда. 1996 йилдаёқ Олий Мажлис томонидан "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Шу кунларда эса ушбу Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўриб чиқиляпти. Бу лойиҳада Берн конвенциясига алоқадор янги қоидалар инобатга олинган[1].

Берн Конвенциясига қўшилиш дунёнинг ҳеч бир давлатида силлиқ кечмаган. Америка Қўшма Штатлари фақат 1989 йилга келиб, яъни Конвенция тузилганидан сўнг бир асрдан кўпроқ муддат ўтгач, Хитой эса ундан ҳам кейинроқ – 1992 йили Конвенцияга қўшилган.

Ўзбекистон наинки хорижнинг маънавий мулкидан рисоладагидек фойдаланмоқда, балки ўзи ҳам адабий-бадиий асарларини дунё бўйлаб экспорт қилмоқда. Берн конвенциясига қўшилганимиз туфайли тез орада муаллифларимиз ҳуқуқларини хорижда ҳам муҳофаза қилиш ишлари расамадига тушиши тайин.

Энг муҳими, Ўзбекистонда Берн конвенцияси қоидалари амал қила бошлагани мамлакатимиз тараққийпарвар дунё билан ёнма-ён, тенгма-тенг одим ташлаётганининг яна бир яққол далолатидир.

"Халқ сўзи",
2005 йил 7 май

[1] Ушбу Қонун янги таҳрирда 2006 йил 20 июлда қабул қилинган бўлиб, 2013 йилда тузатиш ва қўшимчалар киритилган. **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда.

## ИСТИҚБОЛ МАСЪУЛИЯТИ

**Мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилнинг салкам тўрт ойи ортда қолди. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган "Ёшлар йили" Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш мақсадлари учун 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилган.**

**Ана шу далилнинг ўзиёқ мазкур Дастур том маънода ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни янада юксак босқичларга кўтаришга йўналтирилганидан далолатдир. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ёшларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган изчил эътибор ҳамда ғамхўрликнинг туб моҳияти, ҳаётий-фалсафий жиҳатлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

– Ўз авлодига, зурриётига эътибор туйғуси табиатга ҳам, жамиятга ҳам хосдир. Одатда, табиат бу миссияни инстинкт, ирсият талабига мувофиқ бажаради. Яъни, қуш тухумдан бола очади ва полапонига яшаш учун зарур жамики кўникмаларини ўргатади. "Қуш инида кўрганини қилади", деган нақл ҳам шундан қолган бўлса, ажаб эмас.

Жамоа бўлиб уюшган инсон болалари эса ўзи каби инсонни тарбиялаб, вояга етказади. Одамзод ҳам – табиатнинг бир бўлаги сифатида – ирсиятга қанчалик тобе бўлмасин, мустақил тафаккур билан иш кўргани боис, янги авлодни ўзига мос келадиган дунёқараш асосида тарбиялайди. Шу маънода, какку боласидан бургут чиқмаслиги аниқ, лекин инсон ўз зурриётига ўзи хоҳлагандек, орзу-ният қилганидек таълим-тарбия бериш имконияти ва салоҳиятига эга.

Дунёда инсофли, диёнатли, эртасини ўйлайдиган миллат борки, ўз болаларининг тарбиясига ўта жиддийлик билан ёндашади, уларни турли тазйиқ-таъсирлардан муҳофаза қилади. Японияга сафарим чоғида ўша юрт арбоблари, шоир-ёзувчилари билан суҳбатлашиш имкони туғилган эди. Мен уларга шундай савол бергандим: "Дунёдаги энг замонавий техника-технологияларни ўзлаштирибгина қолмай, бу борада эътирофга сазовор янгиликлар ҳам яратган ва шу тариқа жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин, юксак мавқе эгаллаган Япониядек илғор мамлакат халқининг бу ҳаётда нима ғами-ю, нима ками бор?"

Маълум бўлишича, ҳатто, тараққиёт чўққиларини забт этган японлар ҳам ёшлар тарбиясидан ташвишу хавотирда экан – бугунги япон ёшларининг миллий қадрият ва анъаналарни унутиб, ғарбнинг бетайин мусиқаси ва санъатига оммавий равишда берилиб кетаётгани ўз халқи ва Ватани истиқболи учун қайғураётган япон миллатпарварларини жиддий безовта қилаётган экан.

Шундай суҳбатлардан кейин мен ўзимда чуқур қониқиш ҳиссини туйдим. Дарҳақиқат, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ Юртбошимиз асрлар давомида топталган қадриятларимизни тиклаш баробарида, асосий эътиборни ёш авлод таълим-тарбиясига қаратди.

Унутилиш остонасига келиб қолган тилимизга истиқлол арафасида давлат тили мақоми берилди. Миллатнинг, мустақил давлатнинг биринчи белгиларидан бўлган она тилини пухта эгаллаш баробарида, жаҳон тамаддунидан ортда қолмаган ҳолда, бошқа тилларни ҳам ўрганиш, компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологияларини чуқур ўзлаштириш, жисмонан ва маънан соғлом, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида камолга етиш, мух-

тасар айтганда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслик – ёшларимиз олдидаги муҳим мақсад-вазифалар этиб белгиланди.

Шу мақсадда ёшларимизга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу ният ижобати учун барча имкониятлар ишга солинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари асосида халқ таълими, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимларида чинакам салмоқли ҳамда самарали ислоҳотлар бошланди ва давом этаётир. Янгидан-янги лицейлар, коллежлар барпо этилиб, уларнинг замонавий, шинам бинолари зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланди. Ёшларимизнинг иқтидори, қобилияти, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни жисмоний чиниқтириш мақсадида кўплаб маданият масканлари, санъат кошоналари ва спорт иншоотлари бунёд этилди.

Ана шу хайрли саъй-ҳаракатлар аллақачон ўз мевасини бермоқда. Мустақилликка эришган кунимиз мактабга борган фарзандларимиз айни вақтда рўзғор тебратадиган даражага етдилар, Истиқлол тенгдошлари эса балоғат ёшини қаршилаб, паспорт олдилар.

Бугун – юртимизнинг олис-яқин ҳудудларида бўладими, катта-кичик ташкилоту корхоналардами ва ҳатто, Ўзбекистондан ташқарида, хорижий мамлакатлардаги элчихоналаримиздами – барча жойларда ва жабҳаларда янги даврнинг неча юз минглаб ёш миллий кадрлари эл-юртимизнинг ишончи ва таянчига айланиб бормоқда.

Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари ва раҳнамолигида ўзбек кураши ўзининг юксак мақомини топди ҳамда жаҳонга чиқди. Ҳозирги кунда 102 давлатда миллий кураш федерациялари мавжуд.

Буларнинг барчаси, албатта, кишига чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мен бугунги фарзандларимизга боқиб, дилимдан қувонаман. Бизнинг ўспиринлик йилларимиз радиоаппаратни кўрса анграйиб, кўп қаватли иморатга кўзи тушганда анқаядиган даврларга тўғри келган. Ҳозирги ёшларимиз хоҳлаган юрт вакили билан хоҳлаган тилда гаплашиб, интернет орқали жаҳон билан тиллаша олади.

Энг муҳими, ёшларимиз миллий қадриятларимиз, унутилмас, гўзал анъаналаримиз оғушида камолга етмоқдалар. Уларнинг маънавий-маданий савияси ҳавас қилгулик даражада юксалиб бормоқда.

Давлатимизнинг бу борадаги изчил сиёсати, жамиятимизнинг фикру зикри, ўй-хаёли, саъй-ҳаракатлари замирида ягона мақсад ўзи ифодасини топган – миллатни баркамол қилиш. Олис тоғлар бағрида қад кўтарган кўркам коллеж биноларини кўрганда, хаёлимдан ўйларимни алғов-далғов қиладиган нашидали фикрлар ўтади: қаранг, бир адир нарида қўй боқиб юрган чўпоннинг боласи мана бу коллежга қадам босганда, бутунлай бошқа одамга айланиб кетади-ку! У энди компьютер сир-асрорини эгаллайди, айни чоғда, Алпомиш бобосини ҳам унутмайди.

Бундай манзараларни тараққий этган узоқ юртларда бор, деб эшитар эдик. Бироқ жаҳон цивилизацияси техник-технологик жиҳатдан ҳар қанча тараққий этмасин, бизнинг йигит-қизларимиз, аввалambор, ўзбек фарзанди – буюк соҳибқирон Амир Темур набираси, бетимсол мутафаккир Алишер Навоий, мунажжим Мирзо Улуғбек издоши бўлиб қолаверадилар.

Юртимиздаги бу улкан ўзгаришлар, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгу тафаккурида кечаётган янгиланишлар ўз-ўзидан юз бераётгани йўқ, албатта. Булар –

ҳар томонлама чуқур ўйланган ислоҳотларнинг ва пировардида, юксак тарбиянинг натижаларидир.

Ҳар қандай шахс ўз ҳаётий мақсадлари, орзу-интилишлари йўлида энг камида қуйидаги икки буюк туйғу, улуғвор тушунчаларга доимо таянмоғи шарт деб ўйлайман: уларнинг бири – ватанпарварлик, яна бири эса фидойиликдир.

Ватанни тама билан севиб бўлмайди. Ахир, онадан фарзанд ўз садоқати ва меҳри учун бадал талаб қилиши мумкинми! Фидойилик ҳам айнан шу – тамасиз, бегидр муҳаббат ва садоқатдан бошланади.

Мозийга назар ташласак, бу фикрларимизни исботлайдиган улуғ ҳаётий мисоллар ниҳоятда бисёр. Алалхусус, Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган қанчадан-қанча боболаримизнинг азиз номларини доимо фахр-ифтихор билан ёдга оламиз. Чингизийлар бостириб келганида, ҳатто имтиёз берса ҳам, шаҳрини ташлаб кетмаган Нажмиддин Кубро юрт байроғи дастасини маҳкам чангаллаб ҳалок бўлган экан.

Ҳақиқатнинг катта-кичиги йўқ, дейдилар. Бу – тўғри. Ҳақиқатнинг ҳужайраси, қон гуруҳи бир хил, ўзгармасдир. Бироқ ҳақиқатнинг миқёсида, гўёки бир томчи сув билан уммон нисбати янглиғ, муайян тафовут мавжуд. Ҳаётда учраб турадиган айрим кутилган ва кутилмаган воқеа-ҳодисалардан қатъи назар, инсоният беҳад катта кўламдаги тарихий ҳақиқатни қарор топтириш билан машғул.

Бу буюк ҳақиқатнинг исботи сифатида Ўзбекистонимизда улкан бунёдкорлик йиллари тинимсиз давом этаётир – ҳар бир кун янги иморатга ғишт қўйилаётир, ҳар сония ниҳол экилаётир...

Президентимизнинг дастуриламалга айланган мазкур ҳикматли гаплари айни шу ҳақиқатдан далолат бериб турибди: "Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам". Ёхуд:

“Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт”.

Юртимизда 2008 йил – Ёшлар йили деб эълон қилиниши, “Ёшлар йили” Давлат дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилаётгани замирида ҳам эзгу ният олийжаноб мақсадлар мужассам.

Иншоолло, ёш авлод бу улуғ ишонч ва буюк даъватни чин юракдан ҳис этгайлар.

“Халқ сўзи”,
2008 йил 25 апрель

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДИЁТИНИ ЎРГАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## (Хотима ўрнида)

Тарихий манбаларга қараганда, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий давлат хизмати, халқ манфаати йўлидаги эзгу юмушлар ва ижодий ишлардан холи пайтларида турли адабий анжуманлар ташкил этишга бош-қош бўлган. Бундай шеърият байрамларида шоирнинг ўзи ва замондошлари янги шеърларидан ўқиб берар, ёш шоирларнинг ижод намуналари тингланар, адабий баҳс-мунозаралар назм ва наво базмига уланиб кетар – бундан эл баҳра олар, адабиёт эса тараққий этар экан.

Орадан неча асрлар ўтишига қарамай, диёримизда навоийхонлик ва шеърият кечалари, ёш ижодкорлар семинарлари, ғазалхонлик анъаналари бугун ҳам давом этмоқда. Буларнинг барчаси – миннатдор ихлосмандлар севимли шоири хотирасини ардоқлаётгани ва бой маънавий меросини муносиб қадрлаётганининг ўзига хос ифодаси бўлса, не ажаб.

Аслида ҳам шундай: ҳар қандай ижодкор ҳаётлиги даврида турли адабий анжуманлар ва мушоиралар, юзма-юз мулоқоту учрашувларда иштирок этади. Ижодий гурунглар уюштиради, шеърлар тинглайди, ўзининг шеърларидан ўқийди, ижод жараёнлари ҳақида суҳбатлашади. Газеталарда янги шеърларини, журналларда шеърий туркумларини эълон қилади. Навбатдаги шеърий тўпламларига тартиб беради ва уларнинг нашри билан шуғулланади. Бошқа халқлар

шеъриятидан таржима қилиб, ўз шеърларини ҳам ўзга тилларга ўгириш имкониятларини излайди.

Шоир оламдан ўтгач, афсуски, унинг ўз ижодини ўзи тарғиб этишидек табиий, зарур ва қамровдор ана шу жараёнлар тақа-тақ тўхтайди. Энди ижодкорнинг бой маънавий мероси тарғиботи шоирнинг миннатдор ва садоқатли ихлосмандлари, холис ва жонкуяр ворислари ҳамда фидойи ва ҳалол шогирдларидан бу борада ташаббускорлик кўрсатишни, лоақал лоқайду бефарқ бўлмасликни тақозо этади.

Миллий шеъриятимизда ўзининг соҳир йўлини кашф этган ва етук ижодий мактаб яратган ҳассос шоир Абдулла Орипов маънавий меросини тарғиб этиш хусусида сўз борганда, шубҳасиз, бундай муҳим жараён давлат ва жамият зиммасига ҳам муайян масъулият юклайди. Шу маънода, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда атоқли шоир хотирасини абадийлаштириш ва маънавий меросини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар таҳсинга лойиқдир.

Айни чоғда, **"Абдулла Орипов ижодиётини ўрганиш ва тарғиб этиш учун яна нима ишлар қилиш керак?"** деган савол долзарб аҳамиятга эга. Бу йўналишда, жумладан, қуйидаги маънавий-маърифий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

**биринчидан,** газета ва журналларда алоҳида рукнлар ташкил этиб, Абдулла Орипов шеърларидан намуналарни мунтазам чоп этиш;

**иккинчидан,** телевидение ва радио каналларида турли ёш ва касб вакилларининг Абдулла Орипов ижодидан ўқиган намуналарини ҳар доим бериб бориш;

**учинчидан,** шоирнинг ўзи ўқиган шеърлари ва суҳбатларининг архивларда сақланган видео ва аудиоёзувларидан намуналарни изчил тақдим этиш;

**тўртинчидан, "Абдулла Орипов кутубхонаси"** номли интернет-портал очиб, шоир китобларининг электрон вариантларини мутолаа қилиш учун қулай шаклда жойлаштириш;

**бешинчидан,** ушбу сайт саҳифаларини шоирнинг эълон қилиб улгурмаган ижод намуналари, шунингдек, шеърларининг янги таржималари ҳисобига янгилаб туриш;

**олтинчидан,** Абдулла Ориповнинг тўла асарлар тўпламини янги давр талаблари ва замонавий матбаа-ноширлик салоҳияти асосида нашрдан чиқариш ва барча таълим муассасаларига етказиш;

**еттинчидан, "Абдулла Орипов шеърияти билимдонлари"** республика адабий танловини жорий этиш ва танлов ғолибларини ҳар йили 21 март – Халқаро шеърият куни, шунингдек, шоирнинг таваллуд кунида тақдирлашни анъанага киритиш;

**саккизинчидан,** барча олий ўқув юртларининг ижодий йўналишлардаги факультетлари талабалари учун **"Абдулла Орипов стипендияси"**ни таъсис этиш;

**тўққизинчидан,** мамлакат миқёсида Абдулла Ориповнинг ноёб ижодий салоҳияти ва юксак таржимонлик маҳоратини ўрганиш, асарларини теран таҳлил ҳамда талқин этишга қаратилган илмий тадқиқотлар тизимли равишда олиб борилишини рағбатлантириш;

**ўнинчидан,** Абдулла Орипов шеърларининг тўлиқ рўйхати – библиографиясини тузиш.

**ўн биринчидан,** Абдулла Орипов шеърлари ва достонларини дунёнинг турли тилларига сифатли таржима қилиш ҳамда нашр этиш ишларини янги босқичда ташкил қилиш.

Ҳадиси шарифга кўра, **"Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат".** Шунингдек, ҳикматга бағишланган қуйидаги Ҳадиси шарифларни келтириш мумкин:

**“Дарҳақиқат, баъзи шеърлар айни ҳикматдир”; “Фасоҳатли ва балоғатли сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат ва фойда-фазилат бор”; “Ҳикмат кўнгилдаги бир нурдир”**[1].

Ўтмиш замонларда ҳикмат шеърдан юқори тутилган. Зотан, ҳикмат бу – тажриба билан эришиладиган тўғри билим; Ҳаққа мувофиқ сўз; ҳамма нарсанинг энг мукаммали; билимдонлик, донишмандлик, ақлу ҳақиқатга тўғри келадиган нозик маъноли, ахлоқ ва ҳақиқатга доир фойдали мухтасар сўз; ақл, сўз ва ҳаракатдаги уйғунлик, демакдир[2].

Устоз Абдулла Ориповнинг шеърлари ва достонлари ҳар жиҳатдан худди ана шундай олиймақом сифатларга эга ҳикматларга ўхшайди. Шу маънода, улуғ шоиримиз ҳикматнавис алломадир.

Хулоса қилиб айтганда, “Алломанинг ўлими оламнинг ўлимидир”. Яъни, ҳар қандай ижодкор инсон ўзидан кейин улуғвор мерос қолдиргани баробарида, вафот этганидан кейин ўзи билан катта бир оламни олиб кетади. Не тонгки, энди Абдулла Орипов бу дунё-

---

[1] **Қаранг:** *Шайх Абдулазиз Мансур.* Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент, 1990; *Шайх Абдулазиз Мансур.* Ҳадиси қудсий: сайланма асар. – Тошкент, 1991; *Шайх Абдулазиз Мансур.* Минг бир ҳадис. – Тошкент, 1992; *Шайх Абдулазиз Мансур.* Ҳадис илми сабоқлари. – Тошкент, 1993; *Шайх Абдулазиз Мансур.* “Ўнвонул баён” – ҳикматли сўзлар мажмуаси. – Тошкент, 1995; *Аширмат Толиб.* Қул Хожа Аҳмад Яссавий. – Алмати: “Euro Print”, 2011. – Б. 9.

[2] **Қаранг:** Навоий асарлари луғати. – Тошкент, 1972. – Б. 772; *Тўйчиев У.* Адабий турлар ва жанрлар. II жилд. – Тошкент, 1992. – Б. 68–69; *Ҳаққул И.* Ирфон ва идрок. – Тошкент, 1998. – Б. 148–149; *Uludag S.* Tasavvuf Terimleri Sozlugu. – Istanbul, 1996. – S. 242; Osmanlica-Turkce Ansiklopedik Buyuk lug'at.- Istanbul, 1995. – S. 366; Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асаридан ҳикматли сўзлар. – Т.: “Фан”, 2001. – Б. 72; *Қодиров Пиримқул.* Аҳмад Яссавий ҳақиқати / Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши: 2001 йил 17 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни. – Тошкент, 2001. – Б. 134–137.

га қайтиб келмайди. Ушбу ёруғ оламда улуғ шоирнинг ўрнини ҳам бошқа биров эгаллай олмайди. Зеро, Устоз ёзганидек:

*"Мен шоирман,*
*Истасангиз шу,*
*Ўзимники эрур шу созим,*
*Бировлардан олмадим туйғу,*
*Ўзгага ҳам бермам овозим"*[1].

Шундай экан, азиз китобхон, миллий адабиётимиз жилосига жило, қудратига қудрат қўшган Абдулла Орипов шеърияти мутолаасига ҳамиша ҳамнафас бўлайлик. Зеро, итальян адиби ва файласуфи **Умберто Эко** эътироф этганидек, **"Адабиётнинг қудрати бетўхтов ва бетакрор мутолаа имкони яратишидадир".**

[1] *Орипов Абдулла.* Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 127.

**Абдулла ОРИПОВ**

* * *

*Баҳор келаётир,*
*Тоза, мусаффо.*
*Мовий кенгликларда ўйнайди шамол.*
*Даралар қўйнида зангор бир ҳаво,*
*Туманли шаҳр ичра ётмоқлик малол.*

*Қоялар кўксида шодмон, беқайғу*
*Оний умри билан солланар чечак.*
*Баҳор – энг покиза шаббодадир бу,*
*Баҳор – энг тоза бир шамолдир демак.*

*Кенгликлар бағрига ураман ўзни,*
*Кўзимга кўрингай дилбар диёрим.*
*Гўдак нафасидек юпатар юзни*
*Қиш бўйи интизор кутган баҳорим.*

*Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,*
*Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.*
*Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,*
*Умринг шамоллари муаттар бўлсин...*

## МУНДАРИЖА

*Акмал Саидов.* Китоб нима учун шундай номланди? ..... 4

**БИРИНЧИ ҚИСМ.**
**АБДУЛЛА ОРИПОВ СИЙРАТИ**

***А.Орипов.*** **Сен баҳорни соғинмадингми** ..... 8

АБДУЛЛА ОРИПОВ – ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ,
ҲАССОС ШОИР ВА ТАРЖИМОН

Мустақил давлатимиз мадҳияси қандай яратилган? ..... 9
Амир Темур сиймоси Абдулла Орипов ижодида ..... 26
Абдулла Орипов ва Алигьери Данте ..... 36
"Яхшилар танитар юртнинг номини..." ..... 45
"Олисдаги залворли тоғлар..." ..... 49
**"Илоҳий комедия"дан парча.** ***А.Орипов таржимаси*** ... 56

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ЎЗБЕКОНА
"ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ"СИ – АДАБИЙ ЖАСОРАТ

Буюкликнинг қўш қаноти ..... 58
Абдулла Орипов: Данте менга қадрдон ва таниш инсон ... 69
Тошкент ва Равеннадаги дантехонликлар ..... 74
***А.Орипов.*** **Мен нечун севаман Ўзбекистонни** ..... 81

АБДУЛЛА ОРИПОВ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН
ЎЗБЕК ДАНТЕШУНОСЛИГИ

Данте – юрист ..... 82
*Абдулла Орипов.* Башарият фарзанди ..... 89
*Қаландар Абдураҳмонов.* Дантешуносликка
муносиб ҳисса ..... 92

## ИККИНЧИ ҚИСМ.
## ЖОНДЕК АЗИЗ ХОТИРА

*Ғулом Мирзо.* Буюк инсоний қалб соҳиби эди ..... 99
***А.Орипов.*** **Соғинч** ..... 101

"ҚИЗҒАЛДОҚ БАРГИДЕК УЧАР ДИЛДАН ҒАМ..."
Палов, барибир, палов-да ..... 102
Йўлакда ..... 103
Хизр қўлласа ..... 103
Истиқлол ўгитлари ..... 104
Устозлар меҳрининг чорраҳасида ..... 105
Яхшига ёндашсанг – етарсан муродга ..... 110
Данте Тошкентни билганми? ..... 112
Индамас балиқлар учун ҳам тил ўрган ..... 114
Кимнинг меҳмони бўлдик ..... 115
Она тили – инсоннинг ор-номуси ..... 116
Тўннинг рақами нечанчи? ..... 117
"Колумбда бор аламим маним..." ..... 118
***А.Орипов.*** **Темур** ..... 122

АМИР ТЕМУР ВА АБДУЛЛА ОРИПОВ
"Бу ерларда илк бора янграган Темур саси..." ..... 124
"Газетада қасидамни чиқаролмадим..." ..... 126
"Темур" шеърининг қўлёзмадаги давоми ..... 129
Темурбек, Наполеон ва Ватерлоо ..... 135
"Уддалаган паҳлавоннинг ҳалоли бўлсин..." ..... 143
Орият ..... 146
***А.Орипов.*** **"Муаллақ гапларни сўйлама..."** ..... 148

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА:
ОБРАЗНИ ОБРАЗ БИЛАН БЕРИШ МУАММОЛАРИ
"Икки дарё оралиғида..." ..... 149
"Биз ҳам юксакларга тиккандик кўзни..." ..... 150

"Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон"
*(Н.Гребнев таржималари талқини)* ..... 153
"Баҳодир найзаси"ми ё "Дон Кихот шамшири"?
*(А.Файнберг, О.Дмитриев таржималарининг*
*танқидий таҳлили)* ..... 156
"Баҳор тетапоя гўдакдай ширин..." *(А.Наумов, А.Преловский,*
*В.Цибин таржималари)* ..... 159
Таржимон шоирнинг образлар оламини билмаса ..... 164
***А.Орипов.* Адолат офтоби** ..... 168

УСТОЗ БИЛАН ИНЖА ГУРУНГЛАР

Мудроқ ғурурларни уйғотган сиймо ..... 169
Тошкент ҳавосида Римнинг нафаси ..... 176
Буюкликнинг олтин зиналари ..... 181
Берн Конвенцияси мамлакатимизда амал қила
бошлади ..... 197
Истиқбол масъулияти ..... 203
Абдулла Орипов ижодиётини ўрганиш истиқболлари ... 209
***А.Орипов.* "Баҳор келаётир..."** ..... 210

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

*Адабий-бадиий нашр*

Акмал САИДОВ, Ғулом МИРЗО

# Сен баҳорни соғинмадингми?..

*Устоз Абдулла Орипов ҳақида хотиралар*

*Китобдаги суратлар «Ёшлик» журнали архивидан олинди*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Мусаҳҳиҳ *Камола Болтабоева*
Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*

«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»
Нашриёт лицензияси № AI. 282. 11.01.2016.

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишга 2019 йил 15 мартда рухсат берилди.
Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси
Шартли босма табоғи 7,14. Адади 2000 нусха.

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп қилинди.
100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44
Тел.: (+998) 71-276-37-00. Буюртма № 223.

21.500 c.



*Адиб ва жамият*

Устоз Абдулла Орипов
ҳақида хотиралар

Акмал САИДОВ,
Ғулом МИРЗО

# Сен баҳорни соғинмадингми?..

«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-5568-5-0

9 789943 556805